ЖИДДИЙ СИНОВЛАРГА ПЕШВОЗ ◀◀ 8

18 ▶▶ РЕЙХСТАГ ДЕВОРИДАГИ ЎЗБЕКЧА ЁЗУВ...

WWW.MV-VATANPARVAR.UZ

VATAN@EVO.UZ

VATAN – MUQADDAS, UNI HIMOYA QILISH SHARAFLI BURCHDIR!

VATANPARVAR

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефон орқали сканер қилинг.

2020 йил 31 январь, № 5 (2860)



БИЛИМ ВА ТАФАККУР СИНОВИ

HAFTA ICHIDA

● Давлатимиз раҳбари туризмни ривожлантириш, жисмоний тарбия ва спортни янада оммалаштириш масалалари бўйича йиғилиш ўтказди. Жорий йилда хориждан келадиган сайёҳлар сонини 7,5 миллионга, 2022 йилда 10 миллионга ва 2025 йилда 12 миллионга етказиш режалаштирилган.Танқидий таҳлил руҳида ўтган йиғилишда ушбу натижаларга эришиш учун амалга оширилиши зарур бўлган чора-тадбирлар муҳокама қилинди. Йиғилишда «Ўзбекистон Республикасида жисмоний тарбия ва спортни янада такомиллаштириш ва оммалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонда белгиланган вазифалар ижроси билан боғлиқ масалалар кўриб чиқилди.

● Президентимиз транспорт тизимини самарали ташкил этиш борасидаги устувор вазифалар муҳокамасига бағишланган йиғилиш ўтказди.

Унда транзит сиёсатини бутунлай қайта кўриб чиқиш Транспорт вазирлигининг энг муҳим вазифаларидан бири экани таъкидланди. Фуқаро авиацияси соҳасидаги ҳолат танқид қилинди. Мамлакатимизда автомобиль йўлларининг ҳолатини яхшилаш масаласига ҳам тўхталинди.

ЎзА материаллари асосида тайёрланди.

ПРЕЗИДЕНТНИНГ ОЛИЙ МАЖЛИСГА МУРОЖААТНОМАСИДАН

ИКТИБОС

Жаҳонда шиддат билан ўзгараётган нотинч ва мураккаб вазият, турли можаролар жонажон Ватанимиз хавфсизлигини, эл-юртимизнинг осойишта ҳаётини таъминлаш ҳамда мавжуд таҳдид ва хатарларга муносиб жавоб беришга доим тайёр туришимизни тақозо этмоқда.

Президент ҳузуридаги Хавфсизлик кенгашининг яқинда ўтказилган мажлисида бу борадаги устувор вазифалар ва амалий чора-тадбирларни белгилаб олдик. Қуролли Кучларимиз ушбу вазифаларни самарали адо этади, деб ишонаман.

12 ЧОР РОССИЯСИ ОФИЦЕРЛАРИ
НЕГА ТОШКЕНТДА ШАРҚ ТИЛЛАРИНИ ЎРГАНГАН?

17 ОЛИС ВА ЧЕККА ҲУДУДЛАРДАГИ
ТАРҒИБОТ ТАДБИРЛАРИ

19 ФОМИННИНГ ҚОЗОНДА
«ҚОЗОНИ ҚАЙНАДИ»

22 «КЎЗИМНИ ЎПАМАН, КЕРАК БЎЛСА, ТИШЛАЙМАН ҲАМ!»

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ОЛИЙ МАЖЛИСГА МУРОЖААТНОМАСИ

Ҳурматли депутатлар ва сенаторлар!

Азиз юртдошлар!

Муҳтарам меҳмонлар!

Хонимлар ва жаноблар!

Жонажон Ўзбекистонимиз янги ўн йилликка қадам қўймоқда. Эришган натижаларимиз тарихга айланиб, олдимизда янги-янги ўзгаришларни амалга ошириш бўйича улкан вазифалар ва имкониятлар пайдо бўлмоқда. Шу боис бугун Сизлар билан биргаликда мамлакатимизни 2020 йил ва келгуси 5 йилда ривожлантириш бўйича устувор йўналиш ва вазифаларни белгилаб олишимиз лозим.

Яқинда **«Янги Ўзбекистон – янги сайловлар»** шиори остида бўлиб ўтган сайловлар натижасида республикамизда демократик ислоҳотларни юқори босқичга олиб чиқиш учун зарур бўлган янги сиёсий муҳит вужудга келди.

Сайловлар очиқ-ойдин, халқаро стандартлар асосида ўтказилишини назорат қилиш учун 50 га яқин давлатдан ҳамда 10 та халқаро ташкилотдан 825 нафар кузатувчи иштирок этди. Биринчи марта Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюросининг 316 кишилик тўлақонли миссияси билан яқин ҳамкорлик қилдик.

Халқаро кузатувчилар сайловлар эркин рақобат муҳитида, сиёсий партиялар ўртасидаги қизғин тортишув ва баҳс-мунозаралар шароитида ўтганини, бу жараёнда оммавий ахборот воситаларининг роли сезиларли даражада ошганини алоҳида эътироф этдилар.

Барча халқаро кузатувчиларга сайловлар жараёнлари ҳақидаги холис фикрлари ва тавсиялари учун бутун халқимиз номидан самимий миннатдорчилик билдираман.

Биз албатта ушбу тавсияларнинг ҳар бирини чуқур ўрганиб, тегишли дастур қабул қилиб, амалиётга кенг жорий этамиз. Бу борада сайлов комиссиялари ва аҳолининг сайлов маданиятини юксалтириш, сиёсий партияларнинг ўз электорати билан ишлаш тизимини янада такомиллаштириш, партияларнинг сиёсий фаоллигини ошириш олдимизда турган муҳим масалалардан биридир.

Шу билан бир қаторда, маҳаллий кенгашларга сайлов ўтказишнинг уч поғонали тизимини оптималлаштириш, бунда туман ва шаҳар сайлов комиссиясининг ролини оширишга алоҳида эътибор қаратиш лозим.

Парламент ва Марказий сайлов комиссияси сайлов якунлари бўйича режалаштирилган вазифаларни амалга ошириш учун яқин ҳамкорликда иш олиб бориши зарур бўлади.

Барча депутат ва сенаторларга, уларнинг тимсолида бутун Ўзбекистон халқига мурожаат қилиб айтмоқчиман: демократик ислоҳотлар йўли – биз учун яккаю ягона ва энг тўғри йўлдир. Бу борада биз ҳар куни изланишдамиз, хориждаги илғор тажрибаларни чуқур ўрганиб, ҳаётимизни, иш услубимизни янгилашга ҳаракат қилмоқдамиз.

Биз янги Ўзбекистонни халқимиз билан биргаликда барпо этамиз, деган улуғвор мақсадни ўз олдимизга қўйганмиз. Бу борада **«Жамият – ислоҳотлар ташаббускори»** деган янги ғоя кундалик фаолиятимизга тобора чуқур кириб бормоқда.

Ислоҳотларнинг амалий натижадорлигини оширишда, жойларда янги ташаббусларни илгари суришда аҳолимизнинг янада фаолроқ, янада ташаббускор бўлишига эришмоғимиз лозим.

Энг асосийси, бу ислоҳотлар натижасида халқимиз учун фаровон ва муносиб турмуш шароитини яратиб беришимиз керак. Одамларимиз етарли даромад топиши учун энг қулай бизнес ва инвестиция муҳитини шакллантириб, янги-янги корхоналар ва иш жойларини кўпайтиришимиз зарур. Бу ғоят долзарб ишларни ўзимиз қилмасак, ҳеч ким бизга четдан келиб қилиб бермайди.

Халқимиз шуни яхши билиши керак: олдимизда узоқ ва машаққатли йўл турибди. Барчамиз жипслашиб, тинимсиз ўқиб-ўргансак, ишимизни мукаммал ва унумли бажарсак, замонавий билимларни эгаллаб, ўзимизни аямасдан олдинга интилсак, албатта, ҳаётимиз ва жамиятимиз ўзгаради.

Мен бунга қатъий ишонаман ва бу фикрни сизлар ҳам қўллаб-қувватлайсизлар, деб ўйлайман.

Ҳурматли қўшма мажлис иштирокчилари!

Халқимизнинг фидокорона меҳнати билан 2019 йил – Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йилида салмоқли натижаларга эришдик. Барча соҳалардаги ижобий натижалар қаторида инвестициялар ҳажми ҳам сезиларли даражада ошди.

Айниқса, тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар 4,2 миллиард долларни ташкил этиб, 2018 йилга нисбатан – мана шу рақамга эътиборингизни қаратмоқчиман – 3,1 миллиард долларга ёки 3,7 баробар ўсди. Инвестицияларнинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 37 фоизга етди.

Мамлакатимиз илк бор халқаро кредит рейтингини олди ва жаҳон молия бозорида 1 миллиард долларлик облигацияларини муваффақиятли жойлаштирди. Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилоти томонидан Ўзбекистоннинг кредитга доир таваккалчилик рейтинги охирги 10 йилда биринчи марта яхшиланди.

Энергетика, нефть-газ, геология, транспорт, йўл қурилиши, қишлоқ ва сув хўжалиги, ичимлик суви ва иссиқлик таъминоти ҳамда бошқа қатор тармоқларда чуқур таркибий ислоҳотлар бошланди. Саноатнинг 12 та етакчи тармоғида модернизациялаш ва рақобатдошликни кучайтириш дастурлари жадал амалга оширилмоқда. Натижада ўтган йили иқтисодий ўсиш 5,6 фоизни ташкил этди. Саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми 6,6 фоизга, экспорт – 28 фоизга кўпайди. Олтин-валюта захираларимиз 2019 йил давомида 2,2 миллиард долларга ортиб, 28,6 миллиард долларга етди.

Қишлоқ хўжалигида фермер ва деҳқонларнинг манфаатдорлигини ошириш борасидаги ўрганиш ва изланишларимиз давом этмоқда. Соҳага илғор технологиялар ва кластер тизими жорий этилмоқда.

Тадбиркорликни кенг ривожлантириш ва бу соҳа учун янги шароитлар яратишга барча имкониятларимизни сафарбар этяпмиз. «Ҳар бир оила – тадбиркор» дастури доирасида ўз бизнесини бошлаётган оилаларга 5,9 триллион сўм кредитлар ажратилди.

Янги солиқ сиёсати доирасида иш ҳақига солиқ юки 1,5 баробар камайтирилди. Натижада расмий секторда ишлаётганлар сони йил давомида 500 мингтага кўпайди.

Қўшилган қиймат солиғи ставкаси 20 фоиздан 15 фоизга туширилди. Бунинг ҳисобидан ўтган йили солиқ тўловчилар ихтиёрида 2 триллион сўм қолди. Жорий йилда бу рақам 11 триллион сўмни ташкил этиши кутилмоқда. Бир йилда тадбиркорлар ихтиёрида шунча маблағ қолиши, албатта, уларга ўз бизнесларини ривожлантириш учун жуда катта қўшимча имкониятлар яратади.

Ислоҳотларимиз натижасида ўтган йили 93 мингта ёки 2018 йилга нисбатан қарийб 2 баробар кўп янги тадбиркорлик субъектлари ташкил этилди.

Жаҳон банкининг «Бизнес юритиш» рейтингида 7 поғона кўтарилиб, бизнесни рўйхатга олиш кўрсаткичи бўйича дунёнинг 190 та давлати орасида 8-ўринни эгалладик ва энг яхши ислоҳотчи давлатлар қаторидан жой олдик.

Шунингдек, 86 та давлат фуқароларига визасиз ва 57 та давлат фуқароларига соддалаштирилган виза режими жорий этилиши натижасида ўтган йили юртимизга 6,7 миллион нафар хорижий сайёҳ ташриф буюрди. Бу 2016 йилга нисбатан 4,7 миллион нафарга ёки 3,3 баробар кўп демакдир.

Мактабгача таълимни ривожлантириш борасида бошлаган ислоҳотларимиз натижасида ўтган йили 5 минг 722 та давлат, хусусий, оилавий болалар боғчалари ташкил этилди. Шунинг ҳисобидан фарзандларимизни мактабгача таълим билан қамраб олиш даражаси бир йил давомида 38 фоиздан 52 фоизга кўтарилди.

2019 йилда мутлақо янгича мазмун ва шаклдаги 4 та Президент мактаби, 3 та Ижод мактаби иш бошлади. Олий таълимни ривожлантириш учун ўтган йили 19 та янги олий ўқув юрти, жумладан, 9 та нуфузли хорижий университетнинг филиали очилди. Етакчи хорижий университетлар билан ҳамкорликда 141 та қўшма таълим дастури бўйича кадрлар тайёрлаш йўлга қўйилди. Олий таълим муассасаларига жами 146 минг 500 нафар ёки 2016 йилга нисбатан 2 баробар кўп талаба ўқишга қабул қилинди.

Ишлаётган пенсионерларга пенсияни тўлиқ тўлаш тартиби жорий этилди. Ижтимоий ёрдамга муҳтож ва эҳтиёжманд аҳоли учун нафақа миқдори 2 баробар кўпайтирилди.

Соғлиқни сақлаш соҳасида давлат муассасалари билан бир қаторда хусусий тиббиёт йўналиши ҳам жадал ривожланмоқда. Даволаш фаолияти турлари 50 тадан 126 тага кўпайтирилиб, қатор имтиёзлар берилгани туфайли ўтган йили 634 та хусусий тиббиёт муассасаси ташкил этилди.

«Обод қишлоқ» ва «Обод маҳалла» дастурлари доирасида 479 та қишлоқ ва овулда, шаҳарлардаги 116 та маҳаллада кенг кўламли қурилиш ва ободонлаштириш ишлари бажарилди. Бунга 6,1 триллион сўм ёки 2018 йилга нисбатан 1,5 триллион сўм кўп маблағ сарфланди.

Қишлоқ жойларда – 17 минг 100 та, шаҳарларда – 17 минг 600 та, жами 34 минг 700 та ёки 2016 йилга нисбатан салкам 3 баробар кўп арзон ва шинам уйлар қурилди.

Кам таъминланган ва уй-жой шароитини яхшилашга муҳтож 5 мингта оилага, жумладан, ногиронлиги бўлган аёлларга ипотека кредити асосида арзон уй-жой сотиб олиш учун 116 миллиард сўмдан зиёд бошланғич бадал тўлаб берилди.

Амалга ошираётган ислоҳотларимиз жаҳон ҳамжамияти томонидан муносиб баҳоланмоқда. Хусусан, дунёдаги нуфузли нашрлардан бири – «Экономист» журнали Ўзбекистонни 2019 йилда ислоҳотларни энг жадал амалга оширган давлат – «Йил мамлакати» деб эътироф этди. Бундай баҳо барчамизга чексиз ғурур, ифтихор ва куч бағишлайди, янги марраларга руҳлантиради, десам, ўйлайманки, сизлар ҳам бу фикрни қўллаб-қувватлайсизлар.

Азиз ватандошлар!

Ўтган йили амалга оширган ишларимизни танқидий таҳлил қилиб, қуйидаги хулосаларни алоҳида таъкидлаб ўтмоқчиман.

Биринчидан, барча даражадаги раҳбарлар, эришилган дастлабки ижобий кўрсаткичларга маҳлиё бўлиб, хотиржамликка асло берилмаслиги керак.

Янги парламент ва ҳукуматнинг келгуси 5 йилдаги фаолиятининг пировард мақсади – Ўзбекистонда яшаётган кўп миллатли халқимиз ҳаётини юксалтиришдан иборат бўлиши шарт.

Шу муносабат билан депутатларимизга мурожаат қилиб, шуни айтмоқчиман: сайловолди учрашувларида аҳоли томонидан кўтарилган долзарб масалаларни ҳал этиш бўйича аниқ дастур ва «Йўл харитаси»ни ишлаб чиқиш ҳамда уларни мутасадди идоралар билан ҳамкорликда тўлиқ амалга ошириш зарур. Акс ҳолда, сизларга ишонч билдирган сайловчилар олдида депутатнинг обрўси бўлмайди, партиянинг мавқеи тушиб кетади. Чунки бугун халқимизнинг тафаккури ҳам, дунёқараши ҳам, талаб ва эҳтиёжлари ҳам бутунлай ўзгарган. Халқимиз ҳаммадан зийрак ва улуғдир.

Иккинчидан, бошқарув тизими сифатини оширишда **«Халқ давлат органларига эмас, балки давлат органлари халққа хизмат қилиши керак»** деган асосий тамойилни амалда тўлиқ таъминлаш бўйича ҳали кўп иш қилишимиз зарур.

Виртуал ва Халқ қабулхоналарига йилига 1 миллиондан зиёд мурожаат келиб тушаётгани халқ билан мулоқотни янги босқичга олиб чиқишни талаб этади.

Энди давлат идоралари раҳбарлари ва ҳокимларнинг ушбу мурожаатларни қай даражада ҳал этаётгани бўйича ҳисоботини парламент ва халқ депутатлари Кенгашларида мунтазам эшитиш тизими йўлга қўйилади.

Маҳаллий бюджетларнинг қўшимча даромадини тақсимлаш, нафақа олувчиларни адолатли белгилаш, ижро органлари раҳбарлари ишига баҳо бериш бундан буён Халқ қабулхоналарига келиб тушаётган мурожаатлар таҳлили асосида амалга оширилади.

Ҳар бир депутат Халқ қабулхоналари билан доимий ишлаб, ўз ҳудудида яшаётган аҳоли муаммоларини ечишда фаол иштирок этиши, одамларнинг дарду ташвишларини тинглаши керак. Шунда депутатлар ўз сайловчиларига берган ваъдалари устидан чиқади, халқнинг ишончини оқлайди, меҳрини қозонади. Шунда мен ҳам нафақат Президент, балки оддий сайловчи сифатида сизлардан жуда миннатдор бўлар эдим.

Учинчидан, биз Ўзбекистонни ривожланган мамлакатга айлантиришни мақсад қилиб қўйган эканмиз, бунга фақат жадал ислоҳотлар, илм-маърифат ва инновация билан эриша оламиз.

Бунинг учун, авваламбор, ташаббускор ислоҳотчи бўлиб майдонга чиқадиган, стратегик фикр юритадиган, билимли ва малакали янги авлод кадрларини тарбиялашимиз зарур. Шунинг учун ҳам боғчадан бошлаб олий ўқув юртигача – таълимнинг барча бўғинларини ислоҳ қилишни бошладик.

Нафақат ёшлар, балки бутун жамиятимиз аъзоларининг билими, савиясини ошириш учун аввало илм-маърифат, юксак маънавият керак. Илм йўқ жойда қолоқлик, жаҳолат ва албатта, тўғри йўлдан адашиш бўлади.

Шарқ донишмандлари айтганидек, **«Энг катта бойлик – бу ақл-заковат ва илм, энг катта мерос – бу яхши тарбия, энг катта қашшоқлик – бу билимсизликдир!»**

Шу сабабли ҳаммамиз учун замонавий билимларни ўзлаштириш, чинакам маърифат ва юксак маданият эгаси бўлиш узлуксиз ҳаётий эҳтиёжга айланиши керак.

Тараққиётга эришиш учун рақамли билимлар ва

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ОЛИЙ МАЖЛИСГА МУРОЖААТНОМАСИ

замонавий ахборот технологияларини эгаллашимиз зарур ва шарт. Бу бизга юксалишнинг энг қисқа йўлидан бориш имкониятини беради. Зеро, бугун дунёда барча соҳаларга ахборот технологиялари чуқур кириб бормоқда.

Юртимиз «Халқаро ахборот коммуникация технологияларини ривожлантириш индекси» бўйича 2019 йилда 8 поғонага кўтарилган бўлса-да, ҳали жуда ҳам орқадамиз. Аксарият вазирлик ва идоралар, корхоналар рақамли технологиялардан мутлақо йироқ, десак, бу ҳам ҳақиқат.

Албатта, рақамли иқтисодиётни шакллантириш керакли инфратузилма, кўп маблағ ва меҳнат ресурсларини талаб этишини жуда яхши биламиз. Бироқ қанчалик қийин бўлмасин, бу ишга бугун киришмасак, қачон киришамиз?! Эртага жуда кеч бўлади. Шу боис рақамли иқтисодиётга фаол ўтиш – келгуси 5 йилдаги энг устувор вазифаларимиздан бири бўлади.

Рақамли технологиялар нафақат маҳсулот ва хизматлар сифатини оширади, ортиқча харажатларни камайтиради, шу билан бирга, мени жуда қаттиқ ташвишга соладиган ва безовта қиладиган энг оғир иллат – коррупция балосини йўқотишда ҳам улар самарали воситадир. Буни барчамиз теран англаб олишимиз даркор.

Давлат ва жамият бошқаруви, ижтимоий соҳада ҳам рақамли технологияларни кенг жорий этиб, натижадорликни ошириш, бир сўз билан айтганда, одамлар турмушини кескин яхшилаш мумкин.

Қадрли юртдошлар!

Ҳурматли халқ ноиблари!

Мамлакатимизда илм-фанни янада равнақ топтириш, ёшларимизни чуқур билим, юксак маънавият ва маданият эгаси этиб тарбиялаш, рақобатбардош иқтисодиётни шакллантириш борасида бошлаган ишларимизни жадал давом эттириш ва янги, замонавий босқичга кўтариш мақсадида мен юртимизда 2020 йилга **«Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили»,** деб ном беришни таклиф этаман.

Биз 2020 йил номида белгиланган соҳаларни устувор даражада ривожлантириш ва ислоҳ этиш бўйича кенг кўламли ишларни амалга оширишимиз лозим. Хусусан, боғча ёшидаги болаларни мактабгача таълим билан қамраб олиш даражасини жорий йилда 60 фоизга етказишимиз зарур. Ушбу мақсадларга шу йилнинг ўзида бюджетдан қарийб 1,8 триллион сўм маблағ ажратилади.

Бу йилдан бошлаб, тарихимизда илк бора 6 ёшли болаларни мактабга тайёрлаш тизими жорий қилинади. Бунга бюджетдан 130 миллиард сўм ажратилиб, бу жараёнда хусусий мактабгача таълим муассасалари ҳам бевосита иштирок этади.

2020 йилда бюджетдан ажратиладиган 1,7 триллион сўм маблағ ҳисобидан 36 та янги мактаб қурилиб, 211 таси капитал таъмирланади. Шунингдек, 55 та хусусий мактаб ташкил этилиб, уларнинг сони 141 тага етказилади.

Педагогик маҳорат ва малака даражасига эга бўлган, ўз ишида аниқ натижаларга эришган ўқитувчиларга юқори маош тўлаш тизимини жорий этамиз.

Мактаб ўқув дастурларини илғор хорижий тажриба асосида такомиллаштириш, ўқув юкламалари ва фанларни қайта кўриб чиқиш, уларни халқаро стандартларга мослаштириш, дарслик ва адабиётлар сифатини ошириш зарур.

2021 йилги халқаро баҳолаш жараёнига тайёргарлик кўриш учун 348 та таянч мактаб белгиланиб, 6 мингдан ортиқ ўқитувчининг малакаси оширилади.

Жорий ўқув йилидан бошлаб мутлақо янги профессионал таълим тизими йўлга қўйилиб, 340 та касб-ҳунар мактаби, 147 та коллеж ва 143 та техникум ташкил этилади.

Кадрлар малакасини халқаро меҳнат бозори талабларига мослаштириш мақсадида миллий малака тизими ишлаб чиқилади. Ушбу тизим 9 мингга яқин касблар бўйича кадрлар тайёрлаш имконини беради.

Олий маълумот оламан, ўз устимда ишлаб, илмли бўламан, деган, юрагида ўти бор, жўшқин ёшларимизнинг таҳсил олиши учун ҳамма қулайликларни яратишимиз шарт. Шунинг учун мактаб битирувчиларини олий таълим билан қамраб олиш даражасини 2020 йилда камида 25 фоизга ва келгусида 50 – 60 фоизга етказамиз.

Бу борада шуни унутмаслик керакки, олий таълим қамровини ошириш тўлов контрактига боғлиқ бўлиб қолмаслиги зарур. Шуни ҳисобга олиб, олий ўқув юртларига талабалар қабул қилиш давлат грантларини 2 баробар кўпайтирамиз, десам, сизлар бу фикрга қандай қарайсиз?

Қизларимиз учун алоҳида грантлар ҳам ажратилади. Хотин-қизлар қўмитаси ушбу грантлар асосида ўқитишга номзодларни танлаш ва саралаш мезонларини ишлаб чиқиши керак.

Олий таълим муассасаларига кириш имтиҳонларини ҳам оптималлаштириш зарур. Биз бунда асосий эътиборни ўқишга кириш жараёнларини соддалаштиришга, олий ўқув юртларида чинакам билим ва тарбия олишга қаратишимиз зарур. Мисол учун, она тили бўйича билимни баҳолашнинг миллий тест тизимини яратиш лозим. Ёшлар исталган вақтда имтиҳон топшириб, тегишли гувоҳнома олса, олий ўқув юртига ўқишга кираётган пайтда она тили бўйича қайта синовдан ўтишга ҳеч қандай эҳтиёж қолмайди.

Олий таълим стандартлари хорижий тажриба асосида такомиллаштирилади, таълим йўналишлари ва ўқитиладиган фанлар қайта кўриб чиқилади. Мутахассисликка алоқаси бўлмаган фанлар сони 2 баробар қисқартирилади.

Олий таълимда ўқув жараёнини кредит-модуль тизимига ўтказиш талаб этилади. Жорий йилдан педагогик таълимнинг 6 та йўналиши бўйича ўқиш муддати 3 йил қилиб белгиланади.

Бу ишларни бошқа йўналишларда ҳам давом эттирамиз.

Олий ўқув юртларига босқичма-босқич академик ва молиявий мустақиллик берилади. Жорий йилда уларнинг 10 таси ўзини ўзи молиявий таъминлашга ўтади. Бундан ташқари, камида 5 та олий таълим муассасасини конкурс асосида танлаб, нуфузли хорижий олий таълим даргоҳлари билан ҳамкорликда уларни трансформация қилишни бошлаймиз.

Мамлакатимиз учун илм-фан соҳасидаги устувор йўналишларни аниқ белгилаб олишимиз керак. Ҳеч бир давлат илм-фаннинг барча соҳаларини бир йўла тараққий эттира олмайди. Шунинг учун биз ҳам ҳар йили илм-фаннинг бир нечта устувор йўналишини ривожлантириш тарафдоримиз.

Жорий йилда математика, кимё-биология, геология каби йўналишларда фундаментал ва амалий тадқиқотлар фаоллаштирилиб, олимларга барча шарт-шароитлар яратиб берилади. Шунингдек, илм-фан соҳасида фундаментал ва инновацион тадқиқотлар учун мақсадли грант маблағларини ажратиш механизмини тубдан қайта кўриб чиқиш керак.

Илм-фан ютуқларининг электрон платформаси, маҳаллий ва хорижий илмий ишланмалар базасини шакллантириш лозим. Ҳар бир олий таълим ва илмий-тадқиқот даргоҳи нуфузли чет эл университетлари ва илмий марказлари билан ҳамкорликни йўлга қўйиши шарт.

Жорий йилда «Эл-юрт умиди» жамғармаси томонидан 700 дан зиёд олимлар, профессор-ўқитувчилар чет элга илмий изланиш ва малака ошириш учун юборилади.

Келгусида грантлар миқдорини 2 баробар кўпайтириш ва тадқиқот йўналишлари кўламини кенгайтириш лозим. Жорий йилда рақамли иқтисодиётни ривожлантириш бўйича туб бурилиш қилишимиз керак.

Биринчи навбатда, қурилиш, энергетика, қишлоқ ва сув хўжалиги, транспорт, геология, кадастр, соғлиқни сақлаш, таълим, архив соҳаларини тўлиқ рақамлаштириш лозим. Шунингдек, «Электрон ҳукумат» тизимини, амалга оширилаётган дастурлар ва лойиҳаларни танқидий қайта кўриб чиқиб, барча ташкилий ва институционал масалаларни комплекс ҳал этиш зарур.

Тошкент шаҳрида замонавий инфратузилмага эга бўлган «IT-парк» барпо этилмоқда. У ҳозирданоқ ўзининг дастлабки натижаларини бера бошлади. Бундай «IT-парк»лар Нукус, Бухоро, Наманган, Самарқанд, Гулистон ва Урганч шаҳарларида ҳам ташкил этилади.

Соҳа учун юқори малакали мутахассислар тайёрлаш мақсадида хорижий ҳамкорларимиз билан биргаликда «1 миллион дастурчи» лойиҳасини амалга ошириш бошланди.

Шунингдек, таълимнинг барча босқичларида халқаро андозаларга тўлиқ жавоб берадиган ахборот технологиялари жорий этилиши шарт.

Ўтган йили барча шаҳар ва туман марказларини юқори тезликдаги интернетга улаш ишлари якунланганини ҳисобга олиб, яқин 2 йилда барча қишлоқ ва маҳаллаларни ана шундай тезкор интернет билан таъминлашимиз керак.

Ҳозирги кунгача 7 мингдан ортиқ соғлиқни сақлаш, мактабгача таълим муассасалари ва мактаблар юқори тезликдаги интернетга уланган бўлса, кейинги 2 йилда яна 12 мингта муассаса тезкор интернетга уланади. Бу вазифаларни кўзда тутган ҳолда, **«Рақамли Ўзбекистон – 2030» дастурини** ишлаб чиқишни икки ой муддатда якунлаш лозим.

Келгусида бу ишларни тизимли ташкил этишга бош-қош бўлиши учун ҳукуматда – Бош вазир ўринбосари, вазирлик ва идораларда ҳамда ҳокимликларда эса – алоҳида ўринбосар лавозимлари жорий этилади.

Парламент илм-маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш борасида амалга оширилаётган ишлар тўғрисида ҳукумат, тармоқ ва ҳудудлар раҳбарларининг ҳисоботини мунтазам эшитиб бориши лозим.

Ҳурматли парламент аъзолари!

Энди 2020 йил ва кейинги йилларда иқтисодиёт соҳасида амалга ошириш зарур бўлган дастурий ва мақсадли вазифаларга тўхталиб ўтишга ижозат бергайсиз.

Биринчидан, 2020 йилда макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш ва инфляцияни жиловлаш – иқтисодий ислоҳотлар жараёнидаги бош вазифамиздир.

Биз шу йилдан бошлаб инфляциявий таргетлаш тизимини жорий қилишга ўтдик. Бу борада Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Марказий банк, Молия вазирлиги иқтисодий ўсиш билан инфляция ўртасида мувозанатни таъминлаши, ташқи хавф-хатарларни ҳисобга олиши зарур.

Давлат томонидан 37 турдаги маҳсулот ва хизматлар нархининг тартибга солинаётгани эркин рақобатга салбий таъсир қилмоқда. Шуни ҳисобга олиб, энди асосий эътиборни нархларни белгилашга эмас, балки корхоналар ўртасида соғлом рақобатни таъминлаш орқали нархларни пасайтиришга ва сифатни оширишга қаратишимиз керак.

Халқаро тажрибани ўрганиб, рақобатни олиб кириш мумкин бўлган монополия соҳаларига хусусий сектор учун йўл очиш ва шу орқали рақобат муҳитини шакллантириш лозим. Бу борада табиий монополия ва рақобат тўғрисидаги қонунларни янгилаш ҳамда Иқтисодиётда рақобат муҳитини шакллантириш стратегиясини ишлаб чиқиш талаб этилади.

Истеъмол бозорида озиқ-овқат маҳсулотлари нархи барқарорлигини таъминлашнинг ягона йўли – мева-сабзавот, чорвачилик ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари етиштириш ҳажмини кўпайтириш ҳамда «даладан дўконгача» бўлган узлуксиз занжирни яратишдир. Ҳукумат барча даражадаги ҳокимликлар билан ушбу вазифа ижросини тўлиқ таъминлаши керак.

Бюджет маблағларининг мақсадли ва оқилона сарфланиши устидан назоратни янада кучайтириш зарур.

Жорий йилда давлат ташқи қарзининг юқори чегарасини белгиладик. Бундан буён халқаро молия ташкилотларидан олинадиган маблағларни қайтариш имконияти ва уларнинг натижадорлигига жиддий эътибор қаратилади.

Вазирлар Маҳкамаси уч ой муддатда халқаро экспертларни жалб этган ҳолда, «Давлат молиявий назорати тўғрисида» ва «Давлат қарзи тўғрисида»ги қонунлар лойиҳаларини ишлаб чиқсин.

Ислоҳотларимизга жиддий тўсқинлик қилаётган «яширин иқтисодиёт»га барҳам берилмас экан, соғлом рақобат ҳам, қулай инвестиция муҳити ҳам шакллланмайди.

Вазирлар Маҳкамаси икки ой муддатда, хорижий мутахассисларни жалб этган ҳолда, «яширин иқтисодиёт»нинг вужудга келиш омилларини чуқур таҳлил қилиб, унга қарши курашиш дастурини тасдиқласин.

Шунингдек, «яширин иқтисодиёт» улуши юқори бўлган алкоголь ва тамаки бозорини тартибга солиш учун товарларни рақамли маркировка қилиш тизимини жорий этиш ишлари бошланди. Бу тизим келгусида фармацевтика маҳсулотлари учун ҳам қўлланилади. Вазирлар Маҳкамаси қиймати 200 миллион доллар бўлган, тўғридан-тўғри инвестициялар ҳисобидан амалга оширилаётган ушбу «рақамли маркировка ва онлайн касса» лойиҳасини алоҳида назоратга олсин.

Иккинчидан, иқтисодиётни юқори суръатлар билан ривожлантириш учун фаол инвестиция сиёсатини изчил давом эттириш зарур.

Жорий йилда 23 миллиард долларлик инвестициялар ўзлаштирилади ҳамда 206 та янги йирик қувватлар ишга туширилади. Жумладан, Шўртан газ-кимё комплексида синтетик суюқ ёқилғи, «Навоийазот» акциядорлик жамиятида азот кислотаси, аммиак ва карбамид ишлаб чиқариш қувватлари барпо этилади. Янги Тошкент металлургия заводи, Тошкент метросининг Сирғали тармоғи, ер усти ҳалқа йўлининг биринчи босқичи ишга туширилади.

2020 йилда ўзлаштириладиган инвестицияларнинг салмоқли қисми тўғридан-тўғри хорижий сармоялар ва кредитлар бўлишини алоҳида қайд этмоқчиман. Инвесторларни қўллаб-қувватлаш мақсадида уларга солиқларни бўлиб-бўлиб тўлаш,

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ОЛИЙ МАЖЛИСГА МУРОЖААТНОМАСИ

инфратузилма яратиш харажатларини қисман давлат томонидан қоплаш механизмлари жорий этилмоқда.

Шунингдек, фойда солиғини ҳисоблашда янги технологик ускуналар харид қилиш, янги объектларни қуриш ва модернизация қилиш харажатлари бўйича чегирмалар кенгайтирилди.

Мавжуд 3 мингга яқин давлат иштирокидаги корхоналарни хатловдан ўтказиб, хусусий сектор ва рақобат ривожланган йўналишлардаги корхоналарда давлат иштирокини кескин камайтириш чораларини кўриш керак.

Навоий ва Олмалиқ тоғ-кон металлургия комбинатлари каби йирик саноат корхоналарида янги инвестицион лойиҳаларни амалга ошириш билан бирга, ушбу корхоналарни халқаро молия бозорининг тўлақонли иштирокчисига айлантириш лозим. Бунинг учун 2020 йилда халқаро стандартлар асосида молиявий ҳисоботларни тузиш, захираларни қайта ҳисоблаш, корпоратив ошкораликни татбиқ этиш каби ишларни якунлаш зарур.

Нефть-газ соҳасидаги давлат корхоналарини бошқаришга хорижий экспертларни жалб этиб, уларнинг самарадорлигини ошириш ва харажатларини оптималлаштириш, қарз миқдорини камайтиришга эришиш лозим.

Вазирлар Маҳкамаси ана шу вазифаларни тўлиқ ҳисобга олиб, икки ой муддатда Давлат иштирокидаги корхоналарга эгалик қилиш, уларни бошқариш ва ислоҳ этиш стратегиясини ишлаб чиқсин.

Хорижий инвесторларни фаол жалб этиш мақсадида жорий йил март ойида Тошкент халқаро инвестиция форумини юқори савияда ўтказиш зарур.

Инвестиция жалб этишнинг самарали воситаларидан бири бўлган давлат-хусусий шериклик механизмларини транспорт, энергетика, йўл, коммунал, тиббиёт, таълим каби соҳаларга кенг татбиқ этиш керак.

Ҳозирги вақтда қурилиш соҳаси иқтисодиётнинг муҳим «драйвер»ларидан бирига айланди. Бу соҳанинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 6 фоиздан ошгани ҳам бу фикрни яққол тасдиқлаб турибди. Ушбу тармоқни янада ривожлантириш учун қурилишга оид нормаларни халқаро стандартлар билан уйғунлаштириш, замонавий қурилиш технологиялари ва материалларини татбиқ этиш, соҳа учун кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан ислоҳ қилиш зарур. Шунингдек, тендерлар ўтказишнинг аниқ мезонларини ишлаб чиқиш ва соҳада ахборот технологияларини кенг жорий этиш керак.

Вазирлар Маҳкамаси икки ой муддатда қурилиш соҳасини 2025 йилга қадар ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқсин.

Учинчидан, банк тизимини ривожлантириш учун бу йил кескин чоралар кўришимиз лозим.

Афсуски, банк тизими рақамли технологияларни қўллаш, янги банк маҳсулотларини жорий этиш ва дастурий таъминотлар бўйича замон талабларидан 10 – 15 йил орқада қолмоқда.

2020 йилдан бошлаб ҳар бир банкда кенг кўламли трансформация дастури амалга оширилади. Бу борада банкларимизнинг капитал, ресурс базаси ва даромадларини ошириш алоҳида эътиборимиз марказида бўлади.

Банк тизимида тадбиркорларни қўллаб-қувватлайдиган «лойиҳалар фабрикаси» фаолиятини йўлга қўйишимиз лозим.

Банкларимиз халқаро молия бозорларига чиқиб, арзон ва узоқ муддатли ресурслар олиб келиши зарур. Миллий банк ва Ипотека банк бу йил ўз евробондларини чиқариши мақсадга мувофиқдир.

Давлат улушига эга бўлган банклар босқичма-босқич стратегик инвесторларга сотилади.

Банк соҳасидаги ислоҳотларнинг асосий мақсади – тижорат банкларини мижоз учун ишлашга ўргатишдан иборат.

Соҳа учун замонавий кадрлар тайёрлаш мақсадида Банк-молия академияси хорижий мутахассислар билан биргаликда тўлиқ қайта ташкил этилади. Шунингдек, давлат банкларида замонавий банк амалиёти, менежменти ва хизматларини жорий этиш учун раҳбарлик лавозимларига хорижий етакчи молия институтларининг малакали мутахассисларини жалб этиш бошланди ва бу жараён изчил давом этади.

Банкларда ахборот технологияларини кенг татбиқ этиш орқали уларнинг дастурий таъминотини тубдан янгилаш лозим. Шу йил 1 июлга қадар «кредит тарихи» ахборот тизимини тўлиқ ишга тушириш зарур.

Аҳолида банк тизимига нисбатан ишончни шакллантириш ва банклар фаолиятига четдан аралашишга чек қўйиш керак.

Тўртинчидан, барқарор иқтисодий ўсишнинг энг муҳим гарови – рақобатдош маҳсулотлар ишлаб чиқариш, улар учун янги халқаро бозорлар топиш ва экспортни кўпайтириш, транзит салоҳиятидан тўлиқ фойдаланиш ҳисобланади.

Бу йил экспортёрларга кафиллик берадиган ва харажатларнинг бир қисмини қоплайдиган – Экспортни қўллаб-қувватлаш жамғармаси ҳамда экспортни олдиндан молиялаштириш учун – Экспорт-кредит агентлиги ташкил этилади. Шунингдек, экспорт қилишда замонавий суғурта хизматлари йўлга қўйилади, автомобиль ва ҳаво транспорти харажатларини қисман давлат томонидан қоплаб бериш механизми жорий қилинади.

Ташқи савдо билан боғлиқ назорат тизими ва инфратузилмани яхшилаш зарур. Жумладан, хорижий тажрибадан келиб чиқиб, божхона постларида назоратни амалга оширадиган божхона, санитария, карантин, ветеринария ва бошқа идоралар фаолиятини ислоҳ қилиш лозим.

2020 йилда 3 мингга яқин стандартларни қабул қилиш, уларнинг сонини 10 мингтага ва халқаро стандартлар билан уйғунлашиш даражасини 40 фоизга етказиш даркор. Андижон, Термиз ва Қўнғирот туманларида эркин савдо зоналарини ташкил этиб, улар орқали чегараолди савдосини ривожлантириш зарур.

Харидоргир маҳсулотлар турларини аниқлаш, уларга бозор топиш ва сотиш билан хусусий трейдинг компаниялари шуғулланиши, бунинг учун эса, савдо фаолиятини тартибга соладиган қонун лойиҳалари тўпламини ишлаб чиқиш лозим. Бу ташқи савдо билан бир қаторда, ички бозорга ҳам тегишли.

Вазирлар Маҳкамаси бир ой муддатда ташқи иқтисодий фаолиятни тартибга солиш концепциясини ишлаб чиқсин ҳамда ана шу вазифалар ижросини таъминлаш бўйича тегишли қарорларни тайёрласин.

Маҳсулотларимизни ички ва ташқи бозорларга етказиш, уларнинг таннархини тушириш учун транспорт-логистика соҳасини ривожлантиришимиз зарур.

Темир йўл соҳасида йўловчи ва юк ташиш, эксплуатация ва хизмат кўрсатишни бир-биридан ажратиш, яъни табиий монополия қисмини алоҳида, хусусий секторни жалб қилиш мумкин бўлган йўналишларни алоҳида ривожлантириш лозим.

Халқаро экспертларнинг хулосасига кўра, инфратузилмани яхшилаш, мослашувчан тарифлар қўллаш ва янги истиқболли йўналишларни шакллантириш ҳисобидан бизда транзит салоҳиятини ҳозирги 7 миллион тоннадан 16 миллион тоннага етказиш имконияти мавжуд.

Яна бир муҳим масалага эътиборингизни қаратмоқчиман. Аҳоли даромадларини ошириш, қўшимча иш ўринлари яратиш, маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш учун бизга янги-янги бозорлар керак. Бунинг учун бозор иқтисодиёти ва давр талабларига мос кўплаб қонун ва қарорларни қабул қиляпмиз. Лекин, афсуски, уларни ижро этадиган кўпгина амалдорлар ҳали ҳам эскича иш услуби, расмиятчилик ва бефарқликдан қутулгани йўқ.

Очиқ бозор маҳсулот сифатини ошириш, таннархни пасайтириш, янги технологиялар олиб келишга мажбур қилади, бозор ислоҳотларини жадал ривожлантиради. Содда қилиб айтсак, жаҳон ишлаб чиқариш тизимига, дунё бозори талабларига ва иқтисодий интеграция жараёнларига ҳамоҳанг бўлишимиз лозим. Мулоқот ва рақобатга тайёр бўлиш учун тармоқ раҳбарлари ўз устида тинимсиз ишлаши шарт.

Мана, нима учун бизга иқтисодий интеграция керак!

Бизнинг ташқи савдога чиқадиган юкларимизнинг 80 фоизи Қозоғистон, Қирғизистон ва Россиянинг транзит йўналклари орқали ўтади. Шунингдек, тайёр маҳсулотларимиз экспортининг 50 фоизи, айрим товарлар бўйича эса 80 фоизи Россия, Қозоғистон, Қирғизистон ҳиссасига тўғри келади.

Ана шу омилларни инобатга олиб ҳамда Россия ва Қозоғистонга ишлаш учун борган фуқароларимизга қулай шарт-шароит яратиш мақсадида бугунги кунда Ўзбекистоннинг Евроосиё иқтисодий иттифоқи билан ҳамкорлик қилиш билан боғлиқ масалалар ўрганилмоқда. Биз, албатта, ушбу жиддий масалада, энг аввало, халқимизнинг манфаатларидан келиб чиқиб, унинг хоҳиш-иродасига таянамиз.

Шунинг учун халқ вакиллари бўлган депутат ва сенаторларимиз парламент палаталарида мазкур масалани атрофлича муҳокама қилиб, ўз зиммаларига масъулиятни олган ҳолда, асосланган хулосаларини айтишлари керак.

Вазирлар Маҳкамаси ушбу йўналишдаги таҳлилий ва комплекс баҳолаш ишларини якунлаб, тегишли хулоса ва таклифларни Олий Мажлис палаталарига тақдим этсин.

Шу билан бирга, биз Жаҳон савдо ташкилоти билан бошланган мулоқотимизни ҳамда Европа Иттифоқи билан Ҳамкорлик ва шериклик тўғрисидаги янги битимни тузиш бўйича ишларни изчил давом эттирамиз. Шунингдек, биз бошқа халқаро ва минтақавий иқтисодий ташкилотлардаги иштирокимизни янада кучайтирамиз.

Бешинчидан, саноат тармоқларини узлуксиз хом ашё ва замонавий инфратузилма билан таъминлаш зарур.

Иқтисодиётнинг қатор муҳим тармоқлари, жумладан, кимё, нефть ва газ, энергетика, электротехника, қурилиш материаллари, заргарлик саноатини хом ашё билан таъминлаш учун, аввало, геология-қидирув соҳасини тубдан ривожлантириш лозим. Шуни ҳисобга олиб, жорий йилда истиқболли конларни аниқлаш ва мавжуд захираларни кўпайтириш учун бюджетдан 2 триллион сўм маблағ ажратилмоқда.

Давлат геология қўмитаси олдига ушбу маблағларни самарали ишлатиш орқали шу йилда янги истиқболли майдонлар ва конларни аниқлашни 35 фоизга, келгуси йилда эса 40 фоизга ошириш вазифаси қўйилади.

Давлат геология қўмитаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги билан бирга камида 20 та кон бўйича тайёр лойиҳалар тўпламини шакллантириб, салоҳиятли инвесторларга таклиф этиши лозим. Шунингдек, қўмита углеводородлар ва уларнинг захиралари бўйича ҳисоб-китоб юритиш, тоифага ажратиш ва бошқаришнинг халқаро тизимини амалиётга жорий этиши керак.

Иқтисодий юксалишни таъминлаш учун барча қулайликларга эга бўлган замонавий инфратузилма барпо этиш ниҳоятда зарур.

Биз кейинги 3 йилда йўл қурилишига – 9,8 триллион сўм, сув тармоқларига – 4,6 триллион сўм, электр тармоқларига – 18,2 триллион сўм, табиий газ таъминотига – 1,2 триллион сўм маблағ ажратдик. Бу рақамлар ушбу тармоқлар учун сўнгги 10 йилда сарфланган маблағлардан бир неча баробар кўпдир. Лекин, шунга қарамасдан, замонавий инфратузилма яратиш, мавжуд тизимни модернизация қилиш учун бундан бир неча ўн баробар кўп маблағ талаб этилади.

Қанчалик қийин бўлмасин, биз ҳар йили Инвестиция дастури доирасида катта маблағ ажратиб, бу йўналишдаги ишларни, албатта, жадал давом эттирамиз. Бунга қўшимча равишда республика ва маҳаллий бюджетларнинг прогноздан юқори тушумларининг ярмини инфратузилма объектларини ривожлантиришга йўналтириш – Молия вазирлиги ва ҳокимлар учун жорий йилдаги асосий вазифалардан бири бўлиши керак.

Қонунчилик палатаси Ҳисоб палатасини жалб этган ҳолда, ушбу маблағларнинг мақсадли ва самарали ишлатилишини жойларга чиқиб, мунтазам равишда ўрганиб бориши мақсадга мувофиқдир.

Олтинчидан, бизнес муҳитини янада яхшилаш биз учун энг муҳим масалалардан бири бўлиб қолади.

Жаҳон банкининг «Бизнес юритиш» рейтингида энг яхши 50 та мамлакат қаторига кириш бўйича барча ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирларни қабул қилдик. Ҳукумат ушбу тадбирларнинг амалий ижросини самарали ташкил этиши зарур.

Яқинда қабул қилинган янги Солиқ кодексига мувофиқ, бу йилдан бошлаб кўплаб янгиликлар амалиётга жорий этилмоқда. Жумладан, солиқ турлари 13 тадан 9 тага камайтирилди. Солиқларни тўлаш муддатини узайтириш ёки бўлиб-бўлиб тўлашга рухсат бериш бўйича енгиллаштирилган механизмлар киритилди.

Биринчи марта тадбиркорларга ички бозорда сотган маҳсулоти бўйича қўшилган қиймат солиғининг бир қисмини қайтариш тартиби жорий этилмоқда. Ҳозиргача бу тартиб фақат маҳсулот экспорт қилинганда қўлланар эди. Бунинг ҳисобидан тадбиркорлар ихтиёрида 3,4 триллион сўм ёки ўтган йилга нисбатан 2,5 баробар кўп маблағ қолади.

Энди тадбиркор томонидан тўланган ортиқча солиқ ўз муддатида қайтарилмаса, унга Марказий банкнинг асосий ставкаси бўйича бюджетдан фоиз тўланади. Бунинг аҳамиятини мана шу залда ўтирган ва «ойнаи жаҳон» орқали менинг сўзларимни эшитаётган тадбиркорлар, ўйлайманки, ҳаммадан кўра яхши тушунади.

Солиқ кодекси нормаларини ҳар бир солиқ ходими, тадбиркорлар ва солиқ тўловчилар пухта ўзлаштириши, бунинг учун уларни мунтазам равишда ўқитиш зарур.

Солиқ хизмати ходимлари дунёқарашини тубдан ўзгартириш ва малакали кадрларни тайёрлаш мақсадида Давлат солиқ қўмитаси қошида Фискал институтини ташкил этишни таклиф қиламан. Бу жа-

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ОЛИЙ МАЖЛИСГА МУРОЖААТНОМАСИ

раёнга катта тажрибага эга бўлган нуфузли хорижий экспертларни жалб этиш зарур.

Шу билан бирга, тадбиркорларни кўп қийнайдиган соҳа – лицензиялаш ва рухсатномалар бериш тартибларини жиддий ўзгартирамиз. Очиқ айтиш керак, мавжуд 280 га яқин лицензия ва рухсатномалар орасида фаолият турлари ҳисобини юритиш, маблағ ундириш ёки шунчаки назорат қилиш учун жорий қилинганлари ҳам бор. Бу эса тадбиркорларнинг ҳақли эътирозларига сабаб бўлмоқда.

Шу сабабли Адлия вазирлиги, Савдо-саноат палатаси, Бизнес-омбудсман 2020 йил 1 мартга қадар лицензия ва рухсатномалар бериш асосларини тубдан қайта кўриб чиқиб, уларнинг сонини камида 2 баробар қисқартириш бўйича аниқ таклиф киритсин. Шунингдек, «Кичик ва ўрта бизнес тўғрисида»ги қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш зарур. Унда кичик ва ўрта бизнес мезонлари ҳамда бу соҳа вакилларини рағбатлантириш механизмлари назарда тутилиши керак.

Бу йил ҳар бир ҳудудда тадбиркорларга ер участкаларига оид маълумотларни очиқ ва ҳаққоний етказиш бўйича янги тизим жорий этамиз. Унга кўра, тадбиркорнинг фаолият юритиши учун зарур бўлган бўш ер майдонлари, бино ва иншоотлар, уларнинг қиймати ва шартлари ҳақидаги тўлиқ харитани исталган вақт ва ҳудудда онлайн тартибида олиш имконияти яратилади.

Хабарингиз бор, бундан 2 йил олдин корхоналарнинг молия-хўжалик фаолиятини текширишга нисбатан эълон қилинган мораторийнинг муддати тугади. Лекин, бу яна эски усулда ёппасига текшир-текширларни бошлаб юбориш мумкин, дегани эмас.

Бу кимгадир ёқадими-йўқми, биз бунга йўл қўймаймиз. Барча назорат идоралари раҳбарлари шуни қулоғига яхшилаб қуйиб олсин.

2020 йилнинг биринчи чорагида, илғор тажрибалар асосида, барча даражадаги назорат қилувчи идораларда янги замонавий тизим жорий этилиши шарт. Ана шу тизим орқали ҳар бир корхона ва тадбиркор бўйича алоҳида-алоҳида иш олиб бориб, уларнинг қонуний фаолият юритишини таъминлаш, текширишни эса энг сўнгги фавқулодда чора сифатида адолатли ўтказиш лозим. Мазкур масала юзасидан, назорат идораларининг раҳбарлари парламент олдида ҳар чоракда шахсан ҳисобот бериб боради.

Банкротлик борасидаги ҳозирги тартиб-тамойиллар корхоналарни тугатиш ва мол-мулкдан тушган маблағлар ҳисобидан қарзларни қоплашни назарда тутади. Шунинг учун сўнгги 3 йилда атиги 3 та корхонада санация қўлланган, холос. Энди бундай қоидадан бутунлай воз кечиб, тўловга қобилиятсиз корхоналарни энг илғор хорижий тажриба асосида соғломлаштириш бўйича янги тизим жорий этамиз.

Тадбиркорларнинг ҳуқуқларини таъминлашда Олий Мажлиснинг иккала палатаси ҳам таъсирчан парламент назоратини йўлга қўйиши зарур.

Тадбиркорлик соҳасида ижтимоий хавфи катта бўлмаган айрим жиноят турларини жиноят тоифасидан чиқариш сиёсатини изчил давом эттиришимиз лозим. Жумладан, сохта тадбиркорлик, рақобатчининг обрўсини туширишкаби қилмишлар учун жиноий жавобгарлик бекор қилинади. Шунингдек, божхона қонун ҳужжатларини бузиш билан боғлиқ жиноятни биринчи марта содир этган, лекин тўловларни тўлаган шахсларни жиноий жавобгарликдан озод қилиш керак.

Юридик шахс бўлган тадбиркорлик субъекти аъзоларига «жиноий уюшма» деган айблов қўйиб, уларга оғир жазо тайинлаш каби аллақачон умрини ўтаб бўлган тартибларни бекор қилиш вақти етди. Бунинг оқибатида юзлаб тадбиркорлар қанчадан-қанча азият чекиб, моддий зарар кўраётганларини инобатга олсак, бу ўзгаришларнинг қандай катта аҳамиятга эга экани яққол аён бўлади.

Олий суд, Бош прокуратура, Бизнес-омбудсман, Савдо-саноат палатаси, Адлия вазирлиги 2020 йил 1 апрелгача ана шу масалалар бўйича тегишли қонун лойиҳасини пухта ишлаб чиқиши лозим.

Еттинчидан, иқтисодиётимиз ривожини, аҳоли бандлиги ва даромадлари ўсишини таъминлайдиган энг муҳим соҳалардан бири бўлган қишлоқ хўжалигини стратегик ёндашувлар асосида тараққий эттириш зарур.

Тармоқдаги ҳозирги ўсиш суръатлари бизни мутлақо қониқтирмайди. Бу борада бозор механизмларини кенг жорий этиб, фермер ва деҳқонлар манфаатдорлигини оширмас эканмиз, биз кутган сезиларли ўзгариш бўлмайди. Шу боис **пахта ва ғалла етиштиришга давлат буюртмасини бекор қилиб, ушбу маҳсулотларни бозор тамойиллари асосида харид қилиш тизимига босқичма-босқич ўтамиз. Агар бу йўлдан бормасак, фермер ва деҳқонларимиз маҳсулот етиштиришда эркин бўлмайди, улар ўзлари кутганларидек манфаат кўрмайди, ҳокимларнинг эса иш услуби ўзгармайди.**

Қишлоқ хўжалигини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш жамғармасини ислоҳ қилиб, аграр соҳанинг бошқа тармоқларига ҳам арзон кредитлар ажратиш йўлга қўйилади.

Келгусида Қишлоқ хўжалиги вазирлиги соҳа корхоналарига кўрсатма бериш, ресурсларни тақсимлаш, режа белгилаш каби эски иш усулларидан мутлақо воз кечиши зарур. Бунинг ўрнига вазирлик сервис ташкилотига айланиши, хусусий агросаноат ташкилотларига ер ҳолатини аниқлаш, экин турлари ва уруғни тўғри танлаш, зараркунандаларга қарши курашиш, молиявий кўмаклашиш, маҳсулот бозорини топиш бўйича хизмат кўрсатиши керак.

Аграр тармоқда фермерлик ҳаракатини қўллаб-қувватлаш билан бирга, пахта ва ғалла етиштиришни кластер шаклига босқичма-босқич ўтказиш бўйича изланишларимизни давом эттирамиз.

Мева-сабзавот, шоличилик, чорвачилик, ипакчилик каби бошқа тармоқларда ҳам бугунги кун талабига жавоб берадиган кластерларни ташкил этиш ишларини давом эттирамиз.

Бу йил 2 миллиард долларлик, кейинги 5 – 7 йилда эса 3-4 баробар кўп мева-сабзавот маҳсулотларини экспорт қилиш учун маҳсулот етиштиришни кескин кўпайтириш чораларини кўриш зарур.

Парламентимиз ушбу ислоҳотларимизнинг ҳуқуқий асоси бўлган «Кооперация ва кластерлар тўғрисида»ги янги қонунни тезроқ қабул қилса, ушбу катта режа ва ниятларимизга мос иш бўлур эди.

Бу йил мева-сабзавотчилик, узумчилик, уруғчилик, чорвачилик, агро-логистикани ривожлантириш, сувни тежайдиган технологияларни кенг жорий этиш, илмий-тадқиқот ишлари, соҳа учун малакали кадрларни тайёрлашга 3 триллион сўм маблағ йўналтирамиз. Чорвачилик, қоракўлчилик, балиқчилик, паррандачилик каби соҳаларда наслчиликка алоҳида эътибор қаратилиб, уни давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг янги механизмлари татбиқ этилади.

2020 йилда 44 минг гектар ерда ёки ўтган йилга нисбатан қарийб 4 баробар кўп майдонда сувни тежайдиган технологияларни жорий этамиз. Бунинг учун Давлат бюджетидан 300 миллиард сўм субсидия ажратилади. Шунингдек, сув хўжалиги объектларини бошқариш жараёнларини, сувни назорат қилиш ва унинг ҳисобини юритиш тизимини автоматлаштириш зарур.

Ушбу масалалар Сув хўжалигини ривожлантириш концепциясида ўз аксини топиши керак. Вазирлар Маҳкамаси жорий йил 1 апрелга қадар ана шу концепция лойиҳасини тасдиқлаш учун киритсин.

Саккизинчидан, туризмни иқтисодиётнинг стратегик тармоғига айлантириш биз учун устувор вазифа бўлиб қолади.

Ҳукумат олдидаги энг муҳим вазифалардан бири – жорий йилда юртимизга келадиган туристлар сонини 7,5 миллионга етказишдан иборат.

Маълумки, қатор нуфузли хорижий оммавий ахборот воситалари 2020 йилда Ўзбекистонни саёҳатга албатта бориш тавсия этилган мамлакатлар қаторига киритди. Биз бундай имкониятдан унумли фойдаланишимиз керак.

Катта салоҳиятга эга бўлган зиёрат ва тиббиёт туризмини ҳам жадал ривожлантириш зарур.

Юртимизда 8 минг 200 дан зиёд маданий мерос объекти мавжуд бўлиб, туризм маршрутларига уларнинг атиги 500 таси киритилган.

Ҳукумат уч ой муддатда зиёрат ва анъанавий туризмни ривожлантириш мумкин бўлган маршрутлардаги объектлар сонини 800 тага етказиш бўйича чора-тадбирларни белгиласин.

Яна бир вазифа – ЮНЕСКОнинг Умумжаҳон моддий маданий мероси ва Номоддий маданий мероси рўйхатига Ўзбекистондаги янги объектларни киритишни тезлаштириш лозим.

Жорий йилда янги замонавий меҳмонхоналарни қуришга Давлат бюджетидан 200 миллиард сўм субсидия ажратиб, туризм инфратузилмасини жадал ривожлантириш зарур.

Тўққизинчидан, урбанизация жараёнларини жадаллаштирган ҳолда, ҳудудларни комплекс ривожлантириш, аҳоли учун муносиб турмуш шароитини яратиш керак.

Ана шу ишлар доирасида 7 та йирик шаҳар – Андижон, Бухоро, Самарқанд, Қарши, Фарғона, Наманган, Нукусга туташ бўлган 12 та йўлдош шаҳарча танлаб олиниб, уларни ривожлантириш юзасидан комплекс чора-тадбирлар ишлаб чиқилади.

Ана шу вазифа билан боғлиқ яна бир масала шуки, асосий ишчи кучи яшайдиган ва иш ўринлари яратилаётган ҳудудларимиз ўртасида тафовут мавжуд. Бунинг ечими – ички миграцияни эркинлаштиришдан иборат.

Шу боис парламент ва ҳукумат 2020 йил 1 апрелга қадар прописка тизимини ислоҳ қилиш бўйича халқаро тажрибани ўрганиб, аниқ таклифларни ишлаб чиқиши лозим.

Уй-жой қурилишига хусусий секторни фаол жалб қилмасдан туриб, аҳолининг уй-жойга бўлган талабини тўлиқ таъминлаш мумкин эмас. Шу сабабли янги ипотека тизими жорий этилмоқда.

Бу борада вилоятлардаги шаҳарлар ва Тошкент шаҳрида 18 мингга яқин ҳамда қишлоқларда 4 мингта уй-жой хусусий сектор томонидан қурилади. Давлат, банклар ўртасида соғлом рақобатни таъминлаш мақсадида уларга қарийб 4 триллион сўм маблағларни аукционлар орқали ажратади.

Кам таъминланган аҳолини қўллаб-қувватлаш мақсадида шаҳарларда 16 минг оилага уй-жой олиш учун бошланғич бадал ва кредит фоизини қоплашга бюджетдан 1 триллион сўм субсидия ажратилади.

Менинг энг катта ниятим шуки, Ватанимиз ичра ҳар бир инсон ўзининг «кичик ватани»га – уй-жойига эга бўлса, биздан халқимиз ҳам, Яратган ҳам рози бўлади.

Ҳурматли мажлис иштирокчилари!

Охирги уч йилда «Инсон манфаатлари ҳамма нарсадан устун» деган тамойил асосида, халқимиз ҳаётини тубдан яхшилаш бўйича олиб бораётган кенг кўламли ижтимоий ислоҳотларни давом эттирамиз. Бунинг учун **биринчи навбатда** аҳоли фаровонлигини ошириш ва унинг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш – биз учун бош вазифалардан бири бўлиб қолади.

Ҳудудларда, айниқса, қишлоқларда аҳолининг аксарият қисми етарли даромад манбаига эга эмаслиги сир эмас. Ҳар қандай мамлакатда бўлгани каби бизда ҳам кам таъминланган аҳоли қатламлари мавжуд. Турли ҳисоб-китобларга кўра, улар тахминан 12 – 15 фоизни ташкил этади. Бу ўринда гап кичкина рақамлар эмас, балки аҳолимизнинг 4-5 миллионлик вакиллари ҳақида бормоқда.

Баъзи одамлар ижтимоий нафақа ва моддий ёрдам пулини тўлаш ёки уларнинг миқдорини ошириш орқали ушбу муаммони ҳал этиш мумкин, деб ўйлайди. Бу – бир томонлама ёндашув бўлиб, муаммони тўла ечиш имконини бермайди.

Камбағалликни камайтириш – бу аҳолида тадбиркорлик руҳини уйғотиш, инсоннинг ички куч-қуввати ва салоҳиятини тўлиқ рўёбга чиқариш, янги иш ўринлари яратиш бўйича комплекс иқтисодий ва ижтимоий сиёсатни амалга ошириш, демакдир.

Шунинг учун Жаҳон банки, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Тараққиёт дастури ва бошқа халқаро ташкилотлар билан бирга Камбағалликни камайтириш дастурини ишлаб чиқишни таклиф этаман. Бу борада халқаро меъёрлар асосида чуқур ўрганишлар ўтказиб, камбағаллик тушунчаси, уни аниқлаш мезонлари ва баҳолаш усулларини қамраб олган янги методологияни яратиш лозим.

Шунингдек, Фарғона водийсининг 22 та қишлоқ туманида аҳоли ўртасида замонавий ишбилармонлик ва бизнес кўникмаларини шакллантириш бўйича бошланган ижобий тажрибани барча ҳудудларда босқичма-босқич жорий этишимиз керак.

Жойлардаги ижтимоий муаммоларни ҳал этишга оид тадбиркорлик ташаббусларини, айниқса, ёшлар ва аёллар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлашга устувор аҳамият бериш зарур. Шу мақсадда аҳоли ва тадбиркорларга, микромолия хизматлари ва молиявий ресурсларга, давлат харидларига кенг йўл очиб берилади. Бундай чоралар орқали одамларимизда тадбиркор бўлишга иштиёқ ва ишонч ортади, улар кўпроқ даромад олишга интиладиган бўлади.

Шу билан бирга, ҳамма ҳам тадбиркор бўла олмайди. Шу сабабли бундай одамлар билан тизимли иш олиб бориб, уларни касбга қайта тайёрлаш орқали уларни муносиб иш жойи билан таъминлаш лозим. Ушбу мақсадлар учун 700 миллион доллар жалб қилинади.

Биз янги иш ўринларини яратадиган тадбиркорларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашимиз, таъбир жоиз бўлса, уларни елкамизда кўтаришимиз керак.

Вазирлар Маҳкамасига икки ой муддатда ижтимоий тадбиркорлик асослари ва уни рағбатлантириш чоралари тўғрисида тегишли қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш топширилди. Шунингдек, ҳукумат жорий йилда давлат дастурлари доирасида ҳамда

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ОЛИЙ МАЖЛИСГА МУРОЖААТНОМАСИ

тадбиркорликни ривожлантириш орқали 500 мингта янги иш ўрни яратишни таъминлаши зарур.

Шу муносабат билан бир фикрни алоҳида таъкидлаб айтмоқчиман, ҳар бир тармоқ, соҳа, вилоят ва туманда яратилган тадбиркорлик субъектлари ва янги иш ўринлари, ана шу тузилмалар раҳбарлари фаолиятини баҳолашда энг асосий мезон бўлади.

Йил давомида бюджет тизими ходимларининг иш ҳақи, пенсия, стипендия ва нафақалар миқдори инфляция даражасидан юқори миқдорда оширилади.

Ижтимоий нафақа тўлашнинг мукаммал тизимини жорий этиш, жумладан, кам таъминланган оилаларга кўмак кўрсатиш қамровини кенгайтириш, бюджет маблағларининг мақсадли сарфланишини таъминлаш зарур. Шунингдек, нафақа тайинлашдаги мезонларни қайта кўриб чиқиш ва уларни белгилашда очиқ ва адолатли тизим яратиш, бу борада маҳалланинг иштирокини танқидий қайта кўриб чиқиш лозим. Умуман олганда, аҳоли ижтимоий нафақа бўйича битта идорага мурожаат қилганидан кейин ўша идоранинг ўзи бир кунда ҳамма ҳужжатларни тайёрлаб, масаланинг ечимини топиши керак.

Фуқароларимиз пенсияга чиқиши учун фақат паспорти билан бориб, мурожаат қилиши кифоя бўладиган тизим яратилади. Бунинг учун, биринчи навбатда, давлат архиви тизими электрон шаклга ўтказилиши керак.

Жорий йилда кексалар, жумладан, ёлғиз кексалар билан ишлаш, уларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича яхлит ва таъсирчан тизим яратиш зарур. Бу тоифа учун ажратилаётган ижтимоий тўловлар миқдори ҳам қайта кўриб чиқилиши керак.

Меҳрибонлик уйларида тарбияланган ёшларнинг ижтимоий мослашуви, хусусан, уларни иш билан, келажакда уй-жой билан таъминлаш бўйича алоҳида дастур ишлаб чиқиш зарур. Чунки бундай фарзандларимиз уларнинг ғамхўри, меҳрибони, ортидаги суянчи давлат ва жамият эканини доимо қалбдан ҳис қилиб туриши шарт.

Ногиронлик, дафн маросими, боқувчисини йўқотганлик бўйича нафақалар, иш пайтида майиб бўлганлик учун товон пули каби тўловларни қайта кўриб чиқиб, «Ижтимоий суғурта тўғрисида»ги қонунни ишлаб чиқиш зарур.

Вазирлар Маҳкамаси икки ой муддатда Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш концепциясини ишлаб чиқиши, юқорида қайд этилган йўналишлар бўйича устувор вазифаларни белгилаши лозим.

Иккинчидан, соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш, тиббий хизмат сифатини ошириш бўйича ислоҳотларимизни ҳам қатъият билан давом эттирамиз.

Шифокорларнинг жамиятдаги ўрни ва мақомини кучайтириш, халқимиз ўртасида уларга нисбатан ҳурматни ошириш, ушбу касб эгалари учун муносиб меҳнат шароити яратиш ва даромадини кўпайтириш бўйича амалий чора-тадбирлар кўришимиз даркор.

Давлат тиббиёт ташкилотлари ва аҳолини дори воситалари, тиббиёт буюмлари билан таъминлашга ўтган йилга нисбатан 1,3 баробар кўп ёки қарийб 1,5 триллион сўм ажратилади. 281 та тиббиёт муассасасини қуриш ва таъмирлашга бюджетдан 1,1 триллион сўм сарфланади. Шунингдек, 17 та ихтисослашган илмий-амалий тиббиёт муассасасини бошқаришда замонавий менежмент механизмларини жорий этиш зарур.

Давлат-хусусий шериклик асосида хусусий тиббиётни янада ривожлантириш, соғлом рақобатни кучайтириш, биринчи навбатда, ихтисослашган тиббиёт марказларига хорижий инвесторларни жалб этиш чораларини кўриш даркор.

Гематологик ва вирусологик ёрдам сифатини ошириш, бу турдаги даволаш қийин бўлган беморларга тиббий хизмат кўрсатишни тубдан ислоҳ этишнинг вақти келди.

Қон ва вирусли касалликларни барвақт аниқлаш, даволаш учун малакали гематолог, вирусолог ва иммунолог тайёрлаш, дори-дармон ва тиббиёт техникаси учун маблағларни кўпайтиришимиз керак.

Ихтисослашган марказлар ва уларнинг филиалларида, шунингдек, Тошкент шаҳридаги тиббиёт муассасаларида шу йил электрон тиббий карталарни жорий этиш даркор.

Соғлиқни сақлаш соҳасини молиялаштиришни тубдан ислоҳ қилиш мақсадида бу йил мажбурий тиббий суғуртага оид қонунларни қабул қилиш ва уларни амалга ошириш бўйича барча ташкилий чора-тадбирларни ишлаб чиқиш лозим.

Ушбу тизимни жорий йилда Сирдарё вилоятида тажриба сифатида қўллаш бошланади.

Дори воситалари ҳаракатини назорат қилиш, контрафакт маҳсулотлар айланишига чек қўйиш ва дориларнинг реал нархини онлайн тартибида кузатиб бориш тизимини яратиш ҳам долзарб вазифадир.

Учинчидан, биз бу йил хотин-қизлар ва ёшларни қўллаб-қувватлаш борасидаги ишларни янги босқичга кўтарамиз.

2020 йилда 5,5 минг нафар хотин-қизнинг кичик бизнес йўналишидаги лойиҳаларига 100 миллиард сўм миқдорида имтиёзли кредит берилади. Бунинг учун банкларга Давлат бюджетидан ресурс ажратамиз. Бундан ташқари, 1 минг 576 нафар хотин-қизга янги уй-жойларга эга бўлиши учун бюджет ҳисобидан бошланғич бадал тўлаб берилади.

Ижтимоий ҳимояга муҳтож опа-сингилларимизни Хотин-қизлар тадбиркорлик марказларида 5 муҳим ташаббус доирасида қисқа ўқув курсларида ўқитиш ташкил этилади.

Мамлакатимиздаги туб ўзгаришлар, ёшларга оид давлат сиёсатини янада ривожлантиришни кун тартибига қўймоқда. Ёшлар билан ишлаш самарадорлигини баҳолаш бўйича ягона кўрсаткичлар ишлаб чиқиш, ёшлар сиёсатини баҳолаш миллий индексини жорий этиш керак.

Ўзбекистон ёшлар иттифоқи **«Ўзбекистон ёшлари – 2025» концепциясини** ишлаб чиқиши, унда маънавий ва жисмоний баркамол авлодни вояга етказишнинг амалий чора-тадбирлари белгиланиши зарур.

Жамиятда тинчлик ва осойишталикни таъминлашда ҳеч ким четда турмаслиги, **«Ўз болангизни, ўз уйингизни, ўз Ватанингизни кўз қорачиғидек асранг!»** деган шиор одамларимиз қалбидан чуқур жой олиши керак.

Жамиятимизда аҳоли, айниқса, ёш йигит-қизларимизнинг маънавий ва маърифий савиясини доимий юксалтириш – биринчи даражали аҳамиятга эгадир.

Шу боис **«Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари»** деган дастурий ғоя асосида, ёшларни она юртга садоқат руҳида тарбиялаш, уларда ташаббускорлик, фидойилик, ахлоқий фазилатларни шакллантириш – ўта шарафли вазифадир.

Ёшлар бўйича Қорақалпоғистон Республикасидан бошланган янги ташаббусимизни бутун мамлакатимиз бўйича амалга оширамиз. Мен вилоят раҳбарларини, жойлардаги барча жамоатчиликни ушбу масалага жиддий эътибор беришга чақираман.

Тўртинчидан, аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини кенг қарор топтириш керак.

Бу борада ҳудудларда аҳоли, айниқса, ёшларимиз учун янги оммавий спорт объектларини қуриш зарур. Бу йил 269 та футбол, волейбол, баскетбол ва бадминтон майдонлари, 178 та бокс, кураш, фитнес ва гимнастика спорт заллари, 32 та теннис корти қуриш бўйича салкам 500 миллиард сўмлик лойиҳалар амалга оширилади.

Ёшлар орасида иқтидорли спортчиларни селекция қилишнинг **«ташкилот – туман (шаҳар) – ҳудуд – республика»** босқичларидан иборат тўрт босқичли тизими жорий этилади.

Бу йил Токиода бўлиб ўтадиган Олимпия ва Паралимпия ўйинларида спортчиларимиз муносиб иштирок этиши учун ҳукумат ва Миллий олимпия қўмитаси барча шароитларни яратишлари зарур.

Бешинчидан, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва экологик ҳолатни яхшилашга эътиборни кучайтиришимиз керак.

Аввало, Орол фожиаси оқибатларини юмшатиш бўйича бошлаган мисли кўрилмаган ишларимизни давом эттириб, денгизнинг қуриган тубида ўрмонзорларни кенгайтириш, Нукус, Урганч ва Хива шаҳарлари атрофида «яшил белбоғ»лар барпо этишимиз лозим.

Ишлаб чиқариш жараёнини экологик назорат қилиш тизимини такомиллаштириш, экологик аудит ўтказиш тартибини қайта кўриб чиқиб, хусусий аудиторлик фаолиятини жонлантириш ҳам муҳим вазифадир.

Ҳукумат саноат ривожининг экологияга таъсирининг олдини олиш бўйича 2025 йилгача мўлжалланган комплекс чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқсин. Шунингдек, нуфузли халқаро экспертларни жалб этган ҳолда, жорий йил 1 октябрга қадар Экология кодекси лойиҳасини ишлаб чиқиши лозим.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, туман ва шаҳарлар ҳокимликлари ҳар бир ҳудуд ва корхона бўйича экологияни яхшилаш, чиқиндиларга доир ишлар юзасидан дастурлар ишлаб чиқиши ва уларнинг ижросини таъминлаши шарт.

Олтинчидан, маданият ва санъат муассасаларига алоҳида эътибор қаратиш, уларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш чораларини кўриш зарур.

Жорий йилда бюджет маблағлари ҳисобидан 22 та театр ва маданият объектлари қурилади ва реконструкция қилинади. Шунингдек, давлат-хусусий шериклиги асосида 20 та маданият маркази ва истироҳат боғлари фаолияти йўлга қўйилади.

Кинематография соҳасида бадиий жиҳатдан етук асарлар яратиш, замонавий киноиндустрияни ривожлантириш, жумладан, янги кинотеатрлар қуришни таъминлаш лозим.

Жорий йилда давлат буюртмаси асосида кино маҳсулотлари ишлаб чиқаришни молиялаштириш такомиллаштирилади. Шу боис Кинематографияни 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини ҳамда «Кинематография тўғрисида»ги қонунни ишлаб чиқишимиз лозим.

Бундан ташқари, бу йил маданий ҳаётимиздаги муҳим воқеа – Шаҳрисабз шаҳрида иккинчи Халқаро мақом фестивалини муваффақиятли ўтказишимиз керак.

Шунингдек, 2020 йилда халқимиз тарихининг мураккаб даврларида, маърифат машъаласини баланд кўтариб чиққан улуғ аллома ва жамоат арбоби Маҳмудхўжа Беҳбудийнинг 145 йиллик таваллуд санаси кенг нишонланади.

Умуман, биз жадидчилик ҳаракати, маърифатпарвар боболаримиз меросини чуқур ўрганишимиз керак. Бу маънавий хазинани қанча кўп ўргансак, бугунги кунда ҳам бизни ташвишга солаётган жуда кўп саволларга тўғри жавоб топамиз. Бу бебаҳо бойликни қанча фаол тарғиб этсак, халқимиз, айниқса, ёшларимиз бугунги тинч ва эркин ҳаётнинг қадрини англаб етади.

Муҳтарам юртдошлар!

Ҳар томонлама мукаммал ва самарали бошқарув тизимини яратиш – олдимизда турган улкан вазифаларни бажаришнинг асосий шартидир.

Биз парламентнинг қонун ижодкорлиги, парламент назоратини самарали ташкил этиш механизмлари билан боғлиқ барча масалаларни куни кеча Олий Мажлисда бўлиб ўтган учрашувларда атрофлича ва чуқур муҳокама қилиб олдик.

Шу билан бирга, қуйидаги долзарб масалаларга эътиборингизни қаратмоқчиман.

Биринчидан, жойларда ижро ва вакиллик органларининг давлат бошқарувидаги роли ва масъулиятини янада ошириш зарур.

Ҳокимлар охирги 3 йилда уларга берилган кенг ваколатлардан қанчалик самарали фойдаланаётганини, вазирлик ва идораларнинг ҳудудий тузилмалари фаолияти натижадорлигини назорат қилиш бўйича янги тизим яратиш шарт.

Шу ўринда ҳақли савол туғилади: нима учун Бош вазирдан бошлаб барча ҳукумат аъзолари, вилоят ҳокимлари парламентга ҳисобот беради-ю, вилоят ва туманлардаги раҳбарлар ўз фаолияти ҳақида маҳаллий Кенгашларга ҳисобот бермаслиги керак? Шунинг учун вилоят ва туман ҳокимлари ўз дастурлари ва уларнинг ижроси тўғрисида вилоят Кенгашларида ҳисобот берадиган тизим жорий қилинади.

Айни вақтда фармонлар, қарорлар, концепция ва стратегияларда белгиланган индикаторлар ва мақсадли параметрларнинг ижроси бўйича ҳокимлар ўз ҳудудларидаги оммавий ахборот воситалари ва жамоатчиликка мунтазам ахборот бериб боришлари керак бўлади.

Ишнинг самарасини ошириш мақсадида маҳаллий вакиллик органлари фаолиятида Кенгаш сўрови институтини жорий этишни таклиф қиламан.

Яна бир муҳим масала. Амалдаги қонун ҳужжатларида ҳокимликларнинг 300 га яқин вазифа ва функциялари назарда тутилган. Шундан 175 таси, мазмун-моҳиятига кўра, ҳокимларнинг асосий вазифалари тоифасига кирмайди ва турли идораларнинг функцияларини такрорлайди. Бу эса иш сифати ва ижро интизомига салбий таъсир кўрсатиши табиий.

Шу сабабли Олий Мажлис Сенатига, Адлия вазирлигини жалб этган ҳолда, шу йилнинг биринчи ярмида ҳокимларнинг ваколатларини қайта кўриб чиқиш ва уларга хос бўлмаган ҳамда бир-бирини такрорлайдиган функцияларни тегишли органларга ўтказишни таъминлаш бўйича таклиф тайёрлаш топширилади.

Иккинчидан, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари бугунги кунда аҳолини ўйлантираётган муаммоларга давлат идоралари эътиборини қаратиб, ўзларининг асосланган таклифларини бериб боришлари мақсадга мувофиқ бўлади.

Бунинг учун мамлакат ва ҳудудлар даражасида нодавлат нотижорат ташкилотлари билан ижтимоий шерикликни кенг йўлга қўйиб, грантлар ва ижтимоий буюртмаларни кўпайтиришимиз керак. Вазирлик ва идоралар ҳам бир четда томошабин бўлиб ўтир-

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ОЛИЙ МАЖЛИСГА МУРОЖААТНОМАСИ

масдан, бундай ижтимоий ҳамкорлик ишларини кенгайтириши лозим. Шунинг учун Олий Мажлис ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фондининг фаолиятини такомиллаштириш даркор.

Мамлакатимизнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётига оид ва жамоатчиликда алоҳида қизиқиш уйғотадиган ўта муҳим масалаларга доир қарорларни қабул қилишда жамоатчилик билан маслаҳатлар, жамоатчилик эшитувларини ўтказиш мажбурийлигини аниқ белгилаш керак. Жамоатчилик маъқул деса – маъқул, номаъқул деса – номаъқул бўлади.

Жамоатчилик назоратини янада кучайтириш, давлат ва жамият ўртасида ўзаро яқин ҳамкорлик ўрнатиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Жамоатчилик палатасини ташкил этишни таклиф қиламан.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Барқарор ривожланиш мақсадларини бажаришда парламент, ҳукумат ва фуқаролик жамияти институтларининг амалий ҳамкорлигини йўлга қўйиш, бу масала бўйича мунтазам равишда парламент ва жамоатчилик эшитувларини ташкил этиш лозим.

Ҳурматли депутатлар ва сенаторлар!

Бугунги кунда ислоҳотларимиз самараси кўп жиҳатдан тўртта муҳим омилга – яъни қонун устуворлигини таъминлаш, коррупцияга қарши қатъий курашиш, институционал салоҳиятни юксалтириш ва кучли демократик институтларни шакллантиришга боғлиқ.

Қонун устуворлиги ва суд-ҳуқуқ соҳасидаги асосий вазифалар ҳақида Конституция кунига бағишланган тантанали маросимда батафсил тўхталиб ўтганимиздан яхши хабардорсиз.

Бу борада қуйидаги қўшимча вазифаларга эътиборингизни қаратмоқчиман.

Аввало, суд мустақиллигини тўлиқ таъминлаш – энг муҳим вазифаларимиздан бири бўлиши зарур.

Яна бир бор айтмоқчиман – дастлабки терговда давом этиб келаётган қонун бузилиш ҳолатларини фақат ва фақат судларнинг ҳақиқий мустақиллигига эришиш орқали бартараф этиш мумкин.

Бу борада қабул қилган қонуний чора-тадбирларимиз аниқ натижалар бера бошлади. Ушбу ижобий ўзгаришларни Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг судьялар мустақиллиги бўйича махсус вакили Диего Гарсия-Саян жаноблари ҳам алоҳида эътироф этди.

Ўтган 3 йилда 1 минг 989 нафар, 2019 йилнинг ўзида 859 нафар фуқарога нисбатан оқлов ҳукми чиқарилди. Шунингдек, 2019 йилда 3 минг 81 нафар шахс суд залидан озод қилинган бўлса, 2 минг 623 нафар фуқарога асоссиз қўйилган моддалар айбловдан чиқарилди ва ўзгартирилди.

Судьяларимизнинг адолатни ва қонун устуворлигини таъминлаш борасида оқлов ҳукмларини чиқараётгани, ҳеч шубҳасиз, суд-ҳуқуқ соҳасидаги энг катта ютуғимиздир. Мен, Президент сифатида, судьяларнинг бундай жасорати ва қатъиятини бундан кейин ҳам тўлиқ қўллаб-қувватлайман.

Энди суд орқали инсонларнинг ҳуқуқи тикланганини эътироф этиш билан чекланиб қолмасдан, нима сабабдан судгача бўлган тергов жараёнида инсон ҳуқуқ ва эркинликлари бузилган, деган саволни ҳам кўндаланг қўядиган, тазйиқлар учун жавоб берадиган вақт келди.

Эски тузумдан қолган ва ҳануз давом этаётган суд қарорларини прокуратура томонидан чақириб олиб, ўрганиш амалиётини чеклаш лозим. Энди фақат иш юзасидан шикоят келиб тушган ҳолдагина прокурор суд қарорини олиб ўрганиши мумкин.

Суд раислари томонидан судьяларнинг фаолиятини баҳолаш ва уларга нисбатан интизомий иш қўзғатиш бўйича ваколатларни қайта кўриб чиқиш керак.

Давлат идоралари мансабдорлари шуни чуқур англаб олсинлар: судлар мустақиллигини таъминлаш масаласи бундан буён ҳам шахсан Президентнинг қаттиқ назоратида бўлади. Суд остонасига қадам қўйган ҳар бир инсон, Ўзбекистонда адолат ҳукм сураётганига тўла ишонч ҳосил қилиши керак. Акс ҳолда, буюк немис файласуфи Иммануил Кант айтганидек, «Адолат йўқолган пайтда, ҳаётнинг қадрини белгилайдиган бошқа ҳеч нарса қолмайди».

Бу ҳақиқатни ҳеч қачон унутмаслигимиз керак. Ўзбекистонда судьялар қонунларнинг толмас ҳимоячилари, адолатнинг мустаҳкам устунлари бўлиши лозим.

Олий суд, Судьялар олий кенгаши, Адлия вазирлиги уч ой муддатда юқорида билдирилган таклифларни амалиётга жорий этишни назарда тутадиган, қонун лойиҳасини киритсин.

Иккинчидан, суд-ҳуқуқ соҳасига доир асосий қонун ва кодекслар бундан деярли 20 – 25 йил олдин қабул қилинган бўлиб, ҳозирги давр талабларига жавоб бермайди.

Шу сабабли парламент яқин йилларда Фуқаролик, Жиноят, Жиноят-процессуал, Жиноят-ижро, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексларни янгитдан қабул қилиши мақсадга мувофиқдир. Бу борада, аввало, тергов ва суд амалиётига инсон ҳуқуқлари соҳасидаги илғор стандартларни жорий этишга алоҳида эътибор қаратиш керак.

Қонунчиликни янгилашдан мақсад – фақат қонун қабул қилиш эмас, аксинча, янги қонунлар эртага одамларга қандай амалий наф бериши, уларнинг ҳаётини қандай енгиллаштириши ҳақида бош қотиришдан иборат бўлмоғи лозим.

Учинчидан, ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш соҳасидаги ислоҳотларни янги босқичга кўтариш зарур.

Биз ички ишлар идоралари фаолиятини такомиллаштириш бўйича жиддий ислоҳотларни амалга оширмоқдамиз. Бироқ, очиқ тан олиш керак, ушбу идоралар ҳали халқчил тузилмага, фуқароларнинг чинакам ҳимоячисига айлангани йўқ.

Тизимда жамоат тартибини сақлаш, жиноятларга қарши курашиш ва давлат хизматларини кўрсатиш фаолиятига доир аниқ мезонлар белгиланмаган. Шу сабабли ислоҳотларни давом эттириб, ички ишлар идораларини одамларимизнинг оғирини енгил қиладиган тузилмага айлантириш зарурлигини яна бир бор такрорлаш ўринли, деб биламан.

Бу масала янги парламент, хусусан, Сенат олдидаги беш йиллик вазифа бўлиб, бунинг учун барча ташкилий-ҳуқуқий асосларни яратиш ва амалий чоралар кўриш лозим.

Ички ишлар органлари учун барча даражадаги раҳбарларнинг малакасини ошириш ва мақсадли тайёрлаш тизимини ташкил этиш зарур.

Тўртинчидан, афсуски, жамиятимизда коррупция иллати ўзининг турли кўринишлари билан тараққиётимизга ғов бўлмоқда.

Бу ёвуз балонинг олдини олмасак, ҳақиқий ишбилармонлик ва инвестиция муҳитини яратиб бўлмайди, умуман, жамиятнинг бирорта тармоғи ривожланмайди.

Тадбиркорлар ҳанузгача ер ажратиш, кадастр, қурилиш, лицензия, божхона, банк, давлат харидлари каби соҳаларда коррупцияга дуч келаётганини Президент номига келиб тушаётган кўплаб мурожаатлар ҳам, матбуот ва ижтимоий тармоқлардаги чиқишлар ҳам яққол кўрсатиб турибди.

Коррупцияга қарши курашишда аҳолининг барча қатламлари, энг яхши мутахассислар жалб қилинмас экан, жамиятимизнинг барча аъзолари, таъбир жоиз бўлса, «ҳалоллик вакцинаси» билан эмланмас экан, ўз олдимизга қўйган юксак марраларга эриша олмаймиз. Биз коррупциянинг оқибатлари билан курашишдан унинг барвақт олдини олишга ўтишимиз керак.

Ана шу вазифалар ижросини тизимли ташкил этиш мақсадида парламент ва Президентга ҳисоб берадиган, коррупцияга қарши курашишга масъул бўладиган алоҳида орган ташкил этишни таклиф этаман.

Президент Администрацияси Олий Мажлис палаталарининг тегишли қўмиталари билан биргаликда уч ой муддатда тегишли фармон лойиҳасини ишлаб чиқсин.

Бешинчидан, фуқаролик масалаларига оид қонунчиликни такомиллаштириш орқали инсон ҳуқуқларини таъминлаш борасида навбатдаги муҳим қадам қўйиш зарурлигини ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда.

Айниқса, мамлакатимизда узоқ вақтдан бери яшаб келаётган, лекин Ўзбекистон фуқароси деган ҳуқуқий мақомга эга бўла олмаётган минглаб юртдошларимизнинг ана шу муаммосини қонуний ҳал этиш бўйича ташкилий-ҳуқуқий чораларни кўриш вақти келди, деб ўйлайман. Хусусан, 1995 йилгача Ўзбекистонга келган ва шундан буён истиқомат қилаётган шахсларга Ўзбекистон Республикаси фуқаролиги автоматик тарзда берилиши даркор. Шу тариқа 50 мингга яқин юртдошларимизнинг фуқаролик билан боғлиқ узоқ йиллардан буён ечилмасдан келаётган муаммолари ҳал этилади.

Вазирлар Маҳкамаси бу масалани Олий Мажлис Қонунчилик палатаси билан ҳамкорликда кўриб чиқиб, жорий йил 1 майга қадар тегишли қонун лойиҳаларини тақдим этиши лозим.

Ҳурматли анжуман иштирокчилари!

Биз жамиятда миллатлараро тотувлик, диний бағрикенглик муҳитини мустаҳкамлаш борасидаги ишларни изчил давом эттирамиз. Бу борада 30 июль – «Халқаро дўстлик куни» муносабати билан юртимизда биринчи марта «Дўстлик ҳафталиги»ни ва «Дўстлик» халқаро форум-фестивалини ўтказишни таклиф этаман.

Мамлакатимизда **«жаҳолатга қарши – маърифат»** деган эзгу ғоя асосида ислом динининг инсонпарварлик моҳиятини, тинчлик ва дўстлик каби олижаноб мақсадларга хизмат қилишини тарғиб этиш кун тартибимиздаги доимий масалалардан бири бўлиб қолади.

Жорий йилда ҳадис илмининг султони Имом Бухорий, калом илми асосчиси Абу Мансур Мотуридий ва унинг давомчиси Абу Муин Насафийнинг ҳаёти, илмий меросига бағишланган ҳамда диний бағрикенглик мавзуларида халқаро илмий-амалий конференциялар ва бошқа тадбирлар ташкил этилади.

Имом Бухорий бобомизнинг Самарқанддаги ёдгорлик мажмуасини бу мўътабар зотнинг мусулмон дунёсидаги улуғ мақомига мос равишда мутлақо янги лойиҳа асосида қайта барпо этиш ишларини ҳам бошлаймиз. Шунингдек, буюк аллома Баҳовуддин Нақшбанд бобомизнинг 700 йиллик таваллуд айёмини юқори савияда ўтказишимиз керак.

Сизларга маълумки, кейинги йилларда юртимизда олиб борилаётган инсонпарвар сиёсат туфайли тўғри йўлдан адашган, билиб-билмай хатога қўл урган фуқароларни соғлом ҳаётга қайтариш бўйича муҳим ишлар амалга оширилмоқда. Жорий йилда ҳам диний экстремистик йўлга кириб қолганидан чин дилдан пушаймон бўлган шахсларнинг ижтимоий-маиший муаммоларини аниқлаш ва ҳал этиш, уларни жамиятга мослаштириш бўйича ишлар давом эттирилади.

Жаҳонда шиддат билан ўзгараётган нотинч ва мураккаб вазият, турли можаролар жонажон Ватанимиз хавфсизлигини, эл-юртимизнинг осойишта ҳаётини таъминлаш ҳамда мавжуд тахдид ва хатарларга муносиб жавоб беришга доим тайёр туришимизни тақозо этмоқда.

Президент ҳузуридаги Хавфсизлик кенгашининг яқинда ўтказилган мажлисида бу борадаги устувор вазифалар ва амалий чора-тадбирларни белгилаб олдик. Қуролли Кучларимиз ушбу вазифаларни самарали адо этади, деб ишонаман.

Биз Ўзбекистон ташқи сиёсатини фаоллаштириш юзасидан бошлаган кенг кўламли ишларни, миллий манфаатларимизга жавоб берадиган, очиқ, прагматик ва чуқур ўйланган ташқи сиёсат йўлини давом эттирамиз. Олис ва яқиндаги барча давлатлар билан ҳамкорлик алоқаларини, узоқ муддатли ва кўп қирали шерикликни янада кучайтирамиз.

Бу борада қуйидаги устувор жиҳатларга сизларнинг диққатингизни қаратмоқчиман.

Биринчи. Марказий Осиё минтақасидаги мамлакатлар билан барча соҳаларда ўзаро дўстлик, яхши қўшничилик ва стратегик шериклик руҳидаги муносабатларни мазмун ва сифат жиҳатдан янги босқичга олиб чиқишимиз зарур.

Иккинчи. Россия Федерацияси, Хитой Халқ Республикаси, Америка Қўшма Штатлари, Япония, Жанубий Корея, Туркия, Бирлашган Араб Амирликлари, Европа Иттифоқи ва Осиё мамлакатлари билан сиёсий, савдо-иқтисодий, инвестициявий, транспорт-коммуникация ва маданий-гуманитар алоқаларни янада ривожлантиришга алоҳида аҳамият берамиз.

Учинчи. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти, Ислом ҳамкорлик ташкилоти, Туркий кенгаш ва бошқа нуфузли халқаро ташкилотлар доирасида кўп томонлама ҳамкорликни жадаллаштиришни давом эттиришимиз зарур.

Орол муаммосини ҳал этишда халқаро ҳамкорликни кучайтириш мақсадида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти билан тузилган Орол денгизи минтақасида инсон хавфсизлигини таъминлаш бўйича кўп томонлама Траст фондига катта ишонч билан қараймиз.

Биз Ўзбекистоннинг 2021 – 2023 йиллар мобайнида Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашига аъзо бўлиши масаласини изчил илгари суриш ниятидамиз.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида Ёшлар ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро конвенцияни ишлаб чиқишни таклиф этган эдик. Жорий йилда Инсон ҳуқуқлари бўйича Самарқанд форумини мақсадида Ёшлар ҳуқуқларига бағишлаб ўтказиш ва унда ушбу конвенция лойиҳасини муҳокама этишни таклиф қиламан.

Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий стратегияни қабул қилишни ҳам тезлаштиришимиз керак.

Тўртинчи. Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги ва Шанхай ҳамкорлик ташкилоти доирасида фаолияти-

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ОЛИЙ МАЖЛИСГА МУРОЖААТНОМАСИ

миз самарасини янада оширишимиз зарур.

Ўзбекистоннинг 2020 йилда Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига раислик қилиши, биз учун тарихий аҳамиятга эга. Биз Ҳамдўстликда савдо-иқтисодий ва транспорт-транзит соҳаларида ҳамкорликни кенгайтириш, ташкилот томонидан қабул қилинган қарорларнинг амалий натижадорлигини ошириш ва аъзо давлатлар ўртасида гуманитар алоқаларни янада мустаҳкамлаш учун барча салоҳият ва имкониятларни ишга соламиз.

Шанхай ҳамкорлик ташкилоти билан муносабатларни ривожлантириш – Ўзбекистон ташқи сиёсатининг муҳим йўналиши бўлиб қолади.

Бундан ташқари, жорий йилда Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги, Марказий Осиё, Европа Иттифоқи ва Осиё мамлакатлари билан олий даражадаги икки томонлама ва кўп томонлама тадбирлар ўтказилиши кутилмоқда. Ташрифлар доирасида мамлакатимиз манфаатларига хизмат қиладиган истиқболли лойиҳалар ва дастурлар қабул қилиниши кўзда тутилган.

Фурсатдан фойдаланиб, Ўзбекистон Республикаси билан ҳамкорликни мустаҳкамлашга муносиб ҳисса қўшиб келаётган мамлакатимиздаги хорижий дипломатик корпус ва халқаро ташкилотлар вакилларига ўзимнинг чуқур миннатдорчилигимни билдираман.

Ҳурматли ватандошлар, азиз меҳмонлар!

2020 йилда Иккинчи жаҳон урушида қозонилган Ғалабанинг 75 йиллиги халқаро миқёсда кенг нишонланади.

Бизнинг мард, енгилмас ва олижаноб халқимиз буюк Ғалабани таъминлашга беқиёс ҳисса қўшгани билан барчамиз ҳақли равишда фахрланамиз. Бу қонли урушда жами 1,5 миллиондан зиёд Ўзбекистон фарзандлари тинчлик ва озодлик учун мардона жанг қилгани, уларнинг ҳар уч нафаридан бири ўз яқинлари бағрига қайтмагани, эл-юртимизнинг фронт ортида кўрсатган жасоратини халқимиз ҳеч қачон унутмайди.

Биз уруш ва фронт орти фахрийларини фақатгина байрамларда эмас, балки доимо эъзозлаб, ардоқлашимиз, уларнинг соғлиги ҳақида ҳар куни, ҳар соатда ўйлашимиз лозим. Жорий йилда уларга ҳар томонлама эътибор янада кучайтирилади. Жумладан, мамлакатимизнинг энг яхши санаторийларида уларнинг саломатлигини мустаҳкамлаш учун қулай шароитлар яратамиз.

Уруш йилларида халқимиз кўрсатган ҳақиқий жасорат ва матонатни кино, театр санъати, бадиий-публицистик асарлар, илмий тадқиқотлар орқали кўрсатиш, аҳоли, айниқса, ёшларимизга таъсирчан тарзда етказиш бўйича катта ишлар олиб борилмоқда. Хусусан, Тошкент шаҳрининг Олмазор туманида муҳташам «Ғалаба боғи» бунёд этилмоқда.

Бир сўз билан айтганда, Хотира ва Қадрлаш куни ва Ғалабанинг 75 йиллигини ҳар томонлама муносиб ва юқори савияда нишонлаш учун тайёргарлик ишларини пухта ташкил этишимиз керак.

Муҳтарам юртдошлар!

Биз бундан уч йил олдин мамлакатимиз тараққиётини янги босқичга кўтариш мақсадида буюк ишларни бошлаганмиз. Халқимизнинг ақл-заковати, куч-қудрати ва салоҳиятига таяниб, биз бу йўлда дастлабки, лекин ўта муҳим ва салмоқли натижаларга эришмоқдамиз. Энди ана шу ютуқларимизни мустаҳкамлаб, янада дадил ва улкан қадамлар ташлашимиз шарт. Чунки юртимиздаги ислоҳот ва ўзгаришлар жараёни ортга қайтмайдиган тус олиб, ҳал қилувчи паллага кирмоқда.

Натижадорлик ҳаммамиз учун бош талаб, асосий мезонга айланмоқда. Бу борада 2020 йил барчамиз учун алоҳида синов ва масъулият йили бўлади. Энди кечаги ютуқ ва марралар, бизни сира қониқтирмайди. Нега деганда, бугунги Ўзбекистон кечаги Ўзбекистон эмас. Бугунги халқимиз ҳам, кечаги халқ эмас.

Амалий натижа билан мустаҳкамланган, ўз меваси, ҳосилини бераётган ислоҳот одамларнинг қалбига, юрагига тез кириб боради. Ва бундай ислоҳотни, бундай шиддатли жараённи ҳеч ким, ҳеч қандай куч, тўхтата олмайди.

Энг муҳими, ислоҳотларимиз самарасини юртимизда яшаётган ҳар бир инсон, ҳар бир оила бугун ўз ҳаётида ҳис этиши керак. Бунинг учун барча бўғиндаги раҳбарлар фоизлар, рақамлар, қоғознинг ортидан қувмасдан, ҳар бир фуқаро учун, унинг ҳаётий манфаатларини таъминлаш учун ишлаши шарт. Шунда нуроний кексаларимиз, муҳтарам отахон ва онахонларимиз, ҳурматли аёлларимиз, азиз фарзандларимиз, жажжи набираларимиз, кўп миллатли бутун халқимиз биздан рози бўлади.

Бугунги Мурожаатномада баён қилинган ҳар бир мақсад ва вазифага, уларни амалга оширишга айнан шу нуқтаи назардан ёндашсак, ҳар томонлама тўғри бўлади.

Вазирлар Маҳкамаси ҳудуд раҳбарлари билан биргаликда Мурожаатномада белгилаб берилган барча вазифалар ижросини сўзсиз таъминлаб, ҳар чоракда Олий Мажлис олдида ҳисобот бериши зарур.

Президент Администрацияси ва ҳукумат Олий Мажлис палаталари билан биргаликда 20 кун муддатда 2020 йилга мўлжалланган давлат дастури лойиҳасини пухта тайёрлаб, тасдиқлаш учун киритсин.

Шу ўринда яна бир муҳим масалага алоҳида эътиборингизни қаратмоқчиман.

Ўтган 3 йил мобайнида Ўзбекистонда сўз эркинлигини таъминлаш, оммавий ахборот воситаларини ҳар томонлама ривожлантириш, журналист ва блогерларнинг эркин фаолият юритиши ва ижод қилишлари учун ҳуқуқий асослар ва кенг имкониятлар яратилди. Бундан кейин ҳам «тўртинчи ҳокимият» вакилларининг эркин ва холис фаолият юритишлари, мамлакатимизда амалга оширилаётган жадал ислоҳотларни халқимиз ва халқаро ҳамжамият учун очиқ-ойдин ёритишлари учун барча шарт-шароитларни яратамиз.

Жойлардаги муаммо ва камчиликларни рўй-рост очиб бериш, уларни ҳаққоний ёритишларида мен профессионал журналистларни ҳамиша ва ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга тайёрман.

Азиз дўстлар!

Имом Бухорий бобомиз ўз китобларида келтирган муборак ҳадисда айтилганидек, **«Барча амаллар ниятга қараб бўлади».**

Дарҳақиқат, пок ниятлар билан бошланган хайрли ишлар, албатта, ижобат бўлади.

Бугун биз ҳам танти, сабр-қаноатли ва меҳнаткаш халқимиз билан бирга улуғ мақсадларни белгилаб, маррани баланд олмоқдамиз.

Олдинда бизни улкан вазифалар, катта имкониятлар кутмоқда.

Бир ҳақиқатни ҳеч қачон унутмайлик: биз буюк тарих, буюк давлат, буюк маданият яратган халқмиз. Биз – ҳеч қачон меҳнатдан қочмайдиган, қийинчиликдан қўрқмайдиган, адолатни қадрлайдиган, азму шижоатли, буюк халқмиз.

Барчамиз бир тану бир жон бўлиб, якдил ва аҳил бўлиб ҳаракат қилсак, ҳалол-пок бўлиб, яхши ният билан меҳнат қилсак, ҳар қандай марраларни эгаллашга, бошқача айтганда, тарихимизнинг янги саҳифасини яратишга қодир халқмиз.

Бу йўлда қандай қийинчилик ва машаққатлар бўлмасин, барчасини мардона енгиб ўтишга тайёрмиз. Бундай эзгу ишларда бизга Яратганнинг ўзи, буюк аждодларимизнинг пок руҳлари мададкор бўлади, деб ишонаман.

Мен сизларнинг тимсолингизда, бутун халқимиз, навқирон ўғил-қизларимиз тимсолида олдимизга қўйган оламшумул мақсадлар йўлида ўзини аямасдан, фидокорона меҳнат қилаётган, қалбимга яқин, самимий инсонларни кўраман. Бугунги Мурожаатномада белгилаб берилган устувор мақсад ва вазифаларни амалга оширишда, аввало, меҳнаткаш ва бағрикенг халқимизга ҳамда унинг муносиб вакиллари бўлган сизларга ишонаман ва таянаман.

Яна бир бор барчангизга сиҳат-саломатлик, чексиз куч-ғайрат, ютуқ ва омадлар, оилавий бахт ва саодат тилайман.

Доимо соғ-омон бўлинг!

Катта раҳмат сизларга!

ПРЕЗИДЕНТИМИЗНИНГ ОЛИЙ МАЖЛИСГА МУРОЖААТНОМАСИГА МУНОСАБАТ

ЖИДДИЙ СИНОВЛАРГА ПЕШВОЗ

Мурожаатномада ислоҳотлар жараёнида эришилган натижалар таҳлил қилиниб, қиёсий кўрсаткичлар билан асослаб берилди. Ютуқлар ўзимизники, уларни такрорламоқчимасман. «Халқимиз шуни яхши билиши керак: олдимизда узоқ ва машаққатли йўл турибди», деди Президент. Шундан келиб чиқиб, айрим мулоҳаза туғдирадиган муаммолар юзасидан ўз фикримни баён қилмоқчиман.

Етти ўлчаб, бир кесадиган масала

Сиёсий шарҳловчи бўлганим учун, аввало, Евроосиё иқтисодий иттифоқи билан ҳамкорлик қилишга боғлиқ масала менинг эътиборимни тортди. Назаримда, бу масала кўп йиллардан бери кун тартибидан тушмай келаётир. Бугунги кунга келиб эса иқтисодий интеграция зарурияти туфайли бу масала яна кун тартибига чиқиб қолди. Тўғриси, бу борадаги иқтисодий интеграциянинг ижобий ҳамда салбий жиҳатларини асослаб бериб, қандай йўл танлаш кераклиги ҳақида аниқ фикр айтадиган мутахассис эмасман. Бунда бизнесимизнинг устунлари бўлган йирик ишбилармонлар ва тадбиркорларнинг фикрлари ҳал қилувчи омил ҳисобланади. Улар ўз манфаатларини эмас, балки давлат ва халқ манфаатларини кўзлаб, ўз таклифларини беришлари керак.

Бироқ шу нарса аниқки, Белоруссия Евроосиё таркибида ўз йўлини топиб кета олмаяпти. Айниқса, кейинги икки-уч йил ичида Россия билан Белоруссиянинг бу борадаги муносабатларида кескинлик кучайди. Афтидан, нарх белгилаш, савдо-сотиқ, олди-берди масалаларида тенгсизлик ҳукм сурмоқда. Ҳар қандай муросасизлик иқтисодий интеграцияга зарар етказади. Бундай алоқаларда ака-укалик, катта-кичиклик, кучли-кучсизлик кетмайди. Ким нимани ишлаб чиқаришга мослашишдан тортиб, то ким нимани қанчадан сотишгача – барча ҳолатларда тенглик қонуниятига амал қилинади. Бироқ арзонроқ конфет еймиз, арзонроқ уй жиҳозлари сотиб оламиз, арзонроқ машина минамиз, деб кимларгадир қарам бўлиб қолмаслик керак. Агар бизнесменлар виждон билан, инсоф-диёнат билан, нафсни тийиб, Ватан шаъни ва халқ манфаатини кўзлаб иш юритсалар, ана шундай арзончиликни ҳар бир давлат ўзи таъминлаши мумкин.

Жаҳон сиёсат оламида «геосиёсий манфаат» деган тушунча бор. Бу тушунчани сеҳргарнинг сеҳр тугунига қиёслайман. Бу тугун кези келганда, ҳар қандай давлат ва халқни минг мақомга йўрғалатади. Назаримда, Евроосиёда ана шундай сеҳрнинг таъсир кучи бор. Мустақилликка эришибмизки, қандайдир ғаразгўй кучлар Ўзбекистонни гоҳ «Толибонлар» босиб олади, деб ваҳима кўтаришса, Ўзбекистон ислом ҳаракати яқинда ҳокимиятни эгаллайди, деб бизни қўрқитмоқчи бўлишади. Бунинг учун бир қанча телеканалларда махсус топшириқ олган ўнлаб иғвогарлар куну тун тиним билишмайди. Мақсад – қандай қилиб бўлмасин, Ўзбекистонни «ОДКБ»га тортиш. Ваҳоланки, 2010 йилдаги Ўш ва Жалолобод воқеаларида бу ташкилотнинг ўзи иғво қўзғаб, ўзи томошабин бўлиб турди.

Президент Евроосиёга аъзолик масаласини муҳокама қилиш ва хулоса чиқаришни депутатлар, сенаторлар ҳамда ҳукумат эътиборига ҳавола этиб тўғри қилди.

Нарх-наво – дарди бедаво

Менимча, Президент кўп масалаларда яхши-ёмон ҳамма гапни очиқ-ойдин айтди. Ошкор қилинмаган ҳеч нарса қолмади. Баъзи масалаларда муносабат билдирибгина қолмасдан, Мурожаатномада айтилган фикрларни ҳаётдан олинган мисоллар билан тўлдирмоқчиман. Банк тизими ва иқтисодни рақам-

лаштириш билан боғлиқ мураккаб технологияларга тишим ўтмаганлиги сабабли нарх-навога дахлдор халқнинг ғашига тегаётган ҳолатлардан бошламоқчиман. 30–40 кишидан иборат узоқ-яқин қариндошларим ҳар йили Самара вилоятига бориб, деҳқончилик қилишади. Апрель ойида жўнаб кетишади. Ҳар йили поезд ёки самолётга билетни Тошкентдан эмас, чегарадан ўтиб, Қозоғистондан олишади. Сабабини сўрасам, «Тошкентда чипта қиммат, Чимкентда арзон», дейишади. Наманганлик бир қўшнимнинг Москва ҳамда Нижний Новгородда савдо дўконлари бор. Уларда фарзандлари савдо қилишади. Ўзи ҳар йили ўша томонларга 5-6 марта бориб, фарзандларидан хабар олиб келади. «Ҳар сафар Қозоғистон ёки Қирғизистондан жўнаб кетаман, чунки Тошкентда чипта қиммат», дейди у. Истанбулга борадиган танишларим ҳам нуқул Чимкентдан учиб кетишади. Хўш, бундан кимга фойда-ю, кимга зарар?! Наҳотки, Ҳукуматда бунинг ҳисоб-китобини қиладиган одам бўлмаса?! Ҳатто, мамлакатимиз ичкарисида ҳам темир йўллар билан ҳаво йўллари мутлақ ўз монополияларини ўрнатган. Янги, юмшоқ, ҳар томонлама қулайликка эга бўлган автобуслар улардан икки-уч баравар арзон. Халқни шилиш ҳисобига бойиб бораётганларни олқишлаш эмас, жазолаш керак.

Президент мамлакатда тўрт-беш миллион қашшоқ борлигини очиқ айтди. Бу ҳеч биримиз айтолмай юрган ҳақиқат эди. Аслида улар биргина 2019 йилнинг ўзида беш миллиондан ошиб кетди. Сабаби – 2019 йилда нарх-наво 2017 ва 2018 йилларга нисбатан бирданига кўтарилиб кетди. Тасаввур қилинг, тухумнинг донаси 300 сўмдан 900 сўмга кўтарилди, гўшт икки баравар қимматлашди, ёғ, ун, картошка, нон ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари нархи ошди. Бечора беш миллион аҳоли гўшт ўрнини босадиган тухум сотиб олишдан ҳам маҳрум бўлди. Ўтган йилнинг жазирама иссиқ кунларида помидорнинг килоси 5-6 минг сўмдан, олманинг килоси 8–12 минг сўмдан, узумнинг килоси 8–10 минг сўмдан пастга тушмади. Ахир атиги бир йил олдин шу нарсалар икки-уч баравар арзон эди-ку!..

Ажабо, бозорларда тўлиб-тошиб кетган мева-чевалару қовун-тарвузлар ириб-чириб кетса кетдики, лекин нарх-наво тушмади. Хўш, нега?! Ҳатто нон пули қиламан деб, ҳовлисидаги мевадан бир тоғора олиб келган аёллар ҳам «Агар арзонроқ берсам, гап эшитаман», дея ҳадиксираб ўтиришди. Хўш, ким уларга таҳдид қилди?! Гўшт ёки тухумнинг таъми тугул, меванинг мазасидан ҳам маҳрум бўлган беш миллион аҳолини қўятурайлик-да, ажабтовур иш ҳақи ва пенсия пули оладиганлар ҳам қуюқ овқатни помидор салатсиз ейишга, байрамларни ҳўл меваларсиз нишонлашга мажбур бўлишди. Камбағалларнинг ҳаётларини кўриб ва кузатиб бораётганим, уларга ачинганим учун шу фикрларни ёзяпман. Худога шукр, ўзим камбағал эмасман, пенсиям икки миллион сўмдан ошади. Сўзсиз, бу катта пенсия. Бироқ 300–400 минг сўм оладиганларнинг аҳволини кўриб турсангиз, еб-ичганингиз татимас экан. Баъзи ҳамкасбларим ва шогирдларим: «Устоз, ойига 10–15 миллион сўм оладиганлар ҳам бор!» дейишса, уларга танбеҳ бериб: «Халқнинг олдида эртак айтманглар!» дейман. Аслида-чи?! Балки шу тўғридир!..

Эртаю кеч беш вақт намозда, ишқилиб, бойларимизга инсоф берсин, деб дуо қиламан. Мана энди, Президентимиз камбағалларга ҳомийлик қилиш учун астойдил бел боғлаган экан, бунда унга Оллоҳдан мадад, сабр-қаноат, қатъиятлик ва изчиллик тилайман. Яратганнинг бу синови унинг нималарга қодирлигини кўрсатсин.

Ҳаром луқмага ўчлик – очкўзлик

Ўзбекистон кўп йиллардан бери халқаро мезонда порахўрлик кенг тарқалган давлатлар қаторида тилга олинаётганлиги жуда нохуш ҳолат, албатта. Тўғриси, бундай ҳолат биз Имом Бухорий, Баҳоуддин Нақшбанд, Аҳмад Яссавий, Сўфи Оллоёр каби улуғларнинг авлодимиз, деб фахрланишга соя солиб турибди. Наҳотки, тақво ва ҳикматда жаҳонни лол қолдирган улуғларнинг юртида ҳаром луқмадан ҳазар қилинмаса?! Совет даврида ҳаромхўрлар жазонинг қаттиқлигидан қўрқишарди. Энди-чи?! Наҳотки, қадимда ислом цивилизацияси маркази бўлган, бугун эса масжидлар қурилиб, намозхонлар кўпайиб бораётган, озодлигимиз ва ҳурлигимиз мустаҳкамланиб, жаҳон мусулмон оламида асл мўминлигимиз тобора намоён бўлаётган бир пайтда коррупция ботқоғига ботиб бораётган бўлсак?! Бундай пайтда ҳар қанча ақлли бўлсак ҳам идрок эта олмаяпмиз. Албатта, бунинг илдизлари чуқур. Агар кузатиш, назорат қилиш, чора кўриш, жазолаш усулларида қатъиятлик ҳамда изчиллик йўлга қўйилса, ҳаммаси ойдинлашади. Бизнингча, ана шу механизмда узвийлик, ошкоралик, принципиаллик йўқ.

Президент коррупция ҳақида жуда қаттиқ гапирди. Унга қарши «вакцина» зарурлигини эслатиб ўтди. Масалан, Россия ва Хитойда унга қарши «вакцина»лардан жуда самарали фойдаланишяпти. Хитой бу борада ҳатто Интерполнинг раҳбарини ҳам аёвсиз жазолаган бўлса, Россия пора билан қўлга тушган ҳар қандай вазирлару губернаторларни, банкирлару турли даражадаги мансабдорларни телеэкранларда бутун халққа шарманда қилиб кўрсатяпти. Ҳар бир йирик мансабдор-порахўрлар ҳақида уларнинг асл қиёфасини кўрсатадиган ҳужжатли фильмлар олиниб, турли телеэкранларда қайта-қайта кўрсатиляпти. Ҳатто, чет элга қочиб кетганларини ҳам тинч қўймаяпти. Бирор кун йўқки, Россия телеканаллари порахўрлик ҳақида махсус кўрсатув, ҳужжатли фильм ёки суд жараёнини кўрсатмаётган бўлсин. Ҳатто, собиқ вазир ва губернаторларнинг жазо муддатини ўтаётган жойларидан ҳам репортажлар бериляпти.

Бизда-чи?.. Биз порахўрларимизни фақат интернет саҳифаларидан ўқиб биламиз. Андишалик шу даражадаки, кўп ҳолларда газеталарда жиноятчи-порахўр исм-фамилиясининг бош ҳарфигина берилади. Баъзан порахўр-гумондорнинг исм-фамилияси айтилади. Бироқ кўп ўтмай, унинг яна раҳбарлик лавозимида ишлаётганини кўрамиз. Бундайлар ўзимнинг танишларим, ҳатто ҳамкасбларим орасида ҳам бор. Унутманг, жазоланмаган порахўр янги жойда тезроқ улгуриб қолай, деб сурбетлик билан янада кўпроқ сўрайди ёки ўмаради. Буни англаб етиш учун файласуф ёки юрист бўлиш шарт эмас. Бир марта порахўрлиги ёки таъмагирлиги ошкор бўлган одамнинг яна раҳбарлик лавозимида ишлаши, сўзсиз, коррупцияни рағбатлантиради.

Яна бир ҳақиқат, коррупция илдиз отган жойда ёки жамоада ҳалол-пок одамнинг ишлашига имкон берилмайди. Агар жамоа раҳбари профессионал порахўр бўлса, ўзига ўхшаганларни олиб қолиб, тез орада бошқаларнинг жавобини беради. Биринчи навбатда, унинг ўринбосарлари ва бошқарма бошлиқлари ўзига ўхшаган ўғри ва таъмагир бўлишлари керак. Акс ҳолда, ҳадик панд беради. Кўп жамоаларда бу усул кенг тарқалган. Буни ҳаётий тажрибамда кузатганман ва қаршиликларни енгиб ўтиш учун очиқ курашганман.

Ҳаром луқмага ўчлик авлод-аждодга ҳам боғлиқ. Агар отаси, бобоси, онаси, момоси ҳаром луқма еб яшаган бўлса, унинг касофати фарзандга, невара ва чеварага ҳам уради. Кимдир: «Фалончи роса ўмарса ҳам оиласи яхши яшаяпти-ку!» дейиши мумкин. Бу ўткинчи ҳолат. Ҳаром луқма барибир авлод-аждодга зарар етказади.

Қадимда ёш болалар олдин мадрасаларда диний билимни ўрганиб, ҳалол билан ҳаромнинг фарқига бориб, савоб билан гуноҳнинг нималигини билиб, сўнгра дунёвий илмларни эгаллашган. Ҳозир эса болалар ҳадисни улғайганларидан сўнг ўқишяпти. Бунинг устига уларга ҳозир юриш-туришда европалашиб кетган, ҳатто кийинишдан тортиб, еб-ичишгача ғарблашиб кетган аёллар ва қизларнинг тарбиядан дарс бераётганликлари уларнинг онгида ҳаром ва ҳалол деган тушунчаларни шакллантира олмайди. Шунинг учун ҳар бир сўзимизда ҳадеб Имом Бухорий бобомизнинг номини такрорлайвергандан кўра, мактабларда тарбия воситаси сифатида ул зотнинг ҳадис илмини ўргатган маъқулми, дейман-да!..

Президентимиз, «Афсуски, жамиятимизда коррупция иллати ўзининг турли кўринишлари билан тараққиётимизга ғов бўлмоқда», деганида юз фоиз ҳақ эди.

Адолат сўқмоқлари «ғадир-будур»...

Мурожаатномада адолат, тергов ва суд амалиётлари, инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликлари, сансалорлик ва тўрачилик билан боғлиқ масалалар ҳамда бу борада амалдаги ҳолатлар очиқ-ойдин таҳлил қилиб берилди. Айтилган сўзлар ҳар бир инсонга тегишли. Уларни четлаб ўтишнинг иложи йўқ.

Жумладан, асоссиз айбланганлар, оқловлар, суд залидан озод қилинганлар ҳақида гап борар экан, яқин йилларгача бу борада юз берган «кошмар»ларни эсласангиз, этингиз жунжикиб кетади. Нега русча сўз ишлатганимни бироздан сўнг тушуниб етасиз.

Азизлар, яқин йилларгача «ҳизбут-таҳрир»чи деб қамалган 19-20 яшар йигитларнинг ўзлари «Ҳизбут-таҳрир» нималигини билишмайди, ваҳобий деб қийноққа солинганларнинг ўзлари ваҳобийлик нималигини билишмайди. Ўзимиздаги бу «тажриба»нинг Россиянинг ислом дини нималигини билмайдиган терговчилари мукаммал, ҳатто «такомиллаштириб» ўзлаштириб олишди. Телеканаллар ҳали-ҳануз ёш ўзбек йигитлари, яъни ишлагани борган «ҳизбут-таҳрир»чилар ва «ваҳобий»лар қандай ваҳшиёна усулларда қўлга олинаётганини бериб турибди. Ишдан чарчаб келиб, бир хонада қисилиб-қимтиниб ухлаб ётган ёш қишлоқи йигитларни ваҳимали бақириқлар билан, оёқларига тепган, қўллари қайрилган ҳолда «спецназ»чилар олиб чиқиб кетишади. Яна дикторнинг: «Бу «ҳизбут-таҳрир»чилар хонасидан диний-экстремистик адабиёт топилди», деб ваҳима кўтаришини айтмайсизми? Бу «адабиёт» намоз ўқиш тартиби ёзилган китобча холос.

Энди яқин йилларгача турли тамғалар босилиб, ўзимизда юз берган «кошмар»ларга келсак, бунда оғмачи уламоларимизнинг ҳам айби бор. Улар тергов ходимлари олдида журъатсизлик қилиб, ёш йигитларни ҳимоя қилиш ёки ўз тарбиясига олиш ёхуд тўғри йўлга солиш билан сақлаб қолиш ўрнига, аксинча уларга қарши гувоҳликка ўтаверишган.

Шавкат Мирзиёев ҳар қандай ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш соҳасидаги ислоҳотларни янги босқичга кўтариш зарурлигини алоҳида таъкидлаб ўтди. Жумладан, ички ишлар идоралари фаолиятини такомиллаштириш бўйича жиддий ислоҳотлар амалга оширилаётганига эътибор қаратди. Тошкент – жаҳондаги энг тинч ва осойишта шаҳарлардан бири сифатида тилга олинаётганининг ўзи ички ишлар ходимлари фаолиятидаги ижобий ҳолатдир. Бироқ сансалорлик ва ортиқча қоғозбозликни камайтириш йўлларини ҳам излаш лозим. Бу борада айтамиз десак мисоллар кўп. Бироқ биттасини айтмасам бўлмайди.

Ўтган йили 14 яшар неварам билан Туркистон шаҳрига – Аҳмад Яссавий бобомизни зиёрат қилгани бормоқчи бўлдим. «Неварангизга «загран паспорт» керак, бўлмаса уни чегарадан ўтказишмайди», дейишди қўшнилар. Туман ички ишлар бўлимига бордим. Жами етти-саккизта ҳужжат тўғрилаб келишимни айтишди. Тўғрилаб бордим. «Отахон, энди ўғлингиз, келинингиз, неварангиз билан нотариусга борасиз», дейишди. Бордик. Ўғлим билан келиним фарзандимизнинг бобоси билан бориб-келишига рухсат берамиз, деган ўз сўзларини нотариусга тасдиқлатиб беришди. Яна туман ички ишлар бўлимига бордим. «Отахон, энди бу неварамни олдимда олиб юриш билан уни ҳамиша асраб-авайлайман, деган ўз мажбуриятингизни нотариусда тасдиқлатиб келасиз», дейишса бўладими бу ердагилар.

– Азизларим, энди буниси ортиқча, неварамни қоғоз билан эмас, қалбим билан асрайман, – дедим.

– Отахон, бизда тартиб шунақа! – қайсарлик қилишди бу ердагилар.

– Шунақа экан, нега олдинги келганимда шуни айтмадиларинг? – дедим.

– Хаёлимиздан кўтарилибди.

Бюрократияга қарши Президентнинг гапи билан 2017 йилдаёқ қаттиқ кураш бошланган эди. Шунга қарамасдан ўтган қисқа даврда одамларни сарсон-саргардон қилишнинг янги-янги усуллари ўйлаб топилди. Турли вазирлик ва идораларда бу иллат зарарли микробдек тарқаб боряпти.

Шу ўринда бугунги кунда одамларни сарсон-саргардон қилишда ҳар қандай бюрократик тизимни доғда қолдираётган ҳолат билан боғлиқ бир масалада Президент айтган қуйидаги янгиликни ҳаммага эслатиб қўймоқчимиз: «Фуқароларимиз пенсияга чиқиши учун фақат паспорти билан бориб, мурожаат қилиши кифоя бўладиган тизим яратилади».

***

Албатта, жиддий синовларга пешвозлик пок ниятларга ярашади. Агар ниятни пок қилсак, нафақат иқтисодиётни юксалтириб, турмуш фаровонлигини ошира оламиз ҳамда муҳтожларга ҳамдард бўла оламиз, балки орамиздаги бюрократлар, таъмагирлар, ҳуқуқбузарлар, мaддоҳлар ва мунофиқларни бироз бўлса-да, жиловлай оламиз ҳам. Аллоҳ юртимизни ёмон кўзлардан, душман ҳийласидан, дўст хиёнатидан асрасин!

Иброҳим НОРМАТОВ,
Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган журналист, сиёсий шарҳловчи

МАРДИ МАЙДОНЛАР

ИЗҒИРИН ШАМОЛ, ҚОРУ ЁМҒИР ҲАМ ҲАРБИЙ ХИЗМАТЧИЛАРНИ ТЎХТАТА ОЛМАДИ

Жануби-ғарбий махсус ҳарбий округ Нуристон гарнизонидаги ҳарбий қисмлардан бирида Мудофаа вазирлиги томонидан ҳарбий хизматчиларнинг ўқув йили давомида ўзлаштирилган билим, тажриба ва кўникмаларининг назорат текшируви ўтказилди.

Дастлаб шахсий таркибнинг барча анжом-аслаҳалари, қурол-яроғ ва ташқи кўриниши кўриги бўлди. Шундан сўнг иштирокчиларнинг назарий билимлари, яъни ҳарбий топография, тактик тайёргарлик, оммавий қирғин қуролларидан ҳимояланиш, маънавий-маърифий тайёргарлик ва бошқа фанлар бўйича синовлар олинди. Шу билан биргаликда назарий олган билимларини амалиётда қўллаган ҳолда эгаллаган кўникмалари баҳоланди.

Жисмоний тайёргарлик бўйича 3 км ва 100 метр масофага югуриш, турникда тортилиш каби синовлар натижаси эса Ватан ҳимоячиларининг тобланганлик даражасини кўрсатди. Изғирин шамол, қор аралаш ёғаётган ёмғир ҳам уларни шаштидан қайтара олмади. Стадион ёнидаги буюк Соҳибқирон Амир Темур бобомизга бағишлаб барпо этилган монумент уларга жанговар руҳ бағишлаган бўлса, ажаб эмас.

Сигнал бўйича ҳаракатланган ҳарбий хизматчилар қисқа фурсатда жанговар техникаларни шай ҳолатга келтирди. Дала-ўқув майдонига йўл олган калонна белгиланган позицияларни эгаллагач, иштирокчилар жанговар техникалар ва ўқотар қуроллардан отиш тайёргарлиги бўйича тажриба ва маҳоратларини намойиш қилдилар. Машғулотлар давомида командирларнинг ностандарт вазиятларда тезкор қарор қабул қилиш ва шу асосда шахсий таркибни йўналтириш кўникмалари ҳам синовдан ўтказилди.

Ёмғирдан намиққан, лойга қоришган тупроқ кўчалардан дала-ўқув майдони сари йўл оларкансиз, руҳиятингизда янгиланиш ҳис қиласиз. Кўп қаватли бетон уйлар, машиналарга тиғиз кўчалар, сиқилган вақт оқими қўйиб юборилгандек туюлади. Аммо бу кенглик кўпга чўзилмайди. Чунки қисқа муддатда бажариладиган вазифаларнинг салмоғи катта. Аниқ режа асосида шиддат билан ишга киришилади. Ручка тутган қўлларимиз совуқдан ёзишга қийнала бошлаган маҳал ҳарбий хизматчилар жанговар техникаларга ўтириб, отиш тайёргарлигидан назорат машқларини бажаришга киришдилар.

Муаллиф суратга олган

Ҳар бир ишни ҳаракатга келтирувчи бир механизм бўлади. Унинг биргина мурватида носозлик бўлса ритм, натижа бузилади. Қуролли Кучларни ҳам яхлит бир тузилма деб ҳисобласак, унда нафақат ҳар бир командирнинг, ҳар бир Ватан ҳимоячисининг ўз ўрни бор. Муҳими, бизнинг мурватларимиз мустаҳкам. Бунга назорат текшируви натижалари ҳам гувоҳлик берди.

Катта лейтенант Азиз НОРҚУЛОВ,
«Vatanparvar»

ТАРИХ

ЧОР РОССИЯСИ ОФИЦЕРЛАРИ

НЕГА ТОШКЕНТДА ШАРҚ ТИЛЛАРИНИ ЎРГАНГАН?

Ўзбекистонда ҳарбий журналистика тарихи, хусусан чор Россияси мустамлакаси даврида чоп этилган нашрлар ҳақида маълумот излаётганда, бир қизиқ фактга дуч келдим. Яъни Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нодир нашрлар ва қўлланмалар бўлимида сақланаётган ахборотнома эътиборни тортди. Туркистон ҳарбий округи штаби ҳузуридаги Шарқ тиллари бўйича Тошкент офицерлар мактаби томонидан 1911 йилда чоп этилган мазкур ахборотнома «Вестник Ташкентской офицерской школы восточных языков при штабе Туркестанского военного округа» (Туркистон ҳарбий округи штаби ҳузуридаги шарқ тиллари бўйича Тошкент офицерлар мактабининг ахборотномаси) деб номланган экан.

Ахборотномага россиялик ҳарбий шарқшунос, полковник Иван Дионисиевич Ягелло (1865 – 1942 й.) масъул муҳаррир, В. Лосев котиб бўлган. Ахборотноманинг таъсисчи-ходимлар рўйхатида эса қуйидаги шахсларнинг номлари келтирилган: И. Ягелло, Н. Остроумов, А. Семенов, И. Ротъ, Н. Стромилов, Н. Бабушкин, В. Кричевский, В. Лосев, А. Машковцев, Л. Ханыков ва Мулло Абду Ғани.

Ахборотномада келтирилишича, дастлаб 1897 йил 1 октябрда Тошкентда, сўнгра 1897 йил 16 декабрда Ашхободда офицерлар учун Шарқ тиллари бўйича курс ташкил этилган. 1900 йил 11 сентябрда мазкур курслар бирлаштирилиб, Тошкент офицерлар мактабига айлантирилган ҳамда унга полковник И. Ягелло раҳбарлик қилган. Орадан 11 йил ўтиб, мактаб ахборотнома чоп этишга эҳтиёж сезган.

Бу қандай эҳтиёж? Ҳарбийлар учун мўлжалланган ахборотномани чоп этишдан мақсад нима эди? Дастлаб шу саволларга жавоб берсак.

Нашрнинг илк сонидаги кириш қисмида ахборотномадан кўзланган мақсад қуйидагича баён этилган:

округ қўшинлари орасида маълумот тарқатиш;

мактаб ҳаётини ёритиш;

Шарқ тилларини ўргатишга масъул шахсларнинг саъй-ҳаракатларини бирлаштириш;

шарқшуносларнинг илмий ишларини чоп этишга кўмаклашиш.

Демак, мақсад ойдинлашгандек бўлди. Силлиққина ёзилган бу мақсаддан узил-кесил хулоса чиқариш мумкинми? Агар шу йўлдан бориб, масалага юзаки қарасак, мустамлакачилар бизга маърифат олиб кириш, илм-фан ривожига ҳисса қўшишга ҳаракат қилган экан-да, деган хулоса пайдо бўлади. Шу боисдан масала моҳиятига имкон қадар чуқурроқ киришга уриндик.

Ахборотноманинг кутубхонадан топилган 1-сонини варақлаб кўрганимда, унда округ қўмондонининг соҳага алоқадор буйруқлари, рўйхат, жадвал, Шарқ тиллари бўйича маълумотлар, таржимонлар ҳуқуқлари ва бошқа маъмурий, услубий ҳужжатлар, қўлланмалар чоп этилганига гувоҳ бўлдим. Тўғриси, ахборотномадан ҳарбий журналистика билан боғлиқ муҳим нарса тополмадим. Фақат ўша даврдаги бир нашр сифатидагина ахборот ололдим. Яна савол очиқ қолди. Нега мустамлакачилар, хусусан ҳарбийлар Шарқ тилларини ўрганишга бунчалар жиддий эътибор қаратишди?

Саволга жавоб топиш учун аввало ҳарбий шарқшунос полковник И. Ягелло ким эканлиги билан қизиқдим. Глобал тармоқда Т.Н. Загородниковининг «Военно-исторический журнал»да берилган мақоласида биз излаган мутахассис ҳақида айрим маълумотлар келтирилган экан.

Мақолада муаллиф рус ҳарбий шарқшуноси Ягелло фаолияти ва Россияда янги ҳинд тилларини ўрганишга бўлган эътибор бўйича мулоҳаза юритади. Ундаги мана бу жумлаларга эътибор қаратинг.

«По мере присоединения новых земель к Туркестанскому генерал-губернаторству (Туркестанскому военному округу) границы Российской Империи все ближе подходили к границам английских владений в Индии. Задачи разведки возможного противника заставляли военное ведомство «озаботиться» проблемой изучения языка Северной Индии».

Яъни қисқача мазмунини баён этадиган бўлсак, муаллиф янги ерлар Туркистон генерал-губернаторлигига (Туркистон ҳарбий округи) қўшиб олиниши (босиб олиниши, деса тўғироқ бўларди, муаллиф изоҳи) билан Россия империяси чегаралари Англия мустамлакасидаги Ҳиндистон ҳудудига тобора яқинлашиб қолгани, эҳтимол тутилаётган душман разведкаси масаласи ҳарбий идорани Шимолий Ҳиндистон тилини ўрганишга мажбур қилаётганини айтади.

Қолаверса, мақолада, XIX асрнинг 90-йиллари ўрталарида Туркистон ҳарбий округи ҳарбийлари олдида урду ва ҳинди тилини ўқитиш масаласи нега кун тартибига чиққани билан боғлиқ бошқа фикр ҳам билдирилади. Яъни Ўрта Осиёни босиб олганидан кейин чор Россияси мустамлакачилари Тошкент, Самарқанд ва бошқа шаҳарларда яшайдиган ва савдо-сотиқ қиладиган ҳиндлар билан мулоқот қилишига тўғри келиб қолган эмиш.

Хўш, биз қайси фикр тарафида турамиз? Шарқ тиллари разведка учун, империя таъсир доирасини, ҳудудларини кенгайтириш учун, яъни чор Россиясининг геосиёсий манфаатлари воситаси бўлганми ёки савдо-сотиқ ишлари ривожида мулоқот учун ўрганилганми? Назаримда, иккинчи фикрни ёқласак, мантиқан тор ўйлаган бўламиз. Ҳақиқатни ойдинлаштириш учун яна манбага мурожаат этамиз.

Муаллиф Т.Н. Загородникова шундай ёзади:

«21 июня 1895 года начальник Военно-ученого комитета генерал от инфантерии Н.Н. Обручев направил письмо министру иностранных дел князю А.Б. Лобанову-Ростовскому о необходимости изучения языка хиндустани, в котором было указано, что «государю императору благоугодно было дать высочайшее указание о необходимости предоставить офицерам Туркестанского военного округа и Закаспийской области изучать индусские наречия».

Айнан мазкур мактуб йўлланганидан сўнг Туркистон ҳарбий округида шарқ тиллари бўйича офицерлар тайёрлаш курсига асос солинади. Демак, ҳарбий-илмий қўмита бошлиғи генерал Н. Обручевнинг ташқи ишлар вазирига хатидан кейин амалдор бу масала бўйича императорга маълум қилган. Хатнинг тўлиқ мазмуни бизга қоронғи. Аммо биринчидан, Шарқ тилларини ўрганиш фақатгина таржимонлар тайёрлаш учун зарур бўлганида муаммо император даражасига олиб чиқилмасди.

Иккинчидан, нуфузли лавозимни эгаллаган генерал «Туркистон ҳарбий округи ва Закаспий вилоятида ҳиндчани ўрганишга император кўрсатма бериши муҳим аҳамият касб этган бўларди», деб ташқи ишлар вазирига билдиряптими, демак, муаммо замирида катта ҳарбий мақсад, муддао, стратегик муҳим масала яширин. Буни разведка дейсизми, мустамлака ҳудудини кенгайтириш орзуси дейсизми, Ҳиндистонни таъсир доирасига олишми?! Бу тахминлар бизни икки империя – Россия – Буюк Британия ўртасидаги геосиёсий рақобат, катта ўйин сари элтади.

Шарқшунос полковник ҳақидаги маълумот ҳам қайсидир маънода тахминимизни қўллаб-қувватлайди. Иван Ягелло 1865 йил 21 июнда Юрьев шаҳрида, ҳарбий дворян оиласида туғилган. Псков кадет корпусини тугатгач, 1884 йилда 2-Константин ҳарбий билим юртига ўқишга киради ва биринчи разряд билан битиради. 1892 йилда Петербургга, Ташқи ишлар вазирлиги Осиё департаменти ўқув бўлими ҳузуридаги Шарқ тиллари бўйича офицерлар курсига сафарга йўлланганига қадар артиллерияда хизмат қилади. Икки йиллик курсни ва Археология институтини битиргач, 1895 йилда Туркистон ҳарбий округи қўмондони ихтиёрига юборилади. Тошкентга келар-келмас форсчани биладиган бу мутахассисни Францияга урду тилини ўрганишга йўллашади. Икки йил давомида Шарқ тиллари мактабида таҳсил олади. Юқорида келтирилганидек, 1900 йилдан Тошкент офицерлар мактабига раҳбарлик қилади.

Ягелло ҳарбийларга урду тилини қўшимча ўргатиш учун амалиётчи топиш муаммоси бўйича 1898 йил 16 июнда юқори қўмондонликка билдирги беради. Натижада Тошкентдаги курсга кашмирлик Мустафо Кабир шоҳ жалб этилади. Мақолада келтирилишича, Мустафо 3 ой давомида фаолият юритган.

Бундан ташқари мақола муаллифининг ёзишича, Россиянинг Бомбейдаги бош консули В. Фон Клемга ҳам урду тили бўйича амалиётчи топиш масаласида мурожаат қилинади. Консул тавсияси билан Халилиддин Аҳмад Тошкентга келади. У урду, форс ва инглиз тилларини жуда юқори даражада билган. 1907 йилда шартнома муддати тугагач, Халилиддин билан хайрлашадилар. Уни жосусликда гумон қилишади.

Келтирилган маълумотлар таҳлили кўрсатмоқдаки, чор Россияси Шарқ тилларини Туркистон ҳарбий округида хизмат қилаётган офицерларга ўргатиш учун жиддий чоралар кўрган, катта маблағ сарфлаган. Фақатгина дарс бериш эмас, балки билимларни амалда мустаҳкамлашгача эътибор берилган.

Ҳатто очилган курс, мактаб фаолияти тафтиш ҳам қилинган. Яъни жиддий назорат остида бўлган. Масалан, Москвадаги «Разведчик» журналининг 1910 йил 30 мартдаги сонида форс тили бўйича мутахассис генерал-майор К. Блюмернинг «Офицеры-востоковеды» номли мақоласи чоп этилган бўлиб, И. Ягелло фаолияти танқид остига олинади. Яъни Шарқ тилларини ўргатиш сифати ҳақида фикр билдирилади. Бунга жавобан И. Ягелло «Туркестанский ведомости» газетасининг 1910 йил 27 апрелдаги 92-сонида ҳамда «Разведчик» журналининг 1019-сонида мақола чоп этади ҳамда вазиятга изоҳ беради. Разведкачилар учун мўлжалланган нашрда бу муаммо юзасидан мунозаралар билдирилгани ҳам Тошкентдаги мактаб армия учун фақатгина таржимонларни эмас, балки ҳарбий жосусларни тайёрлаш учун ҳам хизмат қилган, деган хулосага олиб келади.

Британия ва Россия империяларининг Жанубий ва Марказий Осиё устидан ҳукмронликни ўрнатишга қаратилган ўзаро геосиёсий курашида – катта ўйинида Туркистон ҳарбий округи ҳузуридаги Тошкент Шарқ тилларини ўргатиш мактаби муҳим сиёси воситаларидан бири бўлган.

Резервдаги полковник Алижон САФАРОВ, Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар университети ўқитувчиси

МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШДАН – МИЛЛИЙ ЮКСАЛИШ САРИ

ҲАРБИЙ-ВАТАНПАРВАРЛИК ЙЎНАЛИШИДАГИ БОЛАЛАР ВА ЎСМИРЛАР ТАШКИЛОТИНИ ТУЗИШ ТАКЛИФИ БИЛДИРИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти, Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондони Шавкат Мирзиёев раислигида Хавфсизлик кенгашининг миллий армиямизни янада ривожлантириш ва ислоҳ қилиш масалаларига бағишланган кенгайтирилган йиғилишида белгилаб берилган вазифалар ижросига бағишланган брифинг бўлиб ўтди.

Мудофаа, Олий ва ўрта махсус таълим, Халқ таълими ҳамда Мактабгача таълим вазирликлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита ва Ўзбекистон Халқаро ислом академияси, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи, Меҳнат ва бандлик муносабатлари вазирлиги вакиллари иштирокида Қуролли Кучлар академиясида ўтган тадбирда ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш тизимини такомиллаштириш, уларни мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар жараёнига жалб қилиш, интеллектуал ва ижодий салоҳиятини рўёбга чиқариш масалалари муҳокама қилинди.

Сўзга чиққанлар ахборот маконидаги қарама-қаршилик, ёш авлоднинг онги ва қалби учун кураш кучайган шароитда ҳарбий-ватанпарварлик руҳидаги тарбиянинг ўрни ва аҳамияти ҳақида фикр юритдилар. Улар томонидан ҳарбий-ватанпарварлик йўналишидаги болалар ва ўсмирлар ташкилотини тузиш, унинг мақсад ва вазифаларини белгилаш, номи ва рамзини танлаш, лицей ва умумтаълим мактабларида, мактабгача таълим ташкилотларида, таътил вақти болалар оромгоҳларида унинг бошланғич ташкилотлари фаолият йўналишларини аниқлаш бўйича фикр-мулоҳаза ва таклифлар билдирилди. Мудофаа вазирлиги тарбиявий ва мафкуравий ишлар органлари офицерларини алоҳида тоифадаги шахслар билан самарали тарғибот ишларини йўлга қўйиш, зарур ҳолларда ёт ғояларга қарши ўқув курсларини ташкил этиш, ҳарбий пенсионерларни тегишли мутахассисликларга тайёрлаш, уларни ишга жойлаштириш орқали ёшларни тарбиялаш жараёнига жалб қилиш масалалари ҳам муҳокама марказида бўлди.

Брифинг якунида ҳарбий-ватанпарварлик тарбияси бўйича вазирлик ва идоралар ҳамда маҳаллий ҳокимият органлари ўртасидаги ҳамкорлик, ўртага ташланган таклифлар бўйича тегишли хулосалар қилинди.

Эркин ОТАМУРОДОВ

Муаллиф суратга олган

Юртбошига камарбаста

Тошкент Ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институтининг Маданият саройида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасида билдирилган фикр ва мулоҳазаларидан келиб чиқиб «Биз – ёшлар Президентимизга камарбастамиз» мавзусида маърифий учрашув ўтказилди.

Унда давлат ва жамоат арбоблари, Ўзбекистон Қаҳрамонлари, Мудофаа вазирлиги фахрийлари, академиклар ҳамда талабалар иштирок этди. Сўзга чиққанлар бугун мамлакатни тараққий эттириш йўлида бошлаган ислоҳотларни давом эттиришда ўсиб келаётган ёш авлодда дахлдорлик туйғуларини шакллантириш, бу йўлда давлат раҳбари ёнида бир тану бир жон, камарбаста бўлишимиз олдимизда турган юксак вазифа эканини таъкидладилар. Улар ўз ҳаётлари давомида эришган ютуқлари ва ёшларга ўрнак бўлувчи тажрибалари билан ўртоқлашиб, ёшларни илм сирларини эгаллашга, ўз оиласи, Ватанини севувчи, юртига ва халқига ватанпарвар бўлишга чақирди.

– Маърузалардан жуда кўп нарсаларни ўргандик. Ёшлар фақат бозорга чиқиб, пул топишни ўйлаб, маънавиятдан узоқлашмасин, дейишди. Улғайиб ҳар қандай лавозимда ўтирсангиз ҳам, ўзингиз ва яқинларингизнигина қўллаб-қувватлаб, мамлакат ривожига ҳисса қўша олмайсиз. Худбинликдан йироқ бўлиш керак. «Оммавий маданият»га оғиб кетмаслик лозим. Хато қилишдан эмас, уни такрорлашдан қўрқишимиз керак. Бу каби ибораларни қайд қилиб бордим, ташкилотчиларга катта раҳмат, – дейди институт талабаси Равшан Абдуллаев.

Тадбир давомида Қуролли Кучлар Марказий ашула ва рақс ансамбли томонидан ижро этилган куй-қўшиқлар, институтнинг ижодкор талабалари томонидан ўқилган шеърлар кўпчиликнинг диққат эътиборида бўлди.

Абдулла ЎКТАМҚУЛОВ

Ёшлар билан учрашув

Мудофаа вазирлиги Тоифаланган объектларни қўриқлаш қўшинлари қўмондонлиги, Юнусобод тумани ҳокимлиги ва туман прокуратураси ҳамкорлигида вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ҳамда жиноятчиликка қарши кураш, ёшларда ватанпарварлик руҳини янада мустаҳкамлаш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилди.

Унга кўра туман прокуратураси ҳамда ҳокимияти билан ҳамкорликда «Янги Ўзбекистонни, албатта, ёшларимиз билан бирга қурамиз!» шиори остида ёшларнинг одоб-ахлоқи, юриш-туриши, дунёқарашини ўзгартириш, уларда ватанпарварлик руҳини шакллантириш, ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликнинг олдини олиш мақсадида маънавий-маърифий тадбир ўтказилди.

Сўзга чиққан Тоифаланган объектларни қўриқлаш қўшинлари қўмондони полковник Журъат Яқубов, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, кинорежиссёр Ҳилол Насимов Президентимиз томонидан ёшларга қаратилаётган эътибор, яратилаётган шарт-шароитлар ва берилаётган имкониятлар хусусида тўхталиб, ёшларни ватанпарварлик, фидойилик ва фаолликка чақирди.

Ички ишлар органларида профилактик рўйхатда турган вояга етмаганлар, шунингдек, мактаб ички рўйхатида назоратга олинганлар ҳамда 100 нафардан ортиқ мактаб ўқувчи ёшлари ва кенг жамоатчилик вакиллари ҳарбий қисм ўқув-моддий базаси билан ҳам танишдилар. Тарихий саҳна кўринишлари, ватанпарварлик, юртга садоқат, фидойилик ва меҳр-муҳаббатни тараннум этувчи куй-қўшиқ ва рақслар намойиши, китоб ярмаркасига уланиб кетди.

Шартнома бўйича ҳарбий хизматчи, оддий аскар Жаҳонгир МАДАМИНОВ

МЕН ҒОЛИБ!

ЭНГ КУЧЛИЛАР АНИҚЛАНДИ

Шарқий ҳарбий округнинг «Ғурумсарой» дала-ўқув марказида Мудофаа вазирлиги муддатли ҳарбий хизматчилари ўртасида «Энг илғор мутахассис» кўрик-танловининг якуний босқичи бўлиб ўтди. «Мен ғолиб!» шиори остида икки йилдан буён ўтказилиб келинаётган мазкур кўрик-танлов юзлаб иқтидорли ҳарбий хизматчиларни кашф этмоқда.



Бу йил муддатли ҳарбий хизматчилар 19 йўналиш бўйича баҳслашди. Шулардан «Энг илғор ПКМ пулемётчиси», «Энг илғор РПК-74 пулемётчиси», «Энг илғор мерган», «Энг илғор гранатомётчи», «Энг илғор СПГ-9 ҳисоби» ва «Энг илғор АГС-17 ҳисоби» мутахассисликлари бўйича ғолиб ва совриндорлар номи «Ғурумсарой» дала-ўқув марказида аниқланди.

Иштирокчилар жисмоний тайёргарлик, ўзларига бириктирилган қурол-аслаҳаларни жанговар шай ҳолатга келтириш, назарий билимларини намойиш этиш ҳамда отиш меъёрлари каби машқларда синалди. 3 км, 100 метрга югуриш ҳамда турникда тортилиш каби жисмоний тайёргарлик босқичларида бир қатор мақтовга лойиқ натижалар қўлга киритилди.

Мезбон ҳарбий округ шарафини ҳимоя қилган муддатли ҳарбий хизматчилар маънавий-маърифий ва жанговар тайёргарликлар бўйича назарий саволларни ўзида жамлаган тест синовлари ҳамда 3 км.га югуриш борасида етакчилик қилган бўлсалар, 100 метрга югуриш, турникка тортилиш баҳсларида Жануби-ғарбий махсус ҳарбий ҳамда Шимоли-ғарбий ҳарбий округ вакиллари илғорликни қўлдан бой бермади.

Беллашувларда ўтган йилги натижалардан фарқли ўлароқ рекордлар ҳам қайд этилганлигини ҳам алоҳида таъкидлаш мумкин.

Деярли бир ҳафта давом этган танлов барча йўналиш натижаларига кўра ғолиблик Жануби-ғарбий махсус ҳарбий округнинг «Хайробод» жамоасига насиб қилди. Шимоли-ғарбий ҳарбий округ шарафини ҳимоя қилган «Нукус» жамоаси иккинчи, «Ғурумсарой» жамоаси учинчи ўринни қўлга киритди. Жануби-ғарбий махсус ҳарбий округнинг «Бухоро» жамоаси тўртинчи ўриндан жой олди. Шунингдек, танловнинг шахсий йўналишларида ҳам «Энг илғор мутахассис» номи аниқланди.

Асрор РЎЗИБОЕВ, «Vatanparvar»

ОПРЕДЕЛЕНЫ ЛУЧШИЕ ПО ПРОФЕССИИ

На базе полигона Чирчикского высшего танково-командного инженерного училища под девизом «Мен ғолиб!» (Я – победитель!) состоялся конкурс на звание лучшего по профессии среди военнослужащих срочной военной службы, в масштабе соединений и частей смешанного состава Министерства обороны Республики Узбекистан.

Конкурс длился четыре дня. За этот период методом тестирования были проверены и оценены теоретические знания наводчиков-операторов и механиков-водителей танков, БМП и БТР по дисциплинам боевой и духовно-просветительской подготовки, в том числе по огневой и технической подготовке. Кроме того, участники конкурса показали свои навыки в выполнении нормативов по физической подготовке – бег на 3000 м, на 100 м, подтягивание на перекладине и упражнений по огневой подготовке и вождению боевых машин.

По итогам конкурсов лучшими по профессии в шести номинациях победителями стали:

– «Лучший стрелок из танка» – рядовой Фахриддин Хурозов;
– «Лучший стрелок из БТР» – рядовой Дониёр Тургунов;
– «Лучший стрелок из БМП» – рядовой Элдор Эргашев;
– «Лучший механик-водитель танка» – рядовой Шохрух Озодов;
– «Лучший механик-водитель БТР» – рядовой Иброхим Мамараимов;
– «Лучший механик-водитель БМП» – рядовой Султонали Мирзажонов.

– Благодарю своих наставников, командиров и начальников, – говорит рядовой Шохрух Озодов, – за их доверие и возможность участвовать в конкурсе. В будущем планирую поступить в ЧВТКИУ, мне еще нужно много учиться, чтобы осуществить свою мечту.

В завершении конкурса лучшего по профессии победители и призеры награждены дипломами и современными планшетами.

А. АХМЕДОВ

АСКАРЛАРНИНГ МУРОСАСИЗ БАҲСЛАРИ

Марказий ҳарбий округ «Фориш» дала-ўқув майдонида ҳам муддатли ҳарбий хизматчилар ўртасида ўтказилган «Энг илғор мутахассис» кўрик-танловининг муҳандислик йўналиши бўйича якуний босқичи бўлиб ўтди.

Қизғин кечган танловда ҳар бир иштирокчи қўйилган топшириқни бехато бажариб, ўз жамоаси ҳисобига керакли баллни қўшиш учун бор имкониятини ишга солди. «Мен ғолиб!» шиори остида кечган аскарларнинг муросасиз баҳсларининг «Энг илғор муҳандислик разведка дозори» йўналишида биринчи ўрин Шимоли-ғарбий ҳарбий округ жамоасига насиб этди. Иккинчи ўринни Шарқий ҳарбий округ шарафини ҳимоя қилган ҳарбий хизматчилар қўлга киритди. Учинчи ўрин эса Жануби-ғарбий махсус ҳарбий округ жамоасига насиб этди. «Энг илғор мутахассис сапёр» йўналишида биринчи ўринга Жануби-ғарбий махсус ҳарбий округдан иштирок этган муддатли ҳарбий хизматчи лойиқ топилди. Шарқий ҳарбий округ жамоаси бу йўналишда ҳам иккинчи бўлди. Шимоли-ғарбий ҳарбий округдан қатнашган муддатли ҳарбий хизматчилар кучли учликнинг қуйи қисмидан жой олди.

Ғолиб ва совриндорлар диплом ва эсдалик совғалар билан тақдирланди.

Шохруҳ САИДОВ

МЕЖДУНАРОДНОЕ СОТРУДНИЧЕСТВО

ВОЕННАЯ ДЕЛЕГАЦИЯ ПОСЕТИЛА АКАДЕМИЮ ВООРУЖЕННЫХ СИЛ

Академию Вооруженных Сил Республики Узбекистан посетила военная делегация Исламской Республики Пакистан во главе с генерал-майором Фидой Хусейном Маликом.

Фото автора

В ходе экскурсии по Академии, гости ознакомились с процессом обучения курсантов, посетили музей академии, с интересом осмотрели созданные для курсантов условия жизни и быта. Особый интерес гостей вызвал информационно-ресурсный центр академии и специализированный учебный класс Вооруженных Сил Исламской Республики Пакистан.

В ходе визита представителями военной делегации проведено семинарское занятие с участием профессорско-преподавательского состава АВС РУ на тему: «Информационная безопасность государств и Вооруженных Сил».

В рамках визита также обсуждены вопросы по укреплению тесного сотрудничества между двумя государствами как в военной, так и в других сферах.

Чингиз РАИМБЕРДИЕВ

ҲАМКОРЛИК ОЛДИДАН

Ўзбекистон ва Тожикистон Мудофаа вазирлиги авиация соҳаси бўйича яқин ҳамкорлик арафасида турибди.

Муаллиф суратга олган

Ўзбекистон Республикаси Олий ҳарбий авиация билим юртига Тожикистон Мудофаа вазирлигига қарашли ҳарбий институт авиация факультети бошлиғи полковник Саломатшозода Восиф Саломатшо бошчилигидаги бир гуруҳ ҳарбий хизматчилар ташриф буюрди.

Делегация аъзолари Ўзбекистон Республикаси Олий ҳарбий авиация билим юртида таҳсил олаётган курсантлар учун яратилган кенг имкониятлар билан яқиндан танишди. Мазкур даргоҳда тайёрланадиган ҳарбий учувчиларнинг замонавий жиҳозлар билан таъминланган ўқув хоналари, уларнинг яшаш шароити қўшни давлат вакилларида катта қизиқиш уйғотди.

– Фойдаланишга топширилганига ҳали кўп бўлмаган, замонавий қиёфа касб этган Ўзбекистон Республикаси Олий ҳарбий авиация билим юрти тожикистонлик ҳамкасбларимизда кучли қизиқиш уйғотди, – дейди билим юрти бошлиғининг биринчи ўринбосари полковник Жамол Рўзиев. – Айниқса, курсантларимизнинг келгуси фаолиятидаги парвозлари олдидан кўраётган қизғин тайёргарликлари уларда катта таассурот қолдирди.

Ислом ҚЎЧҚОРОВ

ИНТЕЛЛЕКТУАЛЬНОСТЬ

ПРОВЕРКА ЗНАНИЙ И ЛОГИКИ

В Ташкентском государственном аграрном университете группа военнослужащих срочной военной службы сдала тестовые экзамены для получения рекомендации для поступления в высшие образовательные учреждения.

В начале экзаменов, сотрудники Государственного тестового центра при Кабинете Министров провели инструктаж по правилам сдачи тестовых испытаний. Заполнив бланки, необходимо за три часа решить сто тестовых заданий. Помимо математики, физики и логических вопросов, военнослужащие решают вопросы как по боевой, так и по духовно-просветительской подготовкам. Максимальный балл – 110.

В целях обеспечения прозрачности проведения тестовых испытаний, в аудиториях установлены камеры наблюдения, на электронном табло фиксируется оставшееся время.

Сегодня для рядового из Самаркандской области Худойназара Тангирова важный день. Как и все из присутствующих в аудитории военнослужащих срочной военной службы, он готовился к военной службе, ведь его мечта поступить в Академию Вооруженных Сил Республики Узбекистан.

– В период прохождения военной службы, – говорит Худойназар, – мы тщательно изучаем предметы боевой, духовно-просветительской подготовки и общеобразовательные предметы, совершенствуем свою физическую подготовленность. Для этого в нашей воинской части созданы все условия. Благодаря рекомендациям командования воинской части, мы получили возможность проверить свои знания, полученные в ходе теоретических и практических занятий.

Фото Бахрома Абдурахимова

А. АХМЕДОВ

Мудофаа вазирлиги тизимига оид сўнгги маълумотлар билан қуйидаги манзиллар бўйича танишинг: t.me/mudofaa_press facebook.com/UzArmiya instagram.com/uzbekistanarmy

2020 ЙИЛ – ИЛМ, МАЪРИФАТ ВА РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙИЛИ

РАҚАМЛИ ТЕХНОЛОГИЯЛАР ИСТИҚБОЛЛАРИ

Муаллиф суратга олган

Кейинги кунларда кўп бора тилга олинаётган рақамли иқтисодиёт, янги платформа ва моделларни яратиш рақамли технологиялар билан чамбарчас боғлиқ. Ҳарбий алоқа учун ҳам симсиз, электрон усулда ахборот алмашишнинг ўрни ғоятда муҳим. Ахборот-коммуникация технологиялари ва алоқа ҳарбий институтида «Қуролли Кучлар тизимида инновацион технологиялар ва уларни амалиётга жорий этиш истиқболлари» мавзусида ўтказилган республика илмий-услубий конференциясида шу каби масалалар муҳокама этилди.

Юртимиздаги қатор илмий-тадқиқот ва олий ҳарбий таълим муассасаларининг профессор-ўқитувчилари, хорижлик олимлар, курсантлар иштирок этган анжуманнинг ялпи мажлисида институт бошлиғи подполковник Х. Муҳиддинов давлатимиз раҳбари томонидан институтнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва ҳарбий алоқа йўналишида юқори малакали ҳарбий-илмий кадрлар тайёрлашга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлади. Хусусан, институтнинг янги «Ҳарбий алоқа ва АКТ хабарлари» илмий-услубий журнали нишона сонидан бошлаб Олий аттестация комиссияси тавсия этган илмий нашрлар рўйхатига киритилгани ва ушбу таълим муассасасида тегишли ихтисослик бўйича илмий даражалар берувчи кенгаш ташкил этилаётганини қайд этди.

Анжуман доирасида меҳмонлар ҳарбий институтда ўқитувчи ва курсантлар олиб бораётган илмий-тадқиқот ҳамда инновацион ишланмалар кўргазмаси билан таништирилди. Жумладан, танк ўқув симулятор тренажёри, «Сумо» робот қурилмаси, нутқ сифатини яхшилаш учун дастурий таъминот, интернет тезлигини ўлчаш учун қурилма, «ТеМерган» тармоқлараро экрани, симсиз алоқа каналлари орқали маълумот узатишда ахборот хавфсизлигини таъминлашнинг криптографик усуллари қўлланилган «Crypton» қурилмаси каби қатор ишланма муаллифлари ўзлари яратган маҳсулотлари ҳақида атрофлича маълумот берди.

Куннинг иккинчи ярмида анжуман мавзусига доир мунозара ва муҳокамалар бешта шўъбага бўлинган ҳолда давом этди.

Анжуман якунида соҳадаги сўнгги янгиликлар, илғор ва замонавий технологияларни ҳарбий алоқа тизимига татбиқ этиш юзасидан таклифлар ишлаб чиқилди.

Д. РЎЗИҚУЛОВ

ЎҚУВ-УСЛУБИЙ ЙИҒИН

СЕМЕСТР ОРАЛИҒИДА

> «Фақат юксак касбий билим ва малакага, педагогик маҳоратга эга бўлган ўқитувчигина курсант ва тингловчиларга тўлақонли ва сифатли билим бера олади». Қуролли Кучлар академиясида профессор-ўқитувчилар таркиби билан қишки ўқув семестри оралиғида ўтказилган ўқув-услубий йиғин мазкур шиор остида ташкил этилди.

Беш кун давом этган ўқув-услубий йиғин умумий пленар йиғилишлар, умумий маърузалардан сўнг кафедралар, фанлар ва мутахассисликларга бўлинган ҳолда гуруҳларда ишлаш, семинарлар, очиқ ва маҳорат дарсларини ташкиллаштириш, амалий машқларни бажариш кабиларни ўз ичига олди.

– Йиғин самарадорлигини ошириш мақсадида машғулотларга мамлакатимизнинг нуфузли олий таълим муассасалари, вазирлик ва идораларнинг мутахассислари кенг жалб қилинди, – дейди академия гуманитар фанлар кафедраси доценти подполковник Комилжон Насиров. – Жумладан, Президент ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Бош илмий методик марказ, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети мутахассислари, шунингдек Қуролли Кучлар академияси етакчи услубчилари ўзларининг қизиқарли маъруза ва чиқишлари билан қатнашди.

Тадбирда анъанавий маъруза ўқишлар минималлаштирилиб, асосан жонли мулоқот, савол-жавоб, баҳс-мунозара, таълимдаги муаммоли масалаларни кўриб чиқиш ва ечимини таклиф қилишга кенг эътибор қаратилгани иштирокчиларга манзур бўлди.

Маърузалардан сўнг кичик гуруҳларга бўлинган профессор-ўқитувчилар навбатдаги ёки кутилаётган машғулотга ўқитувчининг тайёргарлик кўриши, машғулотларнинг хусусиятларидан келиб чиқиб, семинар, амалий ва назорат турларини ўтказиш, кўргазмали ёки очиқ машғулотларни ташкил этиш услублари билан таништирилди. Уларнинг натижаларини кафедра йиғилишида муҳокама қилиш тартиби, лавозимга янги тайинланган ўқитувчилар билан ўқув-услубий ишларнинг аҳамияти, «Устоз – шогирд» тамойилларини кафедра доирасида қўллаш методлари, курсант ва тингловчилар билан индивидуал ишларни, мустақил тайёргарлик ва консультацияларни ташкиллаштириш методикаси, ўқув фильмлари, техник ахборот воситаларининг аҳамияти ва қўллаш методлари таълимни фаоллаштирувчи инновацион ёндашувлар кесимида батафсил кўриб чиқилди.

Жаҳонгир МАДАМИНОВ суратга олган

Йиғин якунида профессор-ўқитувчиларнинг билимини баҳолаш ва янада мустаҳкамлаш мақсадида тест синовлари қабул қилинди.

Шаҳриёр КОМИЛОВ

ТИЛ ЎРГАНИШ БОРАСИДА

илғор тажрибалар оммалаштирилмоқда

> Қуролли Кучлар академияси тиллар кафедрасида мазкур олий ҳарбий таълим муассасаси ва Чирчиқ олий танк қўмондонлик-муҳандислик билим юртининг инглиз тили ўқитувчилари иштирокида чет тилларни ўқитиш борасида дунёнинг ривожланган мамлакатлари томонидан эришилган инновацион ютуқ ва тажрибаларни ўрганиш, илғорлар натижасини оммалаштириш ҳамда ўзаро тажриба алмашишга бағишланган интенсив услубий семинар ташкил этилди.

Жаҳонгир МАДАМИНОВ суратга олган

Тадбирда Британия кенгашидан таклиф этилган мутахассис Жеймс Томас Эдвард ўз тажрибалари билан ўртоқлашди. Хорижлик мутахассис мамлакатимизда аҳоли, айниқса ёшларнинг чет тилларни ўрганишга бўлган қизиқишлари юқори эканлигини ижобий баҳолади.

Иштирокчилар олий ҳарбий таълим муассасасида ҳарбий хизматчиларнинг тил ўрганишлари учун яратилган шароитлар қулай эканлигини ҳамда ташкил этилган мазкур семинар ҳар томонлама фойдали бўлиб, сермазмун ўтганини эътироф этишди.

Дарҳақиқат, кафедра замонавий талабларга кўра жиҳозланган. Унинг қошида услубий ахборот-ресурс маркази ҳам мавжуд бўлиб, зарур адабиётлар, интерактив доска ва ахборот техника воситалари билан таъминланган. Эътиборимни дала шароитининг кичрайтирилган макети ҳамда унга жойлаштирилган турли тактик элементлар тортди.

– Ушбу макет курсант ва тингловчиларнинг чет тили бўйича нутқини ўстириш мақсадида жорий қилинган, – дейди кафедра катта ўқитувчиси Шоҳида Абдурайимова. – Яъни улар мазкур тактик элементлар ва улар воситасида амалга оширилиши лозим бўлган ҳаракатларни чет тилида айтиб беришлари зарур.

– Кафедрамизда ҳарбий хизматчилар учун инглиз, француз, немис, турк ва хитой тилларини ўрганиш бўйича факультатив машғулотлар ҳам ташкил қилганмиз, – дейди академия тиллар кафедраси бошлиғи вазифасини бажарувчи полковник Азизжон Тоиров. – Машғулотлар хорижлик мутахассислар билан ҳамкорликда олиб борилади. Бугун ушбу машғулотларга талабгорлар сони тобора ортиб боряпти.

Зуҳра ТЎРАҚУЛОВА,
ўқитувчи

ВАТАНПАРВАРЛИК – МИЛЛИЙ ЮКСАЛИШ КАФОЛАТИ!

ОЛИС ВА ЧЕККА ҲУДУДЛАРДАГИ ТАРҒИБОТ ТАДБИРЛАРИ

Мамлакатимиз бўйлаб Ватан ҳимоячилари куни шодиёналари кенг нишонланди. Айём шукуҳи ҳамон давом этмоқда. Корхона, ташкилот, маҳалла-кўй, таълим муассасаларида қутлуғ байрам тантаналари «Ватанпарварлик – миллий юксалиш кафолати!» шиори остида ўтказилиши шу азиз Ватанда яшовчи ҳар бир инсоннинг қалбу шуурида юксак туйғуларни уйғотиши шубҳасиз. Зеро туғилиб ўсган Ватанни севиш, тақдирини киндик қони тўкилган табаррук юрт тақдири билан чамбарчас боғлиқ деб билиш ва унинг бугунию эртаси учун қайғуриш, дахлдорлик ҳисси билан яшаш муқаддас Ўзбекистонда истиқомат қилаётган ҳар бир инсон учун чинакам фазилат, инсоний бурчдир.

Бахром ИЛҲОМЖОНОВ суратга олган

Юртдошларимиз, айниқса, ёшлар ўртасида Ватанга муҳаббат туйғуларини кучайтириш, эртамиз давомчиларининг ҳарбий-ватанпарварлик тарбиясини янада мустаҳкамлаш мақсадида шу кунларда мамлакатимизнинг олис ва чекка ҳудудларида ватанпарварлик тарғибот тадбирлари ўтказилмоқда. Шундай тадбирлардан бири Навоий вилоятининг Учқудуқ туманига қарашли олис Узунқудуқ овулида бўлиб ўтди. Тадбир Мудофаа вазирлиги томонидан давлат ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда ташкиллаштирилди.

Учқудуқ шаҳридан 200 чақирим узоқда, улкан Қизилқум саҳросининг бағрида жойлашган Узунқудуққа енгил машина ва автобуслардан иборат ватанпарварлик карвони кириб бораркан, овул аҳли уларни катта қизиқиш билан қарши олди. Асосий дастурлар намойиш этилиши учун овулдаги мўъжаз мактаб биноси ҳудуди танланди. Унда нафақат ўқувчи ёшлар, балки боғча болалари ва узунқудуқлик аҳоли иштирок этди.

Тадбирда Мудофаа вазирлиги масъул офицерлари, Навоий вилояти мудофаа ишлари бошқармаси, Ёшлар иттифоқи вилоят бўлими, Миллий гвардия ҳарбий хизматчилари ва Учқудуқ тумани ҳокимияти вакиллари ҳамда фахрийлар сўзга чиқди.

Шундан сўнг Навоий вилоятида жойлашган Ички ишлар вазирлиги Қоровул қўшинларига қарашли ҳарбий қисм ҳарбий оркестри томонидан кўнгилларга жанговар руҳ бағишловчи мусиқалар ижро этила бошланди-ю, буни томошабинлар завқ билан олқишлаб қарши олишди.

Ҳудуддаги Мудофаа вазирлигига қарашли Тоифаланган объектларни қўриқлаш қўшинлари ҳарбий хизматчилари томонидан намойиш этилган қўл жанги ва жанговар санъатга оид кўргазмали чиқишлар, ҳарбий-ватанпарварлик мавзусидаги қўшиқларни айтиб, саф юришини амалга ошириш ҳам қизиқиш ва олқиш борасида юқоридагидан кам бўлмади. Булар барчада кўтаринки руҳ уйғотди.

Қурол-яроғ ва ҳарбий аслаҳа-анжомлар намойиши тадбирнинг кульминацион нуқтаси бўлди, деб бемалол айтсак бўлаверади. Ҳарбий хизматчининг хизматни ўташи давомидаги доимий ва ишончли ҳамроҳи бўлган жанговар қуроллар билан яқиндан танишиш, суратга тушишга ҳам рухсат берилганини билган нафақат ўғил болалар, балки қизалоқлар ва ота-оналар ҳам бу нуқталардан узоқлашолмай қолишди.

Шунингдек, ҳарбий хизматчилар шарафли соҳа ҳақида ёшларга батафсил тушунтиришлар бериб, машғулот ҳам ўтди. Мактабга бир қанча бадиий адабиётлар совға қилиниб, шу маҳалладаги кам таъминланган ва қўллаб-қувватловга муҳтож оилаларнинг ҳолидан хабар олинди ҳамда уларга ижтимоий кўмак кўрсатилди.

Якунда ўқитувчилар ва маҳалла фаоллари тарғибот гуруҳига миннатдорлик изҳор қилишиб, бу каби тадбирларни тез-тез ўтказиб туриш юзасидан фикрлар билдиришди.

Подполковник
Ёшин ҲАКИМОВ

АЖДОДЛАР ЖАСОРАТИ – ЁШЛАРГА ИБРАТ

РЕЙХСТАГ ДЕВОРИДАГИ ЎЗБЕКЧА ЁЗУВ...

...Москванинг марказий кўчаларидан бири. Икки собиқ жангчи тасодифан кўчанинг қоқ ўртасида кўришиб қолдилар. Бири кўксини орден-медаллар безаган салобатли генерал, иккинчиси қиров қўнган бошида дўппи, орден-медаллари оддий костюмига ярашиб турган ўзбек.

Фашизм устидан қозонилган Ғалабанинг 40 йиллиги кунларида икки сафдош, икки музаффар жангчи севинч билан бир-бирларини қайта-қайта қучардилар. Машиналар тўхтаб қолди. Ҳеч ким бетоқатлик билан машина сигналини босмас, сабр билан икки жангчининг йўл бўшатишини кутишар ва шу тариқа уларга ўз эҳтиромларини билдириб турардилар.

Ўша ўзбек жангчиси менинг отам Мамадали Ҳасанов эди. Москвани ўзгача муҳаббат билан севарди, у ерда кечадиган қуролдошлар учрашувини интиқ кутарди. Уни ҳам кутадиганлар кўп эди.

Отам 1920 йили Фарғона вилоятининг Бешариқ туманида туғилган. 1939 йили армияга чақирилган. Шу кетганича 1946 йилда она юртига қайтиб келди. 1-Белоруссия фронтининг 3-зарбдор армиясида урушнинг дастлабки кунидан сўнггги кунларигача бўлган оғир йўлни босиб ўтди. Кўрсатган жасорати учун бир қатор жанговар орден ва медаллар билан тақдирланган.

Оддий аскардан генерал-майоргача бўлган йўлни босиб ўтган, иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси И.Ф. Клочковнинг «Мы штурмовали рейхстаг» китобида отам ҳақида ҳам сўз боради: «Рейхстаг деворларида ёзувлар кўплигидан гуруҳимдаги аскар ва сержантлар қийинчилик билан бўш жой топдилар. Сержант М. Ҳасанов ўз она тили – ўзбек тилида ёзди ва шундай изоҳ берди: «Юртдошларим тушунадилар, кимга керак бўлса, таржима қилиб олади».

Рейхстаг деворларидаги ёзувлар оддий ёзувлар эмас, балки музаффарият дастхатидир! Ғолиб жангчилар сафида отамнинг борлигидан фахрланаман. У Рейхстагга қадар ғоят оғир ва машаққатли йўлни қон кечиб келди.

Отам артиллериячилар қисмида хизмат қилган. Артиллерия ҳужумидан кейин сафдошлари билан

қўмондонликка пиёда қўшинлар сафида Рейхстагни ишғол қилиш учун юборишларини сўраб мурожаат қилишган.

Китобда отам ҳақида ёзилган жойларини деярли ёд олганман. Унда отам – Мамадали Ҳасанов душманнинг еттита танкини яксон қилгани ҳақида ҳам сўз боради.

1945 йилда бўлиб ўтган Ғалаба паради ҳақида катта авлод яхши билади. Уларнинг сафида ўзбеклар ҳам кўп бўлган. Шу ғолиб жангчилардан бири, Ғалаба паради иштирокчиси Мамадали Ҳасанов эди.

Отам булар ҳақида кўп ҳам гапиравермагани боис, ундан урушни эслатадиган хотиралар кам қолган. Москвадаги Иккинчи жаҳон урушига бағишланган музейлардан бирида отамнинг расми, турли йилларда бўлиб ўтган сафдошлар учрашувидан яна айрим расмлар ҳам сақланиб қолган.

Отам уруш нима эканлигини ўз бошидан кечирганлиги учун жуда яхши биларди. Шу сабабли бўлса керак, жон-дили билан меҳнат қилар, унча-мунча қийинчиликларни писанд қилмасди. Уруш ҳақида бор ҳақиқатлар бўй кўрсатгани сайин отамнинг нима учун бу қадар ҳаётсевар бўлганлигини теранроқ англаяпман.

Отамнинг вафот этганига ҳам анча йиллар бўлиб қолди. Энди мен ҳам ёш эмасман. Унинг нурли хотираси олдида қарздор эканлигимни кўп ўйлайман. Бошқаларга ҳам у ҳақда айтиш фурсатини бой беришни истамайман.

Отам «Қизил юлдуз», иккинчи ва учинчи даражали «Шон-шараф» орденлари билан тақдирланган. Икки карра «Жасорати учун» медали ҳам осонликча берилмаган. Бундан ташқари, Польшани озод қилишда, Германия устидан қозонилган ғалабада кўкрак нишонлари билан тақдирланган. У шарафли бир ҳаёт йўлини босиб ўтди. Мен шундай инсоннинг фарзанди эканлигимдан фахрланаман.

Равшанбек МАМАДАЛИЕВ,
Фарғона вилояти,
Шодликобод қишлоғи

Иккинчи жаҳон урушида Ўзбекистон аҳолисининг чорак қисми бевосита иштирок этган. Маълумотларга кўра, 1 миллион 433 минг 230 нафар юртдошимиз жанг майдонларида жон олиб-жон берган. Улардан 395 минг 725 нафари ҳалок бўлиб, 263 минг 55 нафари бедарак кетган. Урушга борганларнинг тахминан учдан бири майиб-мажруҳ бўлиб қайтган.

ОТАЎҒИЛ

ЁХУД ЎТГАНЛАР РУҲИ ШОД БЎЛСИН ДЕСАК...

Чирчиқ шаҳрида турналар монументи бор. Уруш қатнашчилари хотирасига бағишлаб барпо этилган ёдгорликдаги турналарнинг бири ўқ еб, ерга қулагани тасвирланган. У энди кўксини ҳаволарга бериб учмайди, бепоён осмонига сира қайтмайди... уйига қайтмаган жангчидек...

Ҳар гал мана шу монумент олдидан ўтганимда кўкка парвоз қилган қушлар ва ярадор турна ҳақида ўйлайман.

Бу қушларнинг ранги қоп-қора! Ҳайкалтарош даҳшат, азоб ва армон рангида бўлган урушнинг сийратини шу қушларда кўргандир, эҳтимол...

Қўл телефоним экранида акс этган бегона рақамга бир оз қараб турдим-да, сўнг бирор юмуши бор инсондир-да, деган хаёлда қўнғироққа жавоб бердим. Ўзини Донобой Поёнов деб таништирган бу нотаниш одам отаси ҳақида мақола ёзишимни, у Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси, орден-медаллари кўксини тўлдирган қаҳрамон эканлигини таъкидлади. Бир неча дақиқа давом этган суҳбатдан кейин дилимда ёруғ бир ўй кечди. Бу ҳар бир фарзандда ўз падари бузрукворига нисбатан бўладиган фахрланиш туйғуси эди...

Ғулом Поёнов. Урушни бостириш, лаънати фашистларнинг додини бериш учун жангга отланган минглаб йигитларнинг бири. Сурхондарёлик бу инсон умрининг айни гуллаган чоғи жанггоҳда қон кечишга, бирodарлари билан фашизмга қарши курашишга сарфарбар этилди. Қишлоқда ўсган тенгқурлари каби ювош, кўнгилчан йигит уруш даҳшатларини кўриб, душманнинг шафқатсизликларига дуч келиб, дийдаси қотди, қўли мушт тугилди.

– Отам уруш бошланганда кўнгиллилар қаторида жангга кетган экан, – дейди Донобой ака. – Жангнинг нақадар аёвсиз бўлганлигини биз – болалар сўрайверганимиз учун гоҳида айтиб берарди. Ҳасан исмли ошнаси бор экан, жангга доим бирга киришаркан. Бир гал отишмада шу дўстининг қорнига снаряд парчаси тегиб... ичаклари ташқарига чиқиб кетибди. Отам жон ҳолатда унга ёрдам кўрсатиб, қорнини қаттиқ боғлабди. Ҳасан эса инграб ўрнидан турибди ва бир неча метр узоқдаги душманга ўқ узибди. Бундай ҳолатларни кўп бора айтиб берган. Ҳар сафар катта ҳаяжон билан тинглардик.

Отамнинг мардлиги, тантилиги учун кўпчилик ҳурмат қиларди. Маҳаллада ўз ўрнига, сўзига эга инсон эди. Оилада олти нафар фарзандмиз. Бизга «ёлғон гапирманглар», дер эди. Шундай урушларни кўрган отамнинг кўнгилчан бўлганлигига нима дейсиз? Бизга қаттиққўл эди-ю, уруш ҳақида киноларни кўрса, кўшиқлар тингласа, мижжаларига ёш қуйиларди...

Ҳа, битта фарзанд отаси ҳақида яна нима дейиши мумкин? Бутун умр тўғри йўл кўрсатган, қоқилса суяган падари ҳақида андиша билан икки оғиз сўз айтмиш фарзанднинг истиҳоласини тўғри тушундим. Бу отаўғилга хос некбинлик, камтарлик, аслида.

Фашизмга қарши курашган, кўксидаги орден-меддаларини тақишга гоҳида ийманган, урушдан кейин ҳам эл-юрт ғамида яшаган бу инсон ҳақида ҳали анча ҳикоя қилишимиз мумкин эди. Лекин Сурхондарё вилояти Денов тумани мудофаа ишлари бошқармаси вакилларидан биз ва сиз, ўқувчиларни ҳам қизиқтирадиган зарур маълумотларни ололмадик. Ниятимиз холис эди. Уларнинг турли важ-баҳоналари балки ростдир. Нима бўлганда ҳам тинч отаётган ҳар бир тонгимиз, ботаётган шомимиз учун аждодларнинг фидойиликлари олдида ҳамиша қарздорлигимизни унутмасак, ўтганларнинг руҳи шод бўлармиди?!

Наргиза АСАДОВА,
«Vatanparvar»

ТЕННИС

ФОМИННИНГ ҚОЗОНДА «ҚОЗОНИ ҚАЙНАДИ»

Россиянинг Қозон шаҳрида теннис бўйича эркаклар ўртасида мукофот жамғармаси 15 000 АҚШ долларини ташкил этувчи «Фьючерс» турнири ўтказилди. Яккалик ва жуфтлик баҳслари якунида Ўзбекистон теннисчилари, жумладан MVSK (Mudofaa vazirligi sport klubi) аъзоси Жўрабек Каримов ҳам совриндор бўлди.

Қозон шаҳрида, айниқса, ёш теннисчимиз Сергей Фоминнинг «қозони қайнади». У ҳам яккалик, ҳам жуфтлик баҳсларида муваффақиятли ўйнаб, икки бор совриндор бўлди.

Турнирда 6-рақам остида саралланган MVSK аъзоси Жўрабек Каримов яккалик баҳсларига иккинчи босқичдан қўшилди. У дастлаб россиялик Данил Спасибони 7:6, 6:0, сўнг мезбонлар вакили Владимир Королевни 1 соат 16 дақиқа ичида 6:3, 6:3 ҳисобида мағлубиятга учратди ва чорак финалга чиқди. Лекин кейинги босқичда теннисчимиздан омад юз ўгирди. Бунга унинг собиқ клубдоши Сергей Фомин билан биргаликда турнирнинг жуфтлик баҳсларидаги иштироки ҳам бироз халақит берди, аниқроғи Жўрабекнинг яккалик ва жуфтлик баҳслари тақвими бироз тиғизроқ ҳамда унинг учун ноқулайроқ бўлди. Бир клуб машғулотларида қатнашиб, ўзаро тажриба алмашган ва бир-бирини яхши тушунишга улгурган бу икки теннисчимиз Қозон шаҳридаги «Фьючерс» турнирининг жуфтлик баҳсларида финалга қадар муваффақиятли одимлади. Ҳал қилувчи финал ўйинида теннисчиларимиз мезбон спортчилар – Александр Игошин ва Евгений Тюрнев тандемига қарши кортга чиқишди. Афсуски... ҳамюртларимиз 1 соат 19 дақиқа давом этган ўйинда 6:7, 4:6 ҳисобида ютқазиб қўйишди ва турнир вице-чемпионлиги билан кифояланишди.

Теннисчимиз Сергей Фомин ва россиялик Евгений Тюрнев учун бу Қозон шаҳридаги биринчи тўқнашув бўлмади. Улар яккалик баҳсларида ҳам айнан финалда ўзаро қарама-қарши келишди. Унгача шуни таъкидлаш жоиз, икки теннисчимиз – Сергей Фомин ва Саидаъло Саидкаримов мусобақанинг яккалик баҳслари доирасида биринчи босқичдаёқ ўзаро тўқнаш келишди. 57 дақиқа давом этган баҳсда Сергей 6:3, 6:0 ҳисобида ғалаба қозонди. Фомин иккинчи босқичда мезбонлар вакили Сергей Болотовга қарши ўйнади. Бу баҳс ҳам ёш теннисчимизнинг яққол устунлиги остида кечди ва 6:3, 6:1 ҳисобида ғалаба қозониб, чорак финалга йўл олди.

Турнирдаги иштирокини ана шундай кўтаринки руҳда бошлаган теннисчимиз Фомин шу руҳда охирига қадар баҳс олиб борди. У ҳал қилувчи финал учрашувида турнирнинг иккинчи саралланган теннисчиси россиялик Евгений Тюрневга қарши кортга чиқди ва Сергейда рақибидан жуфтлик баҳслари финалидаги аламини олиш имкони ҳам пайдо бўлди. У буни уддалади, кучли рақибини 6:4, 3:6, 6:3 ҳисобида мағлуб этиб, бош совринни қўлга киритди. Бу ёш теннисчимиз фаолиятидаги иккинчи ITF совринидир.

Шундай қилиб Қозон шаҳрига йўл олган уч нафар теннисчимиз юртимизга иккита соврин билан қайтишди.

ФУТБОЛ

МЎЪЖИЗА ЮЗ БЕРМАДИ

Таиландда футбол бўйича ёшлар (U-23) ўртасида Осиё чемпионати бўлиб ўтди. Унда қатнашган Ўзбекистон олимпия (U-23) терма жамоаси 4-ўринни эгаллади. Бу қитъа миқёсида анча юқори натижа саналса-да, юртимиз футбол мухлисларини ҳам, мутахассисларни ҳам қониқтирмади, аксинча, барчани ранжитди.

Аввало мусобақа тарихига қисқача тўхталамиз. Осиё футбол конфедерацияси 2012 йилда қитъа Олимпия терма жамоалари учун алоҳида мусобақа ташкил этишга қарор қилди ва 22 ёшгача бўлган футболчилар ўртасидаги қитъа чемпионати 2013 йили Оманда ўтказилди. Илк мусобақага олимпия терма жамоамиз Шуҳрат Мақсудов мураббийлигида борди ва вакилларимиз гуруҳ босқичидаёқ курашни тўхтатди – бир ғалаба, 2 та мағлубият, гуруҳда 3-ўрин. Осиё олимпиячиларининг кейинги мусобақаси орадан уч йил ўтиб, Қатарда ташкил этилди. Бу галги баҳслар бир вақтнинг ўзида «Рио – 2016» Олимпиадасига саралаш вазифасини ҳам ўтаб берди. Мазкур мусобақага футболчиларимиз Самвел Бабаян бошчилигида борди. Мақсад жиддий, вазифа эса Рио шаҳрида ўтказиладиган XXXII ёзги Олимпиада ўйинлари йўлланмасини қўлга киритиш эди. Аммо бу сафар ҳам гуруҳ баҳсларидан юқорига чиқолмадик – яна 2 та мағлубият, бир ғалаба ва гуруҳда 3-ўрин. Якунда «энг муҳим паллада мураббийларимизнинг тажрибасизлиги панд берди», деган хулосага келинди.

2020 йилги Осиё чемпионатини юртимиз футбол мухлислари ҳам, мутахассислар ҳам интиқлик билан кутишди ва у бошлангач, баҳсларни катта иштиёқ билан кузатишди. Негаки, қитъа чемпионатида худди 2016 йилги биринчиликдаги каби ўртага Олимпиада йўлланмалари ҳам тикилганди, ўз навбатида, Таиландга йўл олган олимпия терма жамоамиз асоси 2018 йили Хитой мезбонлик қилган Осиё чемпионатида ғолиб чиққан ёшларимиздан ташкил топган ҳамда уларга муайян тажрибага эга европалик мутахассис – сербиялик Любинко Друлович мураббийлик қилаётганди. Боз устига, мусобақа олдидан БААда ташкил этилган йиғин ва унда қайд этилган натижалар олимпиячиларимизга бўлган ишонч ҳиссини оширди. Айниқса, 3 январь куни Таиландда Қатар олимпия терма жамоаси устидан қозонилган 3:1 ҳисобидаги ғалаба футболчиларимиз салоҳияти юқори эканини кўрсатди ва мухлису мутахассисларда Олимпия ўйинлари йўлланмасига сазовор бўлиш умидини уйғотди. Афсуски... «мўъжиза юз бермади» – ҳал қилувчи сўнгги учрашувларда «Токио – 2020» Олимпиадаси лицензияси ҳам қўлдан бой берилди.

«С» гуруҳидан жой олган олимпия терма жамоамиз баҳсларни эронлик тенгқурларига қарши ўйин билан бошлади ва дуранг қайд этди – 1:1.

Иккинчи турда Хитой олимпия терма жамоасини 2:0 ҳисобида мағлуб этган футболчиларимиз учинчи турда жанубий кореялик тенгдошларига 1:2 ҳисобида имкониятни бой бериб қўйишди. Шу тариқа 4 очко жамғарган Ўзбекистон олимпия терма жамоаси гуруҳда 2-ўринни эгаллаб, «плей-офф»га чиқди.

Чорак финалда футболчиларимиз БАА олимпия терма жамоасига қарши майдонга тушди. Ўйиннинг 13-дақиқасидаёқ Зайид Ал Амери ҳисобни очгач, аксарият футбол мухлисларимиз руҳан тушкунликка тушиб бошлаганди. Лекин футболчиларимиз – Илҳом Алижонов (16), Ислом Қобилов (26, пенальти), Ойбек Бозоров (41), Жасур Яхшибоев (84) ва Нурилло Тўхтасинов (90+4) рақиб дарвозасини аниқ нишонга олиб, мухлисларга йирик ҳисобдаги ажойиб ғалабани (5:1) тортиқ этишди ва уларнинг «Токио – 2020»га бориш умидларини қайта тиклашди. Чунки бунинг учун «бор-йўғи бир қадам» қолганди, яъни жамоамиз ярим финалдаги рақибини ҳам мағлуб этиши кифоя бўларди.

Ўзбекистон олимпия терма жамоаси қитъа биринчилигининг ярим финал босқичида Саудия Арабистони олимпия терма жамоаси билан рақобатлашди. Кескин ва муросасиз ўтган ўйин футболчиларимиз учун аламли тарзда якунланди – рақиблар 87-дақиқада гол уриб, ғалабани илиб кетишди. Лекин жамоамизда Олимпиада лицензияси ҳамда қитъа чемпионати соврини учун имконият ҳали йўқолмаганди.

Футболчиларимизнинг Осиё чемпионати бронза медали ва XXXII ёзги Олимпиада ўйинлари йўлланмаси учун сўнгги ҳал қилувчи баҳси ярим финалда Жанубий Корея тўсиғидан ўта олмаган Австралия олимпия терма жамоасига қарши кечди. Афсуски, бу ўйинда ҳам олимпия терма жамоамиз ютқазди (0:1) ва қитъа чемпионатини деярли ҳеч бир футбол мухлисининг эътиборини тортмаган 4-ўрин билан якунлади, чунки сўнгги икки баҳсда Олимпиада лицензияси қўлдан бой берилганди.

Осиё чемпионатининг финал баҳси Ж. Корея ҳамда С. Арабистони олимпиячилари ўртасида ўтказилди. Беллашувнинг асосий бўлимларида ҳисоб очилмади. Экстра таймларнинг иккинчисида кореяликлар стандарт вазиятдан унумли фойдаланиб, гол уришди ва 1:0 ҳисобида ғалаба қозониб, қитъа чемпионлигига эришишди. Ўзбекистон олимпия терма жамоасини мағлуб этиб, «Токио – 2020» Олимпиадасига йўлланма олган ва қитъа биринчилигида кумуш медални қўлга киритган Саудия Арабистони олимпия терма жамоаси аъзоларининг ҳар бири эса Саудия Қироллиги томонидан 53 минг АҚШ доллари миқдоридаги пул мукофоти билан тақдирланадиган бўлди.

Расул ЖУМАЕВ

ҲУҚУҚ

МУРОЖААТЛАР ТИНГЛАНДИ

Тошкент ҳарбий округидаги ҳарбий қисмларнинг бирида Мудофаа вазирлиги ва Республика Ҳарбий прокуратураси ҳамкорлигида «Инсон манфаатлари ҳамма нарсадан устун» шиори остида сайёр қабул ўтказилди.

Қабул аввалида Республика ҳарбий прокурорининг ўринбосари адлия подполковниги Давлатёр Раҳмонов, Мудофаа вазирлиги Кадрлар бош бошқармаси бошлиғи ўринбосари полковник Рустам Қувватов ва бошқалар мамлакатимизда халқ билан мулоқот, хусусан, ҳарбий хизматчилар, уларнинг оила аъзолари, ҳарбий пенсионерлар билан бевосита учрашиб, сайёр қабуллар ўтказишга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлади.

Шу куни Республика ҳамда Тошкент ҳарбий прокуратураси, Мудофаа вазирлиги бошқармалари, Тошкент шаҳри ва вилояти бандлик, соғлиқни сақлаш, ИИББ миграция ва фуқароликни расмийлаштириш, мактабгача таълим, халқ таълими бошқармалари, Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлиги, Марказий банк, Мажбурий ижро бюроси Тошкент шаҳри ва вилояти бошқармаларининг малакали мутахассислари фуқароларнинг юзга яқин мурожаатларини тинглади.

Шунингдек, оммавий сайёр қабулда Тошкент ҳарбий округига қарашли ҳарбий қисм ва муассасаларда хизмат қилаётган ҳарбий хизматчилар, уларнинг оила аъзолари, ҳарбий пенсионерлар, Қуролли Кучлар хизматчилари ўз ечимини кутаётган муаммолари бўйича мутахассисларга мурожаат этиб, масъул ходимлардан тегишли жавоб ва юридик маслаҳат олдилар.

Адлия полковниги Фахриддин БЕГАШЕВ,
Тошкент ҳарбий прокурори.
Дилшод РЎЗИҚУЛОВ, «Vatanparvar»

Дам олувчилар учун қулайлик

Чирчиқ ҳарбий прокуратураси томонидан ўрганиш давомида Мудофаа вазирлиги қўшинларида тиббий ва санатория курорт таъминотини ташкил қилишда айрим муаммоларга дуч келинаётганлиги аниқланди ва тегишли чоралар кўрилди.

Жумладан, вазирликнинг Марказий ҳарбий санаториясида дам олувчиларнинг кўпчилиги турли вилоятлардан келувчилардан иборат бўлиб, санаторияга пул тўловларини амалга оширишда белгиланган айрим тақиқлар туфайли муаммолар туғилаётгани, бу эса асосли эътирозларга сабаб бўлаётгани аниқланди. Яъни мудофаа вазирининг тегишли буйруғи билан тасдиқланган йўриқномада «Санаторияда дам олиш учун пул тўлови фақат Мудофаа вазирлиги Марказий ҳарбий клиник госпитали кассасига тўланиши лозим»лиги қайд этилган. Буйруқнинг мазкур талабларидан бехабарлар санаторияга ташриф буюргач, пул тўловларини амалга ошириш учун Тошкентга, яъни (115 км узоқликдаги) госпиталга боришига тўғри келган.

Бундан ташқари, амалдаги пул тўлов тартиби бўйича санаторияда ёш болаларга ҳам, катта ёшдаги шахсларга ҳам тўланаётган пул миқдори бир хиллиги (ёш болаларнинг озиқ-овқатни кам истеъмол қилиши, улар айрим тиббий муолажалар, масалан, физиотерапия ва бошқалардан фойдаланмаслиги), уларнинг дам олишлари учун имтиёз жорий қилинмаган.

Чирчиқ ҳарбий прокуратураси томонидан Республика Ҳарбий прокуратураси орқали ушбу ҳолатлар юзасидан Мудофаа вазирлигига Марказий ҳарбий санаторияга бораётган ҳарбий хизматчиларнинг 12 ёшгача бўлган фарзандлари учун йўлланманинг 25 фоизи миқдорида тўловни амалга ошириш ҳамда уларни санаториянинг ўзида қабул қилинишини белгилаш бўйича амалдаги буйруқларга тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш юзасидан таклиф юборилди ҳамда ушбу тартиб жорий этилди.

Ушбу янгилик Марказий ҳарбий санаторияга дам олиш учун бораётган ҳарбий хизматчиларга қулайлик яратиши билан биргаликда, уларнинг ижтимоий ҳимоясида ҳам муҳим аҳамиятга эгадир.

Адлия подполковниги
Азизбек АБДУРАХМАНОВ,
Чирчиқ ҳарбий прокурори ўринбосари

«Устоз – шогирд» анъанаси

Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокуратурасида ҳарбий прокуратура органларида кўп йиллар хизмат қилган 60 га яқин пенсионерлар, ҳарбий прокуратура фахрийлари иштирокида тадбир бўлиб ўтди.

Тадбир меҳмонлар ҳарбий прокуратура тарихи музейини кўздан кечириши билан бошланди. Соҳа мутахассислари фаолияти ёритилган стендлар, фотоальбомлар мароқ билан томоша қилинди.

Сўзга чиққанлар фахрийларнинг ҳарбий прокуратура органлари учун қилган бебаҳо меҳнатлари ва ёшларга ибратли жиҳатларини айтиб ўтишди. Бир пиёла чой устида давом этган учрашувда соҳага оид ҳаётий тажрибалар билан ўртоқлашиш келгусида «Устоз – шогирд» анъанасининг мустаҳкамланишига хизмат қилишини таъкидлашди.

Адлия майори Ботир СОБИРОВ,
Республика Ҳарбий прокуратураси бўлим ҳарбий прокурори

Бузилган ҳуқуқлар тикланди

Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокуратураси томонидан мунтазам равишда жойларда пенсионерларнинг, шу жумладан ҳарбий пенсионерларнинг ижтимоий таъминоти аҳволи ўрганиб келинмоқда.

Хусусан, қонунчилик ижроси устидан назорат йўналишида Навоий вилояти мудофаа ишлари бошқармасида мониторинг ўтказилиб, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарорига асосан 2019 йил 1 октябрдан бошлаб ун ва қолипли нон харид қилиш бўйича қўшимча харажатларни қоплаш учун айрим тоифадаги нафақахўр ва пенсионерларга (50 минг сўм) компенсация пули тўланмаётгани аниқланган. Ушбу ҳолат барча вилоят мудофаа ишлари бошқармаларида ҳам ўрганиб чиқилди. Кўрилган чоралар натижасида фуқароларнинг бузилган ҳуқуқлари тикланиши таъминланиб, Мудофаа вазирлигининг жами 2 099 нафар нафақахўр ва пенсионерига умумий ҳисобда 430 млн сўмлик компенсация пуллари тўлаб берилди.

Адлия майори Шавкат РАЖАБОВ,
Республика ҳарбий прокурорининг ёрдамчиси

Йўл қоидаси – умр фойдаси

Қарши ҳарбий прокуратурасининг ташаббуси билан вилоят ички ишлар бошқармаси, гарнизон ҳарбий автомобиль назорати ходимлари билан ҳамкорликда «Йўл ҳаракати қоидаларига риоя қилиш – умр фойдаси» мавзусида йиғилиш ўтказилди.

Мазкур тадбирда ҳарбий хизматчиларга «Йўл ҳаракати қоидалари»нинг мазмун-моҳияти, уларга амал қилмасликнинг оқибатлари, бу борада қўйилаётган талаблар, йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш чора-тадбирлари хусусида фикр билдирилди.

Қоидаларга амал қилмасликнинг аянчли оқибатлари ҳақидаги видеороликлар тадбирнинг ҳеч бир иштирокчисини бефарқ қолдирмади. Савол-жавоб тарзидаги мулоқот давомида мавзуга оид сўнгги маълумотлар етказилди.

Адлия подполковниги Жаҳонгир АШУРОВ,
Қарши ҳарбий прокурори

ЖАҲОНДА

ХАВФ ЮҚОРИ ДАРАЖАДА

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ) коронавируснинг глобал хавфини баҳолаш билан боғлиқ ҳужжатларда хатога йўл қўйилганини ва у қайд этилганидек ўртача эмас, юқори эканини тан олди. «Коммерсантъ»нинг хабар беришича, бу ҳақда ташкилотнинг 26 январь куни эълон қилинган вазият ҳақидаги ҳисоботида келтирилди.

Шу вақтгача вируснинг тарқалиш хавфи Хитой учун жуда юқори, минтақавий кўламда юқори ва халқаро даражада ўртамиёна, деб ҳисоблаб келинаётганди.

РОССИЯНИ ОРТДА ҚОЛДИРДИ

Хитой қурол ишлаб чиқариш бўйича дунёда АҚШдан кейинги иккинчи мамлакатга айланди. Бу Тинчлик муаммоларини ўрганиш бўйича Стокгольм институтининг маърузасида қайд этилган, деб ёзмоқда Meduza. 2017 йилда Хитойнинг тўртта компаниясига тегишли қурол савдоси ҳажми 54,1 миллиард долларни ташкил этган. Бу Россиянинг 2017 йилдаги энг йирик ўнта ҳарбий-саноат компанияси савдоси ҳажмидан 16,4 миллиард долларга кўп ҳисобланади. Шунингдек, қайд этилишича, Хитой компаниялари ўз кўрсаткичларини пасайтириб кўрсатиши мумкин.

ИСРОИЛГА ТАҲДИД ҚИЛДИ

ИШИД террорчилик ташкилоти Исроилга ҳужум қилиш – уларнинг асосий мақсади эканлигини маълум қилди. Бу ҳақда жангариларнинг аудиоёзувига асосланиб, The Times of Israel нашри хабар бермоқда.

Маълумотларга кўра, террорчилар бу қарорга АҚШнинг Исроил ва Фаластин низосини ҳал этишга қаратилган «аср келишуви» режасидан сўнг келган. Улар янги ҳужумлар бўлишини, Исроилдаги аҳоли пунктлари ракета ва кимёвий қуролларни синаш полигонига айлантирилишини айтиб, таҳдид қилишди.

Интернет материаллари асосида тайёрланди.

ЖАРАЁН

ЁШЛАРНИ ТАРБИЯЛАШГА ҚАРАТИЛГАН КЎРИК-ТАНЛОВ

Миллий гвардия Ҳарбий-техник институти ҳамда Ёшлар иттифоқи ҳамкорлигида «Балли, йигитлар!» кўрик-танлови ўтказилди.

Унда курсантлар ва муддатли ҳарбий хизматчиларнинг бир нечта жамоаси 5 та шарт асосида ўзаро беллашишди. Жамоаларнинг чиқишлари уларнинг ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий ва маънавий билимдонлиги, зукколиги, эпчиллиги, санъат борасидаги маҳорати, ноодатий вазиятларда тезкор ва тўғри қарор қабул қила олиш салоҳияти бўйича баҳоланди.

Ҳакамларнинг якуний ҳисоб-китобларига кўра, ғолиблик «Соҳибқирон» номли курсантлар жамоасига насиб этди.

Шунингдек, тадбир давомида ўз чиқишларини намойиш этган институт ҳарбий оркестри, бадиий ҳаваскорлик жамоаси ва ҳарбийларнинг жанговар санъат намуналари йиғилганларда катта таассурот қолдирди.

«Балли, йигитлар!» беллашувининг асосий мақсади ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялашга қаратилган ишларни янада юксалтиришга, эртамиз давомчиларини ҳам маънан, ҳам жисмонан бақувват этиб камолга етказишга, она юртимизни севиш ва қадрлаш, уни эъзозлаш ва ардоқлаш нечоғлик шараф эканини англатишга қаратилган.

Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси матбуот хизмати

ОИЛА ПАРОКАНДАЛИГИГА АСОС НИМА?

Оила жамиятнинг асосий бўғинидир ҳамда жамият ва давлат муҳофазасида бўлиш ҳуқуқига эга.

Никоҳ томонларнинг ихтиёрий розилиги ва тенг ҳуқуқлилигига асосланади.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, 63-модда.

Оила қурганига кўп бўлмай ажрашиш пайига тушганлар ҳақида «Нега бунча тез бир-бирининг жонига тегди экан?» деб ўйлаб қоласан. Хўш, оила парокандалигига асос бўлган сабаб нимада? Эр ва хотин учун нима муҳим: бахтли бўлиш истагими ёки ҳақ бўлиш?..

Нукус гарнизони Маънавият ва маърифат марказида ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оилалари иштирокида ўтказилган тадбирда юқоридаги саволларга жавоб топиш мақсадида «Оилада маънавий-ахлоқий муҳитни соғломлаштириш, низоли ҳолатларнинг олдини олиш, оилавий муносабатларни мустаҳкамлаш ва миллий менталитетимизга зид бўлган хавф-хатарларни бартараф этиш» мавзуида давра суҳбати ташкил этилди.

Нукус шаҳар ҳокимлиги, гарнизон ҳарбий прокуратураси, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги «Оила» илмий-амалий тадқиқот маркази Қорақалпоғистон Республикаси бошқармасининг Тахиатош тумани бўлими, Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университети вакиллари иштирок этган тадбир давомида тингловчилар диққатига оилада эр ва хотиннинг бурч ва масъулияти ҳақида маърузалар ҳавола қилинди. Айниқса, психолог Гулчеҳра Реймбаеванинг оила бекалари учун тақдим этган психологик тренингида аёлларнинг камчилик ва ютуқлари ойдинлашиб, иштирокчилар мавжуд муаммоларни бартараф этиш борасида ҳам тегишли маслаҳат ва тавсияларга эга бўлишди.

Тадбир сўнгида мутахассислар томонидан оилалар учун якка тартибда суҳбатлар ташкил этилиб, унда бек ва бекалар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олишди.

Шоҳиста АБДУРАҲМОНОВА, Шимоли-ғарбий ҳарбий округ матбуот хизмати

ОГОҲЛИК

КОРОНАВИРУС ИНФЕКЦИЯСИ ҚАНДАЙ КАСАЛЛИК?

Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотига кўра, Хитойда аҳоли ўртасида «Коронавирус» туркумига кирувчи вирус – 2019-nCoV юқиши натижасида келиб чиққан зотилжам (пневмония) касаллиги пайдо бўлди ва тарқалди.

Янги коронавирус келтириб чиқарган касаллик Хитойда денгиз маҳсулотлари билан савдо қилувчи бозорларда тарқалаётгани тахмин қилинмоқда.

Коронавируслар – вируслар оиласига мансуб «Атипик зотилжам» (SARS) касаллигини чақирувчисига ўхшаб кетувчи вирус бўлиб, беморларда оддий шамоллашдан то ўткир оғир респиратор синдром (ТОРС) деб номланувчи оғир кечувчи касалликни келтириб чиқаради. «Атипик зотилжам» касаллиги ҳам 2002 йилда Хитойда келиб чиққан бўлиб, 37 давлатга тарқалган ва 8 мингдан ортиқ киши касалланган эди.

Вирус ташқи муҳит таъсирига ва зарарсизлантирувчи воситаларга нисбатан чидамли. Ҳозирча ушбу касалликни даволаш учун махсус дори воситалари йўқлиги сабабли, бошқа вирусларга қарши қўлланиладиган воситалардан фойдаланилмоқда. Касаллик хасталанган одамлардан ҳаво-томчи ҳамда маиший мулоқот йўли билан юқади. Беморга ёрдам кўрсатишда ҳимоя воситаларидан фойдаланмаслик оқибатида шифохона шароитида тиббиёт ходимларига ҳам касалликнинг юқиш ҳолатлари кузатилмоқда. Беморларда умумий ҳолсизлик, тумов, йўтал, бош ва томоқ оғриғи, тана ҳароратининг ортиши, бронхит, зотилжам кузатилмоқда. Мутахассисларнинг хулосасига кўра, коронавирус келтириб чиқарган касалликнинг грипп касаллигидан фарқи шундаки, ушбу касаллик асоратлар билан ўтиши ва ўлим билан тугаши эҳтимоли юқори, чунки ҳозирги кунда ушбу вирусга қарши одамларда ҳимоя қобилияти (иммунитети) ривожланмаган ва бу ҳолат дунё халқлари ўртасида пандемияга олиб келиши мумкин.

Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти томонидан касаллик тарқалишининг олдини олиш мақсадида аҳолига қўлни совунли сув билан ювгандан сўнг спирт билан ишлов беришни, йўталганда ва аксирганда оғиз ва бурунни рўмолча билан ёпишни, шамоллаш белгилари бўлган беморлар билан яқин мулоқотда бўлмаслик, йўтал, иситма, нафас олиш қийинлашганда зудлик билан шифокорга мурожаат этиш лозим.

Бемор уйда аниқланганда, бемор ётган хоналар, фойдаланган жиҳозлар, идиш-товоқлари хлор сақловчи воситалар ёрдамида ёки қайнатиш билан зарарсизлантирилади. Организмнинг инфекцияга қарши курашувчанлигини ошириш мақсадида витамин ва оқсилларга бой бўлган маҳсулотларни, пиёз, саримсоқ, цитрус мевалар, наъматак меваларидан тайёрланган дамламалар истеъмол қилиш лозим. Касаллик юқмаслиги учун жамоат жойларида докали ниқоб ёки бир марталик респираторларни тақиш тавсия этилади.

Б. АҲМЕДОВ, Мудофаа вазирлиги Санитария-эпидемиология назорат маркази врач мутахассиси

МИНТАҚАДА

САМОЛЁТ ҲАЛОКАТГА УЧРАДИ

Афғонистоннинг Ғазни вилоятида АҚШга тегишли самолёт қулаган. Бу ҳақда Афғонистоннинг Америкадаги контингенти вакили Сонни Леджетт «Twitter»даги саҳифасида маълум қилди. Леджетт «Толибон»нинг: «Самолётни биз урib туширдик», деган баёноти ёлғонлигини таъкидлаб ўтган. Унинг сўзларига кўра, ҳозирда авиаҳалокат сабабларини аниқлаш устида иш олиб борилмоқда.

Леджетт авиаҳалокат қурбонлари сонини, шунингдек, самолётда кимлар бўлганини маълум қилмаган.

ЗАРАФШОН ДАРЁСИДА ГЭС

Тожикистон Ўзбекистон билан ҳамкорликда Зарафшон дарёсида ГЭС бунёд этишни мўлжалламоқда.

Лойиҳанинг дастлабки қиймати 282 млн АҚШ долларини ташкил этади. «Ўзбекгидроэнерго» АЖ ахборот хизматининг хабар беришича, ушбу масала икки давлат ишчи гуруҳининг учрашувида муҳокама қилинган.

Таъкидланишича, Яван ГЭСнинг йиллик электр энергиясини ишлаб чиқариши 140 МВт.га тенг бўлади.

ЮК ТАШИЛИШИ БОШЛАНДИ

Қирғизистондан биринчи юк поезди Ўзбекистон ҳудуди орқали Грузияга етиб борди. Бу ҳақда Транспорт вазирлиги хабар қилди.

Аввалроқ Озарбайжон, Грузия, Қирғизистон, Туркманистон ва Ўзбекистон темир йўллари раҳбарлари 2020 йилнинг биринчи чорагида мультимодал йўналишни ташкил этишга келишган эдилар.

Хабарда ушбу транзит мультимодал йўлагидан навбатдаги юк жўнатиш учун тайёргарлик кўрилаётгани қўшимча қилинган.

Интернет материаллари асосида тайёрланди.

АСКАР ЧОЙХОНАСИ

«КЎЗИМНИ ЎПАМАН, КЕРАК БЎЛСА, ТИШЛАЙМАН ҲАМ!»

– Бировни оёғи боқади, кимнидир қўли. Бизни эса тилимиз боқади. Савдогарнинг рекламаси – мақтанишида, тўғрими? – дебди савдогар савдогарга.

– Тўғри-ю, у сиздек содда, иккинчи нав савдогарлар ҳақида айтилган бўлса керак-да.

– Ўзлари биринчи нав бўлиб қолибдиларми?!

– Бўлмасам-чи! Мени ҳамма нарсам – кўзим ҳам, тишим ҳам боқаверади.

– Қандай қилиб?

– Масалан, мен, керак бўлса, кўзимни ўпаман.

– Ҳеч жаҳонда одам ўз кўзини ўпибдимики, сиз ўпсангиз?

– Ўпаман!

– Ўпинг, қани!

Шунда мақтанчоқ савдогар чўнтагидан чиқариб, пештахта устига шарт 100 доллар қўйибди-да:

– Аввал сиз ҳам қўйинг, мард бўлсангиз. Кўзимни ўполмасам, олинг иккаласини ҳам. Ўпсам, мен оламан, – дебди.

Гаров – ёмон нарса-да. Мардликми – мардлик, кел, гард кам: у ҳам 100 доллар қўйибди.

Шундан кейин мақтанчоқ савдогар «шилқ» этиб ўнг кўзини «ўйиб» олибди-да, «чўлп-чўлп» ўпибди-ю, яна «шилқ» этказиб жойига солиб қўйиб, пулларни чўнтакка урибди.

Ютқазган аламига чидай олмабди:

– Ўв, сиз «Бир кўзим – шиша», демадингиз. Билганимда, чап кўзингизни ўпинг, деган бўлардим...

– Унда чап кўзимни ўпаман.

– Ўполмайсиз!

– Ие, керак бўлса, тишлайман ҳам!

– Чап кўзингизними?

– Чап кўзимни!

– Йў... энди бу ёғи – лоф.

– Ишонмасангиз, қўйинг 100 доллар, мана, мен ҳам қўйдим. Тишлолмасам, пулингизни қайтариб оласиз...

Яна шартлашилибди. Мақтанчоқ савдогар «қарс» этиб тепа тишларини, «қурс» этиб пастки тишларини ечиб олиб:

– Ана, ана, ана! – деб, кўзини уч марта «тишлабди»-да, протез тишларини жой-жойига қўйиб, пулларни яна киссага урибди.

КУФ-СУФФ...

Вобкентлик мулло Равшан Раҳимов бир яқинининг туғилган кунига борибди. Даврадагиларнинг кўпи ёшлар экан. Кейин муллодан узр сўраган бўлиб, шайтоннинг сувидан уч-тўрт шишасини юмалатишибди. Бадан қизигандан кейин тил қурғур ҳам ишга тушибди.

– Мулло бобо, бу зорманданинг ўзи ҳаром эмас, кайфи – ҳаром, – дебди бири.

– Бобом юз ёшга кирдилар, вафотларидан бир кун олдин ҳам бир пиёла урган эканлар, – дебди бошқаси.

– Бизлар ичсак ҳам, юрагимиз – тоза, мулло бобо, айримлар ичмайди, лекин дили – қоп-қора, – дебди яна бири.

Мулло қараб турса, ичганларнинг ҳаммаси унга бир найза санчмоқчи. Нима қилиш керак?

Шу пайт денг, телевидениенинг бир кўрсатувида уч-тўрт киши тўрда ўтирибди. Орасидан бировини мулло таниб қолибди. У Ғафур Эшмонов. Вобкентнинг Кумушкентидан, XVIII аср охирлари ва XIX аср бошларида яшаб, ижод қилган Мужрим Обид деган шоир ҳаёти ва ижоди хусусида номзодлик диссертацияси ёқлаган. Бир гал Кумушкентдаги мактабга келиб, маъруза ҳам ўқиган эди.

– Ўв, йигитлар! – дебди мулло. – Менга кўп ҳам шак келтиравермaнглар. Ҳозир бир «Куф-суфф!» дейман, хўв анави жингалаксоч домла ўзимизнинг қишлоқдан чиққан шоир Мужрим Обид ҳақида гапиради.

– Оласиз-а, мулло бобо, – дейишибди йигитлар навбатдаги қадаҳларни уриштира туриб.

Мулло Равшан кўзларини юмиб олиб:

– Куф-суфф, куф-суфф, куф-суфф!.. – деган экан, кўрсатув бошловчиси Ғафур Эшмоновдан Мужрим Обид ҳаёти ва ижоди ҳақида сўзлаб беришни илтимос қилибди...

Шундан буён ўша йигитлар мулло Равшаннинг ҳузурида ароқ ичишмас ёки шайтоннинг суви аралашадиган давраларига у кишини чақиришмас экан.

«МАЙДА-ЧУЙДА ҚИЛИБ ЎТИРМАДИМ...»

Сабоқдошлар йигирма йилдан сўнг учрашув қилишибди. Ҳамма турмуш ўртоғи билан келибди. Шунда беш-олти бор уйланган бир киши ўзига иккита келадиган бақувват хотини бор сабоқдошига ҳазиллашиб, гап ташлаб қолибди-ку:

– Эй жўра-ей, у ёқ-бу ёққа қарамай, ўзингга иккита келадиганига уйланган экансан-да.

– Энди, – дебди у ҳам шартта жавоб қайтариб, – баъзи бировларга ўхшаб, майда-чуйда қилиб юрмасдан, битта каттасига уйланиб қўя қолдим-да!

ИККИ КАРРА ИККИ НЕЧА БЎЛАДИ?

Туркиянинг Кейсери, яъни Қайсари шаҳри Ўзбекистонимизнинг Ғиждувонига ўхшар экан. Савдогарлик уларнинг қон-қонига сингиб кетган. Шу даражада эканки, кейсериликлардан:

– Икки карра икки неча бўлади? – деб сўрашса, улар дарҳол савол берувчининг ўзини қарши саволга тутишар экан:

– Сотаётгандами, сотиб олаётгандами ёки даллоллик қилаётгандами?

– Нима фарқи бор, ахир? – дер экан сўраган киши.

– Ие, шундай фарқи борки!

– Масалан?

– Сотаётганимда икки карра икки беш бўлади. Шунда бир лира ютаман. Сотиб олаётганимда икки карра икки уч бўлади. Бундан ҳам бир лира қолади. Даллоллик қилаётганда эса икки карра икки тўрт бўлади. Чунки бунда сотувчидан ҳам, харидордан ҳам бир лирадан фойда оламан.

«НОННИ ТЎҒРАБ ЕГАНДАН ҚЎРҚМА!..»

Афандининг уйига меҳмон келиб қолибди. Уйда нон камроқ экан. Хотини қорган хамир эса ҳали етилмаган.

– Ўғлим, – дебди Афанди, – шўрвани суздираверамиз. Мен ошга уннаяпман. Сен меҳмонларнинг нон еганига қараб турасан. Дастурхонда тугаб қолса, ҳамсоядан иккитагина қарз оламиз. Тугамаса, ошгача онанг нонни ҳам узиб қолар.

Шўрвани тортишибди. Кўп ўтмай ўғил ошхонага югурибди:

– Дада-дада, иш чатоқ бўлди, ҳамсоядан нон сўрамасак, бўлмайди. Меҳмонлар нонни шўрвага тўғрай бошлади!

– Тўғради?

– Ҳа!

– Э, Худога шукр-е, э, хайрият-е!

– Нимасига «шукр», нимасига «хайрият»?!

– Нонни шўрвага тўғраб егандан асти қўрқма, ўғлим, бир пар, яъни бўлак нон билан коса тўлади. Ботириб егандан қўрқ, ўғлим, билиб бўлмайди, бир коса шўрвага бир тандир нонни ботириб ейиш мумкин, – дебди Афанди.

Султонмурод ОЛИМ,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси

BOLAJON

BAROQYOY

Kun yorishib qolgan. Mushukcha sovuqdanmi, qorni ochqabmi, bir-ikki g'ingshidi-da, uyquga ketdi. Ko'p o'tmay uyg'ondi. Atrofni birma-bir kuzatib chiqdi. Onasini kutdi. Ona mushuk hadeganda shox-shabba orasidan ham, juldur parda orqasidan ham ko'rina qolmadi.

Mushuk bola atrofni, o'tinxonani qayta-qayta iskab chiqdi. U ingillab onasini chorlayverdi. Ko'zlarini parda tomondan uzmadi. Onasi har doim og'zida yegulik tishlab kelardi. Keyin bolasini yalab-yulqar edi. Yo'q, kun yoyilsa hamki undan darak bo'lmadi.

Mushukcha qancha yotganini bilmaydi. Birdan parda ko'tarilib, odam ko'rindi. Mushukning biqiniga sovuq, etni junjiktiruvchi shamol urildi. Parda ochilishi bilan «onam» deb yana ingrab qo'ydi. Yo'q, adashibdi. Odamga qarab turaverdi. Odam cheti uchgan sopol tovoqqa suyuq narsani ag'dardi. Mushukcha ancha paytgacha tovoqqa yaqinlashmadi. Shu holda uzoq yotib ham bo'lmasdi. Ochlik yengdi. Asta kelib, ovqatni yaladi. Dimog'iga g'alati hid urildi. Nochorlikda yuvindini bir-ikki ichib ko'rdi. Tovoqdagi kuygan non bo'lagini yalab ko'rdi. Mazasi xushbo'y, lekin mushukchaning tishi o'tmadi.

Tashqarida odamlarning va qandaydir jonivorlarning g'ala-g'ovuri tindi. Atrofni zimiston qopladi. Mushukcha onasini betoqat kutardi.

Paxtasi titilib ketgan choponga o'ralib yotgan mushukcha yana ingrayverdi. Onasining issiq bag'rini qattiq qo'msadi. Zulmatda faqat uning javdiragan ko'zlari miltillardi. Mushukcha birinchi marta vahimali tunni yolg'iz o'tkazdi.

Tongga yaqin avval sovuq shamol esdi. Keyin momiqdek bir narsa tomdan uchib kirib, mushukchaning bir tomonini qopladi. U qordan bir-ikki yalab ko'rgan edi, muzdek, ta'msiz ekanini his qildi. O'rnidan turib kerishdi-da, esnadi. Necha bor o'tinxonani iskab chiqdi. Nihoyat, onasi kirib-chiqib yuradigan pardadan boshini chiqarib ko'rdi. Sovuq shamol yuziga urildi. Oppoq qorga qadam qo'ygan edi, oyoqlari muzladi, qaytib sovuq joyida junjikdi. Ingillayverganidan battar holsizlanib, tomog'i qirildi. Yana tashqariga mo'raladi. Qish qanchalik zahrini sochmasin, uni sog'inch, alam hissi bir yoqlarga yetaklardi.

Birinchi marta onasiga o'xshash junli narsani uchratdi. Boshida ikkita g'alati narsasi bor, bahaybat. Yonida o'zi kabi junli maxluq. Ular onasi atrofida goh sakrashar, goh o'mbaloq oshib, erkalanar edilar. Eng kattasi mushukchani ko'rgach, ko'zlarini olaytirdi-da, boshini o'nglab, bir suzgan edi, mushukcha uch marta yumalab, ko'lmakka ag'anadi.

U yurib-yurib, yog'ochdan yasalgan o'tov ichida boshqa g'alati jonivorlarni ko'rdi. Ulardan birining boshida qizil toji bor. Mushukcha yaqinlashganida u qanotlarini qoqib, bir qichqirdi. Mushukcha pildirab orqaga tisarilgan edi, bir narsaga qattiq urildi. Bu o'sha – unga taom keltirgan odamning oyoqlari edi. U jerkib, mushukchani joyiga qo'ydi-da, idishga ovqat soldi.

Zerikish, sog'inish azobi mushukchani qanchalik ezmasin, uning shu zax, sassiq o'tinxonadan boshqa boradigan joyi yo'q edi.

Ba'zan u o'sha beo'xshov shoxli, tojdor qo'shnilarning oldiga borgisi, bolalari bilan o'mbaloq oshib o'ynagisi kelar, lekin har safar ulardan tepki yeb, o'z «uyi» tomon ma'yus qaytaverardi.

Mushukcha onasini kutaverib, nihoyat yolg'izlikka ko'nikdi. U Baroqvoyga aylandi. Endi u ovqat tanlamas, o'tkir tishlari chandir go'shtga o'tar, chayir panjalaridan sichqon qochib qutula olmas edi.

Jazirama kunlarning birida xo'jayin qoplab don-dunni bir xonaga joyladi. Baroqvoy mudrab yotgandi. Qulog'iga chiyillagan ovoz eshitildi. Mushuk ikki kunga qolmay ularni qiyratdi.

Xo'jayin uni silab-siypab qaymoq bilan siylaydigan bo'ldi. Donxona burchagidan yumshoq joy ajratdi. Endi Baroqvoyga sichqonlar-u kalamushlarni tutish oson bo'lib qoldi.

Bir kuni uning qulog'iga tanish, xuddi o'zinikiga o'xshash «miyov» degan ovoz eshitildi. Avval ahamiyat bermadi, biroq ovoz ikki-uch marotaba takrorlangach, u erinib darvoza tomon o'girildi. Qarshisida o'zining aksini ko'rgandek bo'ldi. Baroqvoy uning o'ziga kimligini his etib turar, ammo junlari hurpayib, jahl bilan tajovuzkorona chinqirdi, go'yo ro'pasida ming yillik raqibi va uni g'ajib tashlashga tayyor edi.

M. TO'LAGANOVA

O'YLA, IZLA, TOP!

Ranglar jilosi

Саҳифани М. МАҲКАМОВА тайёрлади.

АРМИЯ ВА ЁШЛАР

ЕТАКЧИЛАР ФОРУМИ

Ҳарбий қисмда ўтказилган II форум Тошкент вилоятидаги ҳарбий қисм ва муассасалардаги ёшлар етакчиларини бир даврага жамлади.

Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Тошкент вилояти кенгаши ва Тошкент ҳарбий округи ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда масъул офицерлар, илғор ёшлар ҳамда таниқли санъаткорлар иштирок этди.

– Форумдан кўзланган мақсад, 2019 йил сарҳисоби, шу билан бирга, ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялашга муносиб ҳисса қўшиб келаётган юртимиз посбонларини рағбатлантиришдан иборат, – дейди майор Акобир Нуриллаев. – Ёшлар етакчилари келгусида ҳамкорликда олиб бориладиган ишлар самарадорлигини ошириш юзасидан таклифларини ўртага ташлади. Жанговар техника ва қурол-аслаҳалар намойиши ёшларда унутилмас таассурот қолдирди.

Форумда ёшлар етакчилари қатор номинациялар бўйича тақдирланди. Жумладан, Мудофаа вазирлиги тасарруфидаги ҳарбий қисм бошланғич ташкилот етакчиси капитан Анвар Қулмуродов «Йилнинг энг намунали бошланғич ташкилот етакчиси» номинацияси бўйича ғолиб бўлди. Давлат хавфсизлик хизмати тасарруфидаги ҳарбий қисм офицери Лазиз Баратов «Йилнинг энг илғор маданий-маърифий ва ҳуқуқий тарғибот йўналиши сардори» номинациясига муносиб кўрилди. Мудофаа вазирлиги тасарруфидаги ҳарбий қисм вакили майор Элдор Ирисбоев «Йилнинг энг илғор ижтимоий-иқтисодий йўналиш сардори», капитан Ферузжон Боймуродов «Йилнинг энг илғор оммавий спорт ва саломатлик масалалари йўналиши сардори» номинациясига эга бўлди. Миллий гвардия тасарруфидаги ҳарбий қисм бошланғич ташкилот етакчиси капитан Шаҳбоз Мирзаев «Йилнинг намунали бошланғич ташкилот хонаси», Ҳарбий-техник институти офицери капитан Азизбек Эрназаров «Йилнинг энг илғор «Устоз – шогирд» анъанаси йўналиши сардори» номинациясида ғолиб бўлди. Қолаверса, ҳарбий қисмдаги бошланғич ташкилот фаолиятини қўллаб-қувватлагани учун Мудофаа вазирлиги Махсус авария-тиклаш бошқармаси бошлиғи полковник Бекзод Одилов, ҳарбий қисм ва муассасалар билан ҳамкорлиги учун Оққўрғон ва Зангиота туманлари «Камалак» болалар ташкилоти раислари Азиз Қўшбоев, Асия Худойберганова ташкилотчилар томонидан тақдирланди. Ғолибларга диплом, статуэтка ва қимматбаҳо совғалар топширилди.

Муаллиф суратга олган

Ижод намуналарида Ватанга муҳаббат

Республика ихтисослаштирилган эстрада ва цирк мактабида «Ватан ҳимояси – муқаддас бурч!» деб номланган театрлаштирилган мусиқий байрам дастури намойиш қилинди.

Унда таниқли эстрада хонандалари, фахрий ўқитувчилар ва ўқувчилар қатнашди.

Ўқувчиларнинг «Ватан сарҳадларини ўргандим мен» мавзуидаги бадиий композицияси йиғилганларда унутилмас таассурот қолдирди. Ҳарбий-ватанпарварлик руҳидаги куй-қўшиқлар, дилтортар рақслар ижро этилди.

Тадбир доирасида узоқ йиллардан буён ушбу мактабда сабоқ бериб келаётган эркак ўқитувчиларга эсдалик совғалар топширилди. Ўқувчиларга «Ватанпарварлик – миллий юксалиш кафолати!» шиори акс этган тарқатма материаллар тақдим қилинди.

Дилшод РЎЗИҚУЛОВ,
«Vatanparvar»

Муаллиф суратга олган

БИР ЧИМДИМ

Уруш – бу шундай ўйинки, унда баъзан яхши кишилар мағлуб бўлишади.

Мустафо Камол ОТАТУРК

b-havo

Kun	Harorat	Tavsif
Juma 31 yanvar	+ 12 °C / 0 °C	bulutli / bulutli
Shanba 1 fevral	+ 14 °C / + 2 °C	joylarda bulutli / bulutli
Yakshanba 2 fevral	+ 14 °C / + 5 °C	bulutli / bulutli
Dushanba 3 fevral	+ 10 °C / + 3 °C	yomg'ir / bulutli
Seshanba 4 fevral	+ 11 °C / + 2 °C	yomg'ir / bulutli
Chorshanba 5 fevral	+ 14 °C / + 5 °C	bulutli / bulutli
Payshanba 6 fevral	+ 16 °C / + 6 °C	joylarda bulutli / bulutli

OBHAVO.UZ

КЕЛГУСИ СОНДА:

Альберт Эйнштейн атом бомбаси сирини собиқ Иттифоққа ошкор этанми?

VATANPARVAR

Муассис:

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУДОФАА ВАЗИРЛИГИ

www.mudofaa.uz

Бош муҳаррир вазифасини вақтинча бажарувчи:
подполковник Тўлқин ЖУМАНАЗАРОВ

Навбатчи:
катта лейтенант Азиз НОРҚУЛОВ

Саҳифаловчилар:
Рамиз ВАЛИЕВ
Роберт ИСЛАКАЕВ

Мусаҳҳиҳлар:
Зебо САРИЕВА
Сайёра МЕЛИҚЎЗИЕВА
Муҳаррам КАМОЛОВА

Телефонлар:
71-260-36-50
Факс: 71-260-32-29.

ISSN 2010-5541

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифларга қайтарилмайди.
Мудофаа вазирлиги Ахборот ва оммавий коммуникациялар департаменти «Ватанпарвар» Бирлашган таҳририятининг компьютер марказида саҳифаланди.

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 2008 йил 6 июнда 0535 рақами билан рўйхатга олинган.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин.
Буюртма: г-162
Ҳажми: 6 босма табоқ.
Бичими: А3.
Адади: 36 976 нусха.
Босишга топшириш вақти: 14:00.
Топширилди: 14:30.

Газета жума куни чиқади.
Газета 1992 йилнинг 24 июнидан чиқа бошлаган.
Нашр кўрсаткичи: 114.
Баҳоси: келишилган нархда.
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компаниясида чоп этилди.
Босмахона манзили: Тошкент ш., Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

1 2 3 4 5

Манзилимиз:
100164, Тошкент,
Университет кўчаси, 1-уй.